

Р.М. АБДУЛЛАЕВА, А. ИСЛОМОВ

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ: *психологик тавсиялар ва тестлар*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҼТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Р.М. АБДУЛЛАЕВА, А. ИСЛОМОВ

**ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ:
ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР
ВА ТЕСТЛАР**

ТОШКЕНТ – 2012

Ушбу рисола ТДИУ «Ахборот технологиялари ва статистика» факультетининг 29 февраль 2012 йилдаги илмий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

Ш.А.Дўстмуҳамедова - Низомий номидаги ТДПУ “Умумий психология” кафедраси мудири, пс.ф.н., доцент.

М.К.Хошимова - ТДИУ «Иқтисодий педагогика» кафедраси мудири, пед.ф.н., доцент.

Ушбу рисола оила қуриш давридаги академик лицей ва касб-хунар коллежи ҳамда олий таълим тизими талабаларига, отоналарга, психолог, педагог мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги психологик қарашлари, оиласавий муносабатларни зиддиятларсиз, баҳтили ва мазмунли кечишида амал этиш лозим бўлган психологик тавсия, маслаҳатлар ва оиласавий ҳаётни ўрганишга оид психологик тестларни ўз ичига олгандир. Шунингдек оила аъзоларини етарлича кузатиб, билиб олишга имкон берувчи қизиқарли психологияга доир илмий маълумотларни ҳам ўқишингиз мумкин.

*Бу ёргу дунёда ҳаёт бор экан, оила бор.
Оила соглом экан – жамият мустаҳкам,
жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир.*

ИСЛОМ КАРИМОВ

СҮЗ БОШИ

Оилани қадрият сифатида тавсифлаш ва жамият ҳаётидаги нуфузини таъкидлаш билан биргаликда, унинг мустаҳкамловчи кафолатли омилларининг ролини ўрганиш, айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Бу борада давлат раҳбари И.Каримов: «...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиизга айланишини истардим».

Ўзбекистон йилдан йилга расмий никоҳлар миқдори ошиб бораётган мамлакатлардан бири бўлиб, унда никоҳ ажримларини камайтириш янада катта ижтимоий аҳамият касб этади. Бу эса ёшларда оила ва никоҳ институтларига нисбатан тўғри тасаввурларнинг шаклланганлигига, уларнинг оилавий ҳаётга психологик жиҳатдан тайёрлигига бевосита боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт мағкураси жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, соҳаларида бўлгани каби маданий, маънавий тараққиётимизга ҳам аниқ мақсад ва йўналиш берди. Маънавиятнинг инсон ҳаётида, жамиятнинг ривожланишида, оилаларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Зеро, маънавият бўлмаган жойда ривожланиш ҳам, эътиқод ҳам, Ватан ва эрк туйғуси ҳам, халқда диёнату-адолат ҳам бўлмайди. Олдимизда турган мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли иш даражасини янги сифат босқичига кўтариш учун астойдил ҳаракат қўлмоғимиз даркор. Ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало шу жамият аъзолари бўлган комил инсонларга, келажак авлоднинг баркамол бўлишига боғлиқдир.

Оила-бу жамиятдаги соғлом ва барқарор ҳаёт тарзи вужудга келишининг асосидир. Соғлом ва баркамол оилани ривожлантириш

ҳамда оилаларда маънавияти кучли, етук шахсларни камол топтириш масаласи мамлакатимиз истиқоллигининг биринчи кунларидан бошлаб энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Оилалар қанчалик мустаҳкам ва барқарор бўлса, уларда юксак маънавий-ахлоқий тамойиллар бўйича ёшлар тарбияланса, шунчалик тез мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши учун замин яратилади. Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданият ҳамда маҳаллада олиб бориладиган тарбиявий таъсирга боғлиқдир. Илмий-педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оила бола учун энг муҳим тарбиявий муҳит бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-автор, ирода ва дунёқарааш шаклланади.

Шунингдек, XXI аср инсон психологиясини билиш, ўз тараққиётини ва иқтидорини ташкил этишини ўрганиш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптималь равишда ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари сурди. Замонга хос фикрлайдиган ёшларга қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахеий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда атрофидагиларга бўлган муносабатни оқилона ташкил этнишdir. Шу максадда “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурига асосланган ҳолда тавсия этилаётган “оила психологияси: психологик тавсиялар ва тестлар” ёшларни оилавий ҳаётга психологик жиҳатдан тайёрлаш жараёнига каратилгандир. Турли психологик тестлар, тавсиялар ёрдамида эса оилавий ҳаётга тайёрланаётган ёшлар ўз имкониятларини аниклаб, уларни келгусида янада ҳар томонлама ривожлантиришлари мақсадга мувофиқдир. Вояга етаётган ҳар бир киши оила тўғрисида яхши кўрсатма, йўриқ, тузик, қонун-қоидаларни яхши билиши керак ва уларга амал қилишга тайёр бўлиши лозим.

Ҳар қандай жамият тараққиётida оилаларнинг, оилалар мустаҳкамлигининг ўрни бекиёсдир. Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимининг хукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб, шахс сифатида шаклланиб, сўнг ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал

қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни бекиёсдир.

Юқоридаги фикрларга асосланаб, кенг китобхонлар хукмига ҳавола этилаётган ушбу қўлланма “оила” деб аталмиш масканнинг инсон баҳти-саодатига таъсирини юксак маънавий меросимиз намоёндалари бўлмиш Шарқ мутафаккирларининг қарашларида қай тарзда баён этилганлиги, баҳтли оила қоидалари, мустаҳкам оила яратишга қаратилган психологик тавсиялар ва албатта ҳар бир инсонни ўз-ўзини, ён атрофидагиларини билиб олишига имкон берадиган психологик тестлар мажмуасидан иборат этиб яратилган.

Умид қиласизки, ушбу қўлланма Сизнинг оилавий ҳаётингизни баҳтли, саодатли, мазмунли, қувончли бўла олишига хисса бўлиб қўшилади.

1-БЎЛИМ



ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛА ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

- Абу Наср Форобий
- Абу Райхон Беруний
- Абу Али Ибн Сино
- Юсуф Хос Хожиб
- Кайковус Унсурулмаони
- Алишер Навоий
- Юсуф Товаслий

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛА ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари узоқ асрлардан бўён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг дикқат марказида асосий масалалардан бўлиб келган. Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Хотам Ибн Той, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фахриддин, Муқимий, Фурқат, Завқий, Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний каби кўплаб олим ва ёзувчилар бу масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини тарихда қолдириб кетгандарки, улар ҳозирги замон фани учун ҳам катта ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эгадир. Уларнинг асарларида оила ва оиласи муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилган, шунинг учун биз юқоридаги буюк мутафаккирларнинг айрим педагогик ва психологик қарашлари ёритилган асарларини таҳлил этиш орқали талабаларга мазкур муаммоларнинг нақадар долзарб эканлигини баён этамиз.

Шарқ мутафаккирларининг барчасини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оиласи муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилган, шунинг учун биз юқоридаги буюк мутафаккирларнинг айрим педагогик ва психологик қарашлари ёритилган асарларини таҳлил этиш орқали талабаларга мазкур муаммоларнинг нақадар долзарб эканлигини баён этамиз.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбааларидан бўлмиш Куръон ва Ҳадисларда ҳам одоб-аҳлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва вазифалари, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳабbat масалаларига кенг ўрин берилган.

Куйида ҳадислар тўпламидан бир неча мисоллар келтирамиз:

"Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли-аёлига фойдаси кўп тегадиган кишиидир" /18-хадис/, "Одамлар ичидаги хотин кишиига нисбатан хақлироғи унинг эридир. Эркак кишиига нисбатан одамларнинг хақлироғи - бу унинг онасиидир" /34-хадис/;

"Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз" /38-хадис/; "Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди, бордию кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўклилади" /44-хадис/; "Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз кўл остингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак ҳар бирларингиз масъулдирсизлар" /116-хадис/; "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди, /136-хадис/.

Келтирилган намуналардан кўринадики, демак диний манбаларда ҳам оиласининг муқаддас эканлиги, эркак ва аёлларнинг оила олдидаги бурч ва масъулиятлари, ота-онанинг бола ва ўз навбатида фарзанднинг ота-онаси олдидаги вазифалари, эрнинг хотинига хурмат ва эъзози муқаддас қадриятлар сифатида қаралган экан.

Агар ҳалқ эпоси ва диний рисолалар одамларда оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб сакланиб келган бўлса, ҳалқнинг энг донишмандлари ва олимлари ўз қимматли фикрларини ҳалқ анъаналарига таянган ҳолда ўз асарларида ёритиб, уларни келгуси авлодлар учун қолдирганлар, шундай файласуф-олимлардан бири Абу Наср Форобийдир. Унинг инсон камолоти, баҳти, таълим ва тарбияси, умуман ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий қарашлар ва тушунтиришлардан иборат ўғит бўлиб, ахлоқ назариясини бойитди. Унинг таълимотларида келтирилишича, ҳақиқий баҳт бир одамнинг бошқасига нисбатан ғайирлиги, зулми йўқолгандагина бўлади, оила аъзоларининг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари эса ана шу оиласидаги одамларнинг баҳтини ташкил қиласиди. Бундан ташқари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга керакли тайёргарлик ҳолатини шакллантириш таъсирига эга эканлиги тўғрисидаги хуласалар мутафаккир қарашларининг ҳозирги кунлар учун ҳам нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Ўрта асрларнинг буюк арбоби, олим-энциклопедист Абу Райхон Беруний /973-1048/ Форобий қараашлари таъсирида қатор фанлар бобида ўз изини қолдирган донишманддир. Унинг кўпгина асарларида инсон одоби ва ахлоқи хусусидаги ноёб фикрлар ўз ифодасини топган, Мутаффакир ўзининг "Минерология", "Геодезия", "Хиндистон", "Ўтган авлодлар обидалари" номли асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, ҳаловат ва лаззати, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. У бундай ёзади: "Инсон жамиятда ўз қариндош-уруглари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-кувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларини таъминлаш учун ишларни бажаришдир". (Минерология, 1966, 10-бет).

А.Р.Беруний "озодалик ва орасталик олижанобликнинг ўзаги" бўлиши кераклигини уқтиради; инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси билан унинг ахлоқий қиёфаси ўртасидаги боялиқлик ҳақида гапириб, "тишни ювиб, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, сочни эса зарур бўлганда бўяб, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш" инсон саломатлиги ва руҳий поклигининг асосидир, деб таъкидлайди. Бу фикрлар ҳозирги замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, чунки оила аъзоларининг, эр-хотиннинг ушу кўрсатмаларга амал қилиши оила тотувлигининг заминларидан биридир.

Ахлок-одоб эгаси бўлган инсон энг аввало ўз юриш-туриши, муомала маданиятида, ҳаёт кечиришида, оила барқарорлигига намуна бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари олимнинг оила этикаси бўйича ибратли қараашларидан намунадир. "Инсон ўз эҳтиосларига хукмон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мактагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усууллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир".

Шундай қилиб, Беруний ўз устозлари изидан бориб, ўзининг гуманистик умуминсоний қараашлари билан оила психологиясига муносаб ҳиссасини қўшди. У инсонлар ўртасида ўзаро бир-бирларини тушуниш, тенглик ва бошқарувда адолатни химоя қилиб чиқди-ки, бу қараашлар бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Оилавий муносабатлар ва бу соҳага оид қарашлар тизимида Шарқ мутаффаккирларидан бири, бутун Европа ҳалқлари ҳам унинг қомусий билимдонлигини тан олган аллома Абу Али Ибн Синодир /980-1037/. Буюк олим сифатида у барча ходисаларнинг илмий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Ибн Синонинг педагогик ва психологияк қарашлари ижтимоий асосда курилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани қаттиқ тана жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган. Мутафаккирнинг қаламига мансуб бўлган "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй хўжалиги" каби қатор асарлари Ўрта Осиё ҳалқлари ахлоқ-одоби, психологияси ва табобат оламида алоҳида ўрин тутган йирик илмий тадқиқотлар хисобланади.

Ахлоқий тарбия масалаларида аллома оиланинг ўрнини алоҳида таъкидлаган. Оила ва оилавий муносабатлар масаласи унинг «Тадбири манзил» асарида алоҳида ўзига хос тарзда баён этилган.

Оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, Ибн Сино, аввалом бор оила бошлиги олдига қатор талабларни кўяди. Оила бошлиғи, деб ёзади у, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оиласада тарбия масалаларини мукаммал ўзлаштирумоги лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз бўлса, у ўз аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оила, балки кўшниларга, махалла-куйга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Оиласадаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар, уларнииг бирламчи вазифасидир, деб хисоблайди Ибн Сино. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, бари-бир, у бола тарбияси борасида масъулдир. Давлат бошликлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим.

Ибн Синонинг бола тарбияси, тарбия психологияси ва раҳбарларга қўйган ушбу талаблари ўша даврда қанчалик тараккийпарвар ва зарур бўлса, бизнинг бугунги кунимизда ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

Унинг фикрича, тарбиячи, яъни ота-она, ёдланган шахс «нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоги лозим» /Ибн Сино. Тадбири манзил, 44-бет/.

Ибн Синонинг севги-муҳаббат ва эр-хотин муносабатлари борасидаги фикрлари ҳам диккатга сазовордир, «Энг юксак севги деб, таъкидлади у, - бу инсоний севги бўлиб, бундай севги кишини

саҳоватли килади, уни оқкүнгил ва жозибали кишига айлантиради». Алломанинг фикрича, севги инсон зиммасига жуда катта ахлоқий ва хуқуқий масъулият юклайди. У инсон бахтининг негизи, деганда ошиқлик эмас, балки ошиқ-маъшуқликни тушунади. Ошиқ-маъшуқлик билан турмуш қуриш оила мустаҳкамлигининг асоси сифатида таъкидланади.

Турмуш қурган эр-хотинлар муносабати борасида, эса мутафаккир, «Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоги лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир», - деб ёзади. Аёл эса эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши, у бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчидир. Унинг эр-хотин муносабатлари хусусидаги фикрлари ҳам ўша давр учун ўта илгор ва аҳамиятли эди. У ўзининг "Оила хўжалиги" китобида аёллар ахлоқан энг макбул, юқори сифатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади. Шу китобнинг "Афсофий бехтарин занҳо" /аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида/ бўлимида уларнинг куйидаги фазилатлари таъкидланади: «Аёл ақлан доно, уятчан, иболи, иффатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим: у эрига бўйсунмоги, уни севмоғи, фарзандлар тутиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак инжик бўлмаслиги, ўз иффати ва обрусини тўқмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димогдорлик, викор хиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вактида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулк-автори билан ўз эрининг қалбида хадиксираш хиссига ўрин қолдирмаслиги керак» /Ибн Сино. «Тадбири манзил», 38-бет/. Бизнинг фикримизча, оила ва аёл ўрни хусусида Ибн Сино баъзан бир томонлиликка йўл қўйгандек туюлади, чунки бунда асосий эътибор ва ургу фақат аёл шахсига қаратилади, лекин бу фикрларнинг асосида аёлларнинг психолигик жиҳатдан оила муҳитини ифодалайдиган кишилар сифатида қараш ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир.

Умуман, Ибн Сино аёл кишига инсоний муносабатда бўлиб, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ўзаро хурмат ва бир бирини тушунишга асосланмоги лозимлигини ҳимоя қилиб чиққанлиги бу дикқатга сазовор жиҳатдир.

Ибн Синонинг меҳнат тарбияси борасидаги фикрларидан бири, масалан, ҳар бир болани, дейди у, «Бирор ҳунарга ўргатмоқ шарт, ёш йигит бирор ҳунарни ўрганса, уни ҳаётда тадбиқ эта олса ва мустақил ҳунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси

уни уйлантириб кўймоги лозим», - деб ҳисоблайди. Демак, алломанинг оила қуриш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий етуклик хақидаги фикрлари биз учун ҳозир ҳам зарурдир. Сабаби, оиланинг мустахкамлиги ва бахтли бўлиши айнан оила курганларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан етукликларига ва айниқса, йигитнинг оила қуришга тайёргарлигига боғлиқдир.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг табобат, инсон тарбияси, оилавий муносабатлар хусусидаги фикрлари жуда қимматли бўлиб, уларни ҳозирги замон ёшлари онгига етказиши эса катта илмий-педагогик ва ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир.

XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Кутадғу билиг» -«Саодатга бошловчи билим» - китобида ва ундан кейинги қатор асарларида ўзининг этика ва ҳаётга оид қарашларини баён этади.

Инсон фақат жамиятдагина камолотга етиши мумкин, мулокот ва ижтимоий-фойдали меҳнат уни ривожланиши ва яшашининг мезонидир, деб ҳисоблайди. «Бошқа одамларга фойдаси тегмайдиган инсон - ўлиқдир», - деб ёзди у. /ўша асар, 529-бет/. Одам ким бўлишидан қатъий назар /шоҳми, гадоми/ аввало инсоний бўлиши керак, чунки «дунёда ўлмас бўлиб, фақат инсонийлик қолади», «Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши - ҳар қандай қимматбахо дурлардан ҳам қимматлидир».

Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк баҳтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Шунинг учун ҳам оилавий тарбияни Юсуф Хос Хожиб, бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: «Агар боланинг хулки ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб - отасида». Шунинг учун ҳам ота-она, айниқса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозим, Маълумки, сўғизм инсоний муҳаббат, севгини инкор этиб, фақат Оллоҳга нисбатан севги ва муҳаббатнинггина борлигини эътироф этган. Бундан фарқли ўлароқ, Юсуф Хос Хожиб, одамлар ўртасидаги севги-муҳаббатни тараннум этган. У севгини оилавий баҳт ва ижтимоий муваффакиятларнинг гарови, деб ҳисоблаган. «Йигит уйланмасдан аввал келиннинг кимлигини, унинг келиб чиқиши, характери ва хулқ-атворини билиши керак», - дейди у. Унинг ахлоқий дидактикаси Ўрта Осиёдаги илғор фикрларнинг тараққиётига катт:

хисса қўшган, шунинг учун ҳам унинг қарашлари мусулмон халқлари ўртасида кенг тарқалган ва кўпгина шов-шуввларга сабаб бўлган.

Кайковус Унсурулмаони - 63 ёшида ўғлига атаб "ҚОБУСНОМА" ёзib, унда ўзининг бола тарбияси, оилавий ҳаёт, шахс камолоти масалаларини баён этди. Китобдаги асосий гоя - ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга, эъзозлашга чақиришидир. Унинг бу борадаги фикрлари пандноманинг «Ота-она хаққини билмоқ зикрида» бобида баён этилган: «Ўар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она, меҳр-муҳаббатини адо этмақдин бош тортмагай». У бу борада "Нима эксанг, шуни урасан" деган мақолни ишлатиб, у оиласда бола тарбиясининг кўйилиши ана шу муҳим мақол асосида курилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Маълумки, "ҚОБУСНОМА" тарбия борасида шунчалик нодир асарлардан ҳисобланадики, уни машҳур ҳинд масали "Калила ва Димна", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Ахмад Юғнакийнинг "Хибатул хақоник", Алишер Навоийнинг "Маҳбубул кулуб", "Вақфия" каби асарлар қаторида ҳисобланади. Ундаги фикрлар ва кўрсатмалар ота-оналар учун, айниқса ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги йигит-қизларни тарбияланишида муҳим дастурдир.

Турмуш маданияти, одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат борасида ўзига хос қайтарилмас фикрлар соҳиби буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Маҳбуб-ул-кулуб" ёки "Қалбларнинг севгиси" деб ном кўйилиши бежиз эмас. Чунки бу асарда Навоий инсонларга қалбидаги энг керакли ўғитларини баён этиб, уларни турмушдаги, оилавий ҳаётдаги турли ҳодисалар ва вазиятлардан чиқишига имкон берувчи яхши фазилатлар, уларни тарбиялаш масалаларига дикқатни қаратади. Рисоланинг «Үйланиш ва хотинлар тўғрисида» бобида у үйланиш ва унинг фойдаси, оилавий муносабатлар ҳакида дурдона фикрларни баён этади, Унда асосан инсоният дунёсида мавжуд бўлган З хил севгининг нақадар гўзал, табиий ва инсоният тараққиёти учун зарурлигини зикр қиласди. Инсоний севги, чин муҳаббат, икки хил - жинснинг турмушда баркамоллик касб этиши каби гояларни тараннум этган бу нодир асар бугунги давримиз учун ҳам гоят Қимматлидир. Навоий аёл кишининг оиласдаги ўрнига қуидагича тўхталади:

«Яхши хотин-оиласнинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, хуснли бўлса-кўнгил ёзиги, хушмуомала бўлса - жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар сарангом

туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай баҳтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинхоний дард-аламда ҳамнафас тан маҳрамига эга бўлади. Турмушда бошинингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у, тескари айланувчи фалакдан ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳамроҳ, баданингга хасталик ва заифлик келса, унинг ҳам жони ҳалак, аммо худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор чекади ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан рух азоб чекади. Тили аччик бўлса, барчанинг дилини яралайди, покиза бўлмаса, эрига юзи қоралик келтиради, агар майхўр бўлса, у уй одоблиги йўколади, ахлоқиз бўлса, оила расво бўлади».

Буюк шоиримизнинг оиласибий баҳт, севги ва эр-хотин муносабатлари, уларга зарур бўлган фазилатлар борасидаги бундай фикрларини билиш ва уларга риоя қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи бўлмоғи шарт.

Шарқда ёшларни оиласибий ҳаётга тайёрлашга қадимдан жиддий аҳамият берилган. Улар «Насиҳатнома», «Панднома», «Ҳикматнома» тарзида бизгача етиб келган. Бу манбаларда қизларни ҳаётга тайерлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатпар шаклланган бўлиши, оила муқаддас, уни авайлаб асраш айнан уй бекаларига боғлиқ эканлиги ҳакида турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳикоя қилинади. Шундай китоблардан бири турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар ҳазинаси"дир, унда келин бўлувчи қизга бериладиган она ўгити кишининг диққатини ўзига тортади. Унда она узатилаёган қизига қуйидагиларни насиҳат киласди:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўгит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтоҷ бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан бу қонунни хеч ким буза олмайди.

Шу сабабли. сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингта шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга кул булсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен унга уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Айтганларига амал қылсанг эринг билан гүзәл ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли турмуш қурасизлар. Бизлар ҳам (хар икки оила - бизнинг ҳам эрингнинг оиласи ҳам) хузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оиласи ҳам хузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат сохибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у ҳоҳ ейдиган ҳоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфөйллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол эрингга ташаккур айтиб хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқлиkdir. Ҳолига шукр этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил хузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан сухбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлок бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димогига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгига сенинг обруйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир. Инсон кўзига хуш кўрининишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга кетиш пайти бўлса ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асаблари бузук хафақонлик одамларнинг эҳтироси, мұхаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сакла, ашёларини авайла, мухофаза

қилгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрнинг мол-дунёйини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни эрингнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор козонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бирорларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йукотасан. Бунда тузайтган оиласиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар қўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, эринг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда, сен хафа бўлишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончли бўлган вақтларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса, фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир. Бу сен каби юксак бир тарбия қўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг щунчалик муҳаббат ва ҳурматига эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тинглассанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўгитларимни ўрнига кўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг истакларини ўзингнинг орзу истакларинг деб билсанг. у ҳолда бу ўгитларимга амал қилган бўласан!». Бу насиҳат жаннат ҳаётида яшашни истаган келинчакларга қаратилгандир. Бу ўгитлар бутун ҳаётини сабр-қаноатда ўтказган тажрибали онанинг насиҳатидир. Зера, қаноат, сабр-бардошли бўлиш, эрнинг хошишига қараб, уни ҳурмат қилиш, оиласиз тозаликка, ҳаёт гигиенасига риоя қилиш, пазанда бўлиш, овқатни вақтида, мазали пишириш оиласа

режали тежамкор бўлиш ҳар бир оиланинг барқарорлигини, осойишталигини таъминловчи омиллардир.

Юсуф Товаслий ўғитларига кўра, эрининг мол-мулкини сақлаш - бу ўзининг, болаларининг мол-мулкини сақлаш демакдир. Уйда эр мулкини тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин оила заволидир. Шунингдек, эрнинг қариндошларига хурмат қўрсатиш ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз «гулни севган тиконни эъзозлайди», - дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва хурмат қўрсатишни билмайдиган аёл хузур ичидаги яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикон севилмайдими? Тиконни иззат қилмаган, гул исидан бебахра қолади. Эрининг қариндош яқинларига хурмат қўрсатишни билмаган аёл эрининг қўнглини ололмайди. унинг меҳрини қозона олмайди, унинг нафратига учрайди, муҳаббатини сўндиради. Ақлли аёллар бундай йўлни танламайдилар. Шу ўринда донишмандлар аёл киши эрнинг сирини ўзгаларга ошкор этмаслик ҳам уларнинг энг яхши фазилати эканлигини уқтирадилар. «Эрнинг сири - оиланинг сири. Ҳақиқатда эр сирини қалбининг энг тўрида тутган ақлли хотинлар ўз оиласидан хузур ва роҳат қурадиганлардир».

Шунинг учун ҳар бир оқила она, қизини узатар экан, ёки қизини оиласивий ҳаётга тайёрлар экан - бахтли яшаши, бахтли яшаш учун эса фақат оиласидан яшамогини уқтириши керак. Чунки жуфт бўлиб яшамоқ ҳаёт суннатидир. Никоҳ воситасида, шаръий йўл билан жуфт бўлиб яшаш - ахлоқий поклик ва соғлик гарови, жамият мустаҳкамлиги асоси эканлигини англатиш, унга амал қилишини тушунтириши керак. Бинобарин, ушбу фикрлар ёшлиарнинг яхши оила қуриши ва бахтли яшаши учун зарур даструл амал ҳамдир. Мана шундай ўғитлар билан ўстирилган қизларимиз ибо-ҳаёли, андишали бўлишган. Улар ота, ака-ука ва эрларининг хурматида бўлишган.

Туркистон ҳалқларининг психологияси, турмуш тарзидағи ўзига хосликлар, ўзбек аёлининг одоби ва ахлоқи, оиласидан ўзини тутиши жуда кўп олимлар ва алломаларни қизиқтириб келган. Масалан, 19-асрнинг 70-йилларида фарангистонлик этнограф, оима, мусаввир Бурдон хоним Туркистон эллари ўргасида тадқиқот олиб борган эди. У бу ҳалқларнинг ҳаёт тарзи билан танишиш жараённида аёлларнинг одоби, болаларга муносабати ва эр-хотин муносабатларининг гувоҳи бўлди. Унга ўзбек аёлининг ўз уйида, тўй-маросимларда, қўни-қўшнилар билан мулоқотда ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси уни ҳайратда колдириди. «Биз, -

маданийлашған Оврўпо аёллари ахлоқ-одобни, иффатни бизнинг назаримизда ёвойи ҳисобланган туркистонлик аёллардан ўрганмоғимиз жоиз экан, Лесгафт, Дидро назарияларидан мутлақо бехабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланма ёзсалар арзир экан" - деб ёзган эди "/Саодат", 1993, 10/.

Олима хонимнинг замондоши ва маслакдоши XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Фахр-ул банот Сибгатуллоҳ қизи ҳам ўз даврининг олимаси эди. Унинг асарлари биринчи навбатда хотин-қизларга қаратилган бўлиб, «Қизлар тарбияси», «Оила сабоқлари» каби китоблари қизлар мактабларида дарслик сифатида ҳам қўлланилган. Бу рисола 87 сабоқдан иборат бўлиб, унда хулқ-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятининг психологик асослари берилган.

Қадимдан қизлар тарбияси, уларни эъзозлаш, уларга ўзгача меҳр билан қараш халқимизнинг олий фазилати бўлган. Шу сабабдан халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам бу масалага эътибор берилган. Буни тасдиги сифатида ушбу ривоятни келтиришни лозим деб топдик. «Бир вақтлар давлатманд ақлли одамнинг қизи ақлли-одобли йигитга узатилиби. Куёв одобли бўлганлиги учун қайин ота томонидан жуда севикли куёв бўлиби.

Қизнинг укалари атрофидагиларнинг таъсириданми, ёки ёшлик қилибми, оталари поччаларини бунчалик яхши кўришига ғайр қила бошлабдилар.

Ўғилларидан бири акасига бир кун: - Ақажон, отам ҳадеб "Куёвим, куёвим" дегани деган. Ҳамма вақт поччамиз уйга келганда турли ширин овқатлар қилинади. Отам "куёв ундей, куёв бундай" деб мақтайди, холос. Куёв шундай яхшими? - дейди. Бу гаплардан хабар топган ота - Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни нега яхши кўришимни биласанми? - дейди. У бизнинг номусимизни қўриклиди, қизимизни, онангни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя қиласди. Аслида мен қизимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозир у ҳимоя қиласпти. Мен уни яхши кўрмай кимни яхши кўрай? Қизимизни жуда яхши кўрганим учун куёвимни жуда яхши кўраман. Куёвимни севиш қизимни севиш демакдир. Агар қизимга куёвим қарамаса мен қарашим керак бўлади. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари! Аёл, она, қиз оиланинг номусидир. Номусни саклаш, қўриклиш мард эркакларнинг ишидир. Мана номус нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсан, сиз ҳам шундай бўласиз. Онангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсан, поччангизга бир гап

бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз қўриқлайсиз. Шундай экан менинг айтганимга кулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз, дейди.»

Шариатда қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота ҳақиқий ота ҳисобланмаган. Ҳақиқий ота қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Фарзанди, авлоди қадр-қимматини билмаган. авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас, дейилади. Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб, уларни турмушга бериб, уларга яхшилик қилишни давом эттираса, ул кимса жаннатидир, дейилган.


Фан ва илму маърифат тараққиётида муҳим ўрин тутган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср олимлари ва маърифатпарварлари - Ахмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз, Абдулла Авлоний кабилар эса Шарқ мутафаккирларидан рухланиб, ахлоқ-одоб, оила этикаси ва психологиясига оид қатор асарлар яратдилар.

А.Авлонийнинг оила педагогикаси ва психологик фикрлари ҳам диккатга сазовордир. Унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи марта нашр килинган "Туркий гулистон ёхуд ахлок" асари Кайковуснинг "Қобуснома", Юсуф Хос Хожибининг "Кутадғу билик", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Саъдийнинг "Гулистон ва бўстон", Жомийнинг "Баҳористон", Навоийнинг "Маҳбуб -ул-кулуб" асарларига ўхшаш жанрда ёзилган бўлиб, муаллиф унда оиласда бола тарбияси ва умуман оиласнинг ижтимоий ролини очиб берган. Авлоний тарбия жараёнида оиласнинг ва жамоатчиликнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оиласвий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Боланинг шахс сифатларига тўхталиб, унда оиласнинг ролини кўрсатар экан, «Куш уясида кўрганини қиласур», - дейди. «Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузук хулклардан сақланиб, гўзал хулкларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида макбул, баҳтиёр бир инсон бўлуб чиқар...». Демак олим, бола тарбиясида оиласнинг ролини бирламчи қилиб қўяди: «... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга "биринчи уй тарбияси - Бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси - Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидир,- деган жавоб берсак».

Кўриниб турибдики, Авлоний боланинг мукаммал тарбияси нафақат оиласа, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган. Шарқ мутафаккирлари орасида оила муаммолари билан шуғулланган ва шу хусусда ўзларининг қимматли фикрларини келгуси авлодлар учун қолдирган олимлар жуда кўп. Биз уларнинг айримларига тўхталик холос.

2-БҮЛІМ



ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ВА УНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР

- Бахтли оила қоидалари
- Оила мустаҳкамлиги учун психологияк маслахатлар
- Эркакнинг хиёнат йўлига кириб кетишини олдини олиш учун аёлларга психологик тавсиялар
- Хотинни хиёнат қилишдан сақлаш ва асоссиз рашқдан халос бўлиш учун эркакларга психологик тавсиялар
- Низони қандай аниқлаш мумкин
- Ўзаро муюисабатларда эшитиб тинглаш қоидалари
- “Ўз-ўзии ишонтириш” бўйича тавсияномалар

БАХТЛИ ОИЛА ҚОИДАЛАРИ

Оила - табиатнинг шоҳ асари дир

Сантаяна.

Оила муқаддас даргоҳ! Шу боис, унда юз берадиган муносабатларга эътиборли бўламиз, оила масканида ўзимизни яхши, баҳтли хис этсак, ишимиз ҳам юришгандек, омадимиз чопгандек бўлади? Чунки оила бизнинг ҳаётимиздаги энг азиз ва яқин даргоҳ. Фақат оиласигина инсонга баҳтли бўла олиши, ўзини кимларгадир керакли хис эта олиши ёки бўлмаса ўзини эзилган, омадсиз сезишига сабаб бўла олади. Шунинг учун ўз даврида яшаган кўп мутафаккирлар баҳтли оила қуришнинг шартлари ва рецептларини ёзib кетганлар, чунки оила қуриш ва кишиларнинг жуфтлик асосида яшаш эҳтиёжлари ҳар бир замонда ҳам бу ҳаётий заруратдир.

Шарқ алломаси Юсуф Хос Хожиб "одамлар орасидаги мухаббат ва севги оиласидан баҳт ҳамда одамнинг барча муваффақиятларининг гарови", - деб ҳисоблаган.

Оилада баҳтли ҳаёт кечиришга ҳар бир ўғил ва қиз болани эрта равишда ўргатиш, бунинг учун унинг онгига оила муқаддаслиги ва қадрли эканлиги тушунчасини шакллантириши зарур. Тўғри, ўспирин ёшдагиларнинг бундай тасаввурга эга бўлиши қийин албатта, чунки оила-никоҳ муносабатларининг ўзига хослигини билиш, икир-чикир муаммоларини тушуниш масаласи кўлгина ҳаёт тажрибаси ва билимни талаб қиласди. Бирок, у никоҳ қуриш ёшига анча етмасданоқ оиласига асосий мазмунини ташкил этадиган омилларни тушуна олишлари керак.

Турмуш кураётган шахс шу нарсани аниқ билиши керакки, оила бу аниқ-тарихий тизим сифатида эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатдир; никоҳ ёки қариндошлий муносабатлари орқали умумий хўжалик ва ўзаро маънавий жавобгарлик асосида оиласигина бир-бирига боғлиқлик юзага келади; фақат оиласигина фарзандлар туғилиши ва уларнинг тарбияси масаласи эркин ва табиий ҳал қилинади.

Оилада қайси ёшда бўлмасин унинг аъзоси бўлиш мушкул. Чунки ҳар бир ёш даврида юзага келадиган ўзига хос фазилатлар ва хусусиятлар мавжудки, бу томонлар ўзаро муносабатларда жуда эҳтиёткор бўлишликни талаб этади.

Оиласидан ҳаёт ўзига хос равишда турли зиддиятлар ва низоли холатлардан иборат бўлиши табиийдир. Лекин бу зиддиятларни

бўлмаслиги ва олдини олишда ҳам ўзига хос қоидаларга риоя этиш лозим. Күйида шуларни келтирамиз:

- **Турмуш ўртоғингизнинг қизиқиши ҳамда ишларига ҳадеб аралашманг ва унга ишонинг!**

Ҳар қандай одамнинг ҳаётда ўз қизиқиши ва севимли машғулоти борлиги табиийдир. Чунки шу машғулот ёки қизиқиш билан банд бўлиш кишига кўп кувват бағишлади. Лекин одамнинг шу иши ёки фаолиятига бошқаларнинг аралашуви, ҳатто турмуш ўртоғи бўлса ҳам, норозилик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, бир вақтлар Франция императори буюк Наполеон Бонапартнинг жияни Наполеон учинчи дунёдаги энг гўзал аёл графиня Мария Евгения Игнасия Августина де Монтихони севиб қолди ва унга уйланди. Унинг маслаҳатчилари бу қиз бор йўғи ҳеч кимга маълум бўлмаган испан графининг қизи холос деб уқтиришга уринишди. Наполеон бу гапларга “Хўш нима қилибди?” “Мен ўзим севган ва хурмат қилган аёлни менга номаълум аёлдан устун кўрдим”,- деб жавоб берди.

Наполеон ва унинг хотинида ҳамма нарса: соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шухрат, гўзаллик, ўзаро сидқидиллик асосидаги муҳаббат бор эди. Гўёки уларнинг оиласидан кўра баҳтли оила бўлмаслиги керак эди.

Минг афсуски, бу оиласидан баҳти кўп ўтмасдан сўна бошлади. Наполеон Евгенияни ўзи билан тенг ҳукумдор қила олиши мумкин эди, лекин уни ўз эрига нисбатан тирноқ орасидан кир қидириш одатидан маҳрум қила олмади.

Евгения шубҳалар гирдобига берилиб, рашқ ўтида қоврилиб Наполеонга ҳатто давлат ишлари билан шугулланиши учун ҳам бир дақиқа ёлғиз қолишига имкон бермай қўйди. У ҳатто унинг кабинетига бостириб кириш, унинг музокараларини барбод қилиш, уни ҳақорат қилишгача бориб етди. Охир оқибат Наполеон ярим тунда яхши дўстини олиб, шляпани бостириб кийиб олиб, ён эшиқдан чиқиб бирон аёл олдига бориш, ёки шунчаки шаҳар кўчаларини ёлгизлик илинжида кезиш одатини чиқарди.

Демак, кўрингки, ҳар қандай одамда ўз иши билан машғул бўла олиш имкониятини ёнидаги жуфти ҳалоли яратиб бериши лозим. Йўқса, бойлик, саломатлик, ҳамма-ҳамма нарса муҳайё бўлгани билан оиласидан баҳтни саклаш ва ҳис эта олиш мумкин эмас экан. Шу ўринда яна бир тарихий, ҳаётий воқеани келтирамиз. Дунёга машҳур ёзувчи граф Лев Толстой билан хотини дунёда энг баҳтли яшашлари

мумкин эди. Толстой бой-бадавлат, машхур ёзувчи эди. Аста - секин Толстой бойлиқдан нафратланиб, ўзи ёзган китоблардан уяла бошлади. У барча бойлигини дәхқонларга бўлиб берди, ёғоч косада овқатланиш, чипта ковуш кийиш, ўз хонасини ўзи йигиштиришни одат қилди. Буларнинг ҳаммасига хотинининг бойликка ўчлиги, пул, зеб-зийнатни яхши кўриши сабаб бўлди. Хотини ҳатто Толстойнинг ҳар бир нашр қилингандай китоби учун қалам ҳаки - гонорарни талаб қиласади, Толстой эса бундан нафратланарди.

Оқибат, Толстой 82 ёшида совук октябрнинг қорли тунида уйидан чиқиб кетди ва 11 кундан кейин кичкина темир йўл станциясида вафот этди. Унинг сўнгги васияти хотинини ёнига қўймасликлари ҳақидаги илтимоси бўлди. Хотини ўз умрининг сўнгига, жон бераётib қизларига айтгани “Оталарингнинг ўлимига мен сабабчи бўлдим”,- деган сўзлар эди.

Мана, азиз китобхон, ҳаётда бир умр бир неча йиллар бирга ҳаёт кечириб ҳам одамлар бир-бирларига азоб беришлари ёки баҳт ва илҳом ато этишлари мумкин. Ҳозирги келтирилган воқеада аёл кишининг ҳаддан зиёд турмуш ўргонига нисбатан талабчанлиги, унга нисбатан ўз хусусий буюми ёки нарсаси сифатидаги қарashi умр сўнгига ана шундай афсус ва надоматларга олиб келар экан.

Эҳтимол ўқувчилар Наполеоннинг, Толстойнинг, хотинларининг тирнок орасидан кир қидиришларида асос бўлган бўлса керак дейишлари мумкин. Эҳтимол. Лекин уларнинг мана шу ҳаракатлари оила баҳтини мустаҳкамлашга хизмат қилдими ёки уни баттар ёмонлаштиридими? Бирининг тунда қочишини одат қилишига, бирига қариганда уйдан кетишига, бирига ойлаб уйга қайтмаслик баҳонасини қидиришга мажбур қилди, холос.

Демак, агар оилавий баҳтингизни тезроқ, оз-оздан “тўрга” тиқмоқчи ва барбод қилмоқчи бўлсангиз, турмуш ўргонигизни тирноги тагидан кир қидиринг ёки аксинча оилавий баҳтингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, ҳадеб шубҳа қилманг ва кўпроқ ишониб, унга ўз фаолияти ва қизиқиши билан машғул бўлишига далда беринг.

• **Севинг ва бошқага ҳам яшашга имкон беринг!**
Ҳаётда шундай холатлар бўладики, эр-хотин муносабатларида эътибор, ғамхўрлик ва хушмуомалик севги, муҳаббатга нисбатан ҳам ўз устунлигини кўпроқ кўрсатади. Айрим холларда оилалар севги-муҳаббат эмас, балки совчилик ёки бошқа сабабларга кўра ташкил топган бўлса, биргаликдаги оилавий ҳаёт ва айникса, эр-

хотиннинг бир-бирига кўрсатадиган эътибори оилавий баҳтни чинакам ҳис этишга асос бўлади. Масалан, турмуш ўртоғини ишдан келганида аёл киши майин табассум ва эътиборлилик билан кутиб олса, олиб келган оз бўлса ҳам харидига миннатдорчилик билдира олса, билингки, эртасига шу оила бошлиги янада оиласига талпинади, келишга шошади ҳамда ўзида психологик жиҳатдан кимгадир кераклилик хиссини түяди.

Англиялик машхур Дизраели оила қуриш сабаби ҳақида шундай деган экан: “Эҳтимол мен ҳаётимда кўп хатога йўл қўйишим мумкинdir, лекин мен ҳеч қачон севиб турмуш курмайман”.

Ўшандай ҳам килган. 35 ёшда ўзидан 15 ёш катта бева аёлга уйланди. У бу аёлга фақат бойлиги учунгина уйланди. Бир қараганда бу нарса қандайдир бачканаликдек туюлади, лекин уларнинг 30 йиллик биргаликдаги ҳаётида бу аёл фақат эри учун яшади. У ҳатто бойлигини ҳам эрига қулайлик яратишга ёрдам бераётганлиги учун кадрларди.

Бу аёл - Мери Энн - аёлнинг номи шундай эди, на илмада, на уй тузашда укуви йўқ эди, лекин у эрига муомала қилишда ниҳоятда эътиборли - гений эди. У 30 йил давомида фақат эрини мақташ, уни кўкларга кўтаришдан чарчамади. Ўз томонидан Дизраели ҳаётидаги энг қимматбаҳо нарса хотини эканлигини яширмасди. Мери Энн дўстларига ҳар доим “эримнинг ғамхўрлиги туфайли менинг ҳаётим тўла баҳтдан иборат” деб кўп қайтарарди. Баъзан Дизраэли хотинига “Биласанми, ҳар ҳолда мен сенга бойлигинг учун уйланганман”, - деб ҳазиллашарди. Шунда хотини жилмайиб: “Биламан. Лекин сенга яна менга уйланишга тўғри келса, энди севиб уйланардинг, шундай эмасми?”, - деб жавоб берарди. Демак, оилавий баҳтга эришиш учун турмуш ўртокларнинг мумкин қадар бир-бирига эътиборли, ғамхўр булиши бориб-бориб бу муносабат ҳам мұхаббатга ва севигига айланишига асос бўлар экан. Никоҳнинг муваффакияти бу одамнинг ўзига лойик одам топишидагина эмас, бу ўзининг ҳам шундай одам бўлишга қобил бўла олишидир. Шунинг учун оилавий ҳаётда чинакам баҳтли яшамоқчи бўлсангиз, ўз турмуш ўртоғингизни ўзгартиришга ҳаракат қилманг.

• Танқид қилманг!

Инсондаги асосий ҳусусиятлардан бири ўзини бошқалар томонидан бирор килган иши ёки ҳатти-ҳаракати учун мақтov эшитишига ҳозирлик ҳолати хисобланади. Танқид эса, айниқса оила аъзоларидан кимдир томонидан айтилса, бу худди найзадек жигар-багрини эзиши,

кишини хафа қилиши мумкин. Англияning таниқли шахсларидан Гладстон ҳам хотини билан 59 йил бирга яшади ва 59 йил баҳтли умр кечирди. Бунинг сабаби Гладстон ҳеч қачон уйдагиларни танқид қилмас эди. Агар у эрталаб ошхонага кириб, ҳамманинг ухлаб ётганлиги, нонушта тайёр эмаслигини кўрса, овозини баландлатиб Англиядаги энг банд одам пастда ўз нонуштасини кутаётганлигини ашула қилиб айтар эди. Одамларга илтифотли ва меҳрибон бу одам оила даврасида ўзини танқиддан тиярди.

“Келин салом” видеофильмидаги охирги сериядаги эр-хотин сухбати эпизодини ҳам эсласак, у холда қайнананинг келинга бўлган танбеҳлари ўринсиз эканлигини тан олиши, турмуш ўртоғига нисбатан Отелло ролини ижросидаги рағбатлантирувчи сўзлари каби мисоллар кишиларни танқид қилгандан кўра, уларни яхши сифатларини кўра олиш қобилияти муҳим эканлигини янада исботлайди.

Демак, агар оиласи ҳаёт баҳтини сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, оила аъзоларингизни танқид қилманг.

• **Ҳаммани баҳтли қилишнинг энг тез усулини билинг!**

Одатда одамларда ким томонидандир миннатдорчилик сўзларини ва муносабатларини кутиш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, шуну амалга ошиши ҳар қандай шахсни ўзини баҳтли ҳис қилишига олиб келади.

Баъзан оддий, маълумот савиёси юқори бўлмаган аёл ҳам оила шароитида эрининг фикри ва сўзларига диққат билан кулоқ солса, ёки бўлмаса, бир ходим иш жойида хамкасбига “менга ўзингиз ҳақингизда бирон нарса айтиб беринг”-, деб сўраса, нима юз беради? Шунда албатта бу сўраган одамга нисбатан ички ишонч хосил бўлади.

Эркаклар эътибор бермайдиган бир факт шуки, аёллар учун энг муҳим нарса кийим ҳисобланади. 90 ёшга кириб кўздан қолган аёл ҳам хатто 40 ёшдаги расмида қандай кўйлақда эканлиги билан қизиқиши ва эслаши мумкин. Эркаклар беш йил олдин қандай кўйлак кийганлигини умуман эсидан чиқариб қўйишади. Агар эркак ва аёл кўчада бошқа эркак ва аёлни учратишса, аёл эркак кишига нисбатан кўпроқ шу кишиларнинг қандай кийинганлигига эътибор беради. Демак, бу айтилган фикрлар аёл ва эркак кишилардаги ўзига хос хусусиятлар экан. Лекин ҳаётда бир одамга яхши таъсир этиш ва унда ижобий тасаввурлар шакллантириш учун вақти-вақтида бирор нарсага нисбатан миннатдорчилик билдириб туриш муҳим экан.

Шунинг учун француз ўғил болаларини бир кеча давомида бир неча марта аёл кишининг кўйлаги, шляпасини мақташга ўргатишар экан.

Бир дехқон аёл эркаклар ишдан чарчаб келишса олдиларига бир bog пичан кўйибди. Улар аччикланишса, аёл “мен сизлар буни хашак эканлигини пайқамабсиз дебман. Мен сизларга 20 йилдан бери овқат пишираман, бирор марта ҳеч бўлмаса, хашак емаётганликларини айтмагансизлар”, - дебди.

Демак, тўртинчи қоида шуки, оилавий баҳтингизни сақлаб колиш учун бир-бирингизга сидқидилдан миннатдорчилик билдиринг.

- **Аёллар учун бу жуда муҳим эканлигини ёдда тутинг!**

Аёлларнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, улар нима учундир туғилган қунларни яхши эслаб қолишади. Бунинг сири шундаки, аёллар хаддан ташқари ҳамма нарсага ва ўзига эътибор талаб, синчковлик хусусиятига эгадирлар. Буни билган холда ёндашиш ва озгина бўлса ҳам эътибор кўрсатиш аёлларнинг оиласига, турмуш ўртоғига нисбатан меҳр-муҳаббатини янада оширап экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, баъзан оддий, майда-чуйда одатлар: масалан, “ишга яхши бориб келинг”, “яхши бориб келдингизми” каби сўзлар, кутиб олиш, нарсани дарров қўлдан олиш каби одатлар оиласи мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга экан. Чунки турмуш ўртоғини ишидан эътиборлик билан кутиб олган аёл ҳам ўз навбатида эри учун энг яқин ва севимли бўла олади.

Шулардан келиб чиқиб, мана бу қоидани ҳамма ўзига ёзиб эслаб колиши керак! “Мен бир марта ҳаётга келаман. Шундай экан қандайдир одам зотига, айниқса турмуш ўртоғимга нисбатан меҳрибонлик кўрсатишими, яхшилик қилишим керак. Мен яхшилик қилиш имкониятини қўлдан чиқармаслигим керак. Мен унга яхшилик килсамгина, ундан яхши муносабат ва эътибор кутишим мумкин”.

Демак, бешинчи қоидани келтирамиз: оиласи бир-бирингизга озгина бўлса ҳам диққат-эътибор кўрсатинг.

- **Баҳтли бўлиш учун беписандлик қилманг!**

Мулойимлик оиласи энг муҳим фазилат. Агар аёллар ўз эрларига бегона эркакларга кўрсатган мулойимликларини кўрсатишганда эди, ҳамма оиласалар баҳтли бўлар эди.

Аёллар бегона одамга ҳеч қачон “Яна шу гапни қайтаряпсизми? қанча қайтариш мумкин?” - деб айтмайдилар. Ҳеч қачон бегона одамнинг чўнтағини, шахсий буюмларини, хатларини титкиламайдилар. Энг яқин одамларига эса буларнинг барчасини

раво кўришлари мумкин. Маълум бўлишича, бизга энг қўпол, аччиқ сўзларни гапирадиганлар ўз оила-аъзоларимиз ҳисобланар экан. Баъзи одамлар ўзининг тушкун кайфиятини ҳеч қачон уйдагиларга билдиришмайди. Айримлар эса кўчадаги барча кўнгилсизликлар учун бор дардларини уйдагиларга тўкиб соладилар.

Эркаклар бизнесда, тадбиркорликда муваффақиятга эришиш учун жон койтишади, лекин бирорта эркак ҳеч қачон оилани сақлаб қолиш учун чин кўнгилдан жон кўйдирмайди.

Аслида ҳар бир эркак агар хотинига ширин гапирса, хотини ҳамма нарсани муҳайё этишга тайёрлигини билади. Масалан, эр хотинига ўтган йилги кўйлагида қандай гўзал кўрининишни айтса, у бу кўйлагини охирги модали кийимга алмаштирмаслигини ҳам яхши билади.

Агар хотинига унинг қандай яхши бека эканлигини айтса, унинг қанчалик рўзгор учун жон кўйдира бошлишини ҳам у билади.

Ҳар бир аёл ҳам эрига бу нарсаларнинг маълум эканлигини англайди, чунки аёлнинг ўзи эрини бу ҳақда тўла ахборот билан таъминлаб қўйган. Лекин аёллар нима учундир эрига ширин гапириб ҳамма нарсага эга бўлиш ўрнига қўпол гапириб унинг пулини, бойлигини қўлга киритаман деб ўйладилар. Эркаклар ҳам ўз ўрнида аёлларидан ширин сўзларини аямасалар, уларнинг обрўи, пули, бойлиги, бекордан бекорга хотини томонидан совирилмайди.

Демак, олтинчи қоида шуки, **илтифотли бўлинг**.

• Эр-хотинлик муносабати масалаларида **саводсиз бўлманг!**

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, никоҳнинг бузилишига асосан тўртта нарса сабаб бўлар экан.

1. Жинсий номутаносиблиқ.

2. Дам олиш вақтини қандай ўтказиш фикридаги фарқ.

3. Молиявий қийинчиликлар.

4. Психик, жисмоний ҳамда эмоционал бузилиш.

Эътибор беринг, жинсий масала биринчи ўринда, молиявий масала эса факат учинчи ўринда турибди. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг табиий эҳтиёжларимиз орасида жинсий майл эҳтиёжи эр-хотин муносабатларида асосий ҳисобланади. Ҳаётда қувонч ва баҳт ҳиссини ҳис этиб яшаща, оиласаларнинг мустаҳкам бўлишида ҳам бу масала муҳимдир. Шунинг учун кўп олим ва кузатувчиларнинг бу борадаги фикри ҳаёт синовларида ўз тасдигини топганини кўрамиз.

Джон. Б. Уотсон айтадики: “Секс инсон ҳаётида ҳамма тан олган энг муҳим нарса ҳисобланади. Ҳамманинг тан олишича, айнан шу

нарса кўпчилик эркак ва аёллар баҳтининг барбод бўлишига сабабчи бўлади.”

Ҳозирги асрда, одамларнинг аксарияти маълумотли ҳисобланган даврда уларнинг кўпчилиги айни шу жинсий масалада саводсиз эканлиги ачинарли ҳодисадир.

Оила кураётган ёшларнинг кўпчилик қисми ҳозирда жинсий масалада саводсиз ҳисобланади. Натижада бу нарса баъзан психологияк импотенция ёки фригидликка сабаб бўлади. Окибатда баъзан фожиали ҳодисаларга олиб келади. Деярли оммавий жинсий саводсизлик шароитида ажралишнинг фақат 16 фоиз эканлиги ҳайрон коларли факт. Кўпчилик оиласалар расман ажралишмаган бўлсалар-да, аслида никоҳда ҳам эмаслар, улар ўзига хос аросатда яшайдилар.

Доктор Баттерфильднинг айтишича: “Жинсий муносабатлар эр хотинликда қоникиш пайдо қиласидаган кўпгина омилларнинг биттаси ҳисобланади. Лекин шу нарса жойида бўлмаса, бошқа ҳеч нарса жойида бўлмайди.” Демак, охирги қоида: Жинсий муносабатлар хақида ёзилган яхши қўлланмаларини ўқиб чиқинг, ўзингизни бу борада дунёқарашибингизни бойитишга ҳаракат қилинг. Шундагина сиз тўлақонли оиласидаги бахтга эга бўласиз!

Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида ўтказилган савол-жавоблар натижаси шуни кўрсатдики, оз бўлса-да кўпчилик фарзандларимиз назарида, ҳозирги замон оиласидаги никоҳлари мустажкам эмас. Энг мухими шундаки, улар ўртасидаги никоҳлари мустажкам эмас. Эндики бизнинг вазифамиз, уларни баҳоли қудрат никоҳга жиддий тайёрлаш, оила қуриш, оиласада бахтли хаёт кечириш учун лозим бўлган сир-асрорлардан воқиф этишдир. Бунинг учун уларнинг онги ва шуурига ўзаро тушунмовчилик, худбинлик, бир-бирига нисбатан ўта талабчанлик, сабр-тоқатсизлик каби салбий хислатлардан йироқ бўлишни тарғиб қила олиш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, психологлар оила қуришда биринчи турмушнинг сифатли томонларини аллақачон кўрсатиб ўтишган. Кўпчилик ҳолларда қайта никоҳ қурган инсонлар биринчи турмушида қадрига етмаган нарсасини излаб ва уни иккинчи турмушида сақлаб қолишга ҳаракат қиласиди. Тадқиқотларнинг бирида; “Биринчи турмушингиздаги ҳиссиятларни кумсайсизми?”, - деган саволга - 46 % ажрашган эркаклар, 34 % ажрашган аёллар; “Биринчи оиласизига қайтишни хоҳлармидингиз?”, - деган саволга - 19 % эркак, 8 % аёл “ҳа” жавобини қайтаришгани тасодиф эмас, албатта.

Ёшлар оила куришда биринчи никоҳ қанчалик қимматли ва ардоқли эканлигини, йўқотиб кўйилгач, ачиниш ва қумсашиб хислари юзага келиши мумкинлигини никоҳга қадар англаб етишлари зарурдир. Халқда ҳам ибратли хикмат борки, “Борингда қадрингга етмадим, йўғингда излаб топмадим”, - дейилган. Психологиядан маълумки, ҳар қандай ходисада биринчи тасаввурлар муҳим аҳамият касб этади. Биринчи тасаввурлар инсон миясида ва фикри-зикрида ўзгача ҳиссий кечинмаларни шакллантиради. Шунинг учун ҳар қандай инсон оила қуриш борасида биринчи турмуши қадрига етиши ва ардоқлаши керак. Чунки биринчи оилани йўқотиб, то қайта никоҳ ёки оила тузилишигача ёлгизлик инсон руҳиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши ҳаётда кўп кузатилган ва буни кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин. Шунинг учун табиатда ҳамма нарсанинг жуфт қилиб яратилганлиги бежиз эмас, албатта.

Ажралиш - бу ҳар бир инсон учун ҳаётидаги қаттиқ изтироб чекиши ҳолати ва давридир. Бунинг натижасида кўпчилик нохуш ҳолларнинг келиб чиқиши, яъни ҳаёлга берилиб автомобил ҳалокатига ёки турли баҳтсиз ҳодисаларга учраш, алкогол ичимликларга берилиш, руҳий ва жисмоний хасталикларга дучор бўлиш юзага келади ва бундай нохуш ҳодисаларнинг амалга ошишинида бош сабабчи шу ажралиш бўлади. Шунинг учун оила кургач, уни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим. Кўпинча, ёш оиласида эр-хотинларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари бир-бирига мутлақо тўғри келмаслиги кузатилади. Чунки, улар ҳар хил оиласида тарбияланган. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқадиган бўлсак, турмуш қурувчи ёшларимизнинг фикр-уйлари, дунёқарашлари, маълумот савиялари ва ота-оналарининг оиласида ҳам ҳар томонлама бир-бирига мос келиши бўлажак ёш оиласида мустаҳкамлигига ва барқарор бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Демак, инсоний муносабатларни уйда ва бошқа шароитларда оқилона ташкил этиш учун қўлланиладиган муомала маданиятига оид қонун - қоидалар мавжуд экан, уларни билиш зарурдир. Ўйлаймизки, улар Сизнинг баҳт қасрингиз бўлган оилангизнинг мустаҳкамлигига баҳоли қудрат хизмат қилади.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ УЧУН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР

Келишмовчиликларнинг мазмуни ва келиб чиқиши сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, психологларнинг кўйидаги маслаҳатларини билиш ҳар бир эр-хотин учун фойт зарурдир:

- жаҳлга жаҳл билан жавоб бермаслик керак. Имкони борича мунозарани бир дамга кечикириш, бунинг иложи бўлмаса, мунозарани кўчага, bog ёки хиёбонларга кўчириш лозим. Негаки табиат кучогида асаб системаси осонлик билан осойишта ҳолатга келади;
- келишмовчиликка дахлсиз нарсаларни, шунингдек, ўтмишни эсламасдан фақат келишмовчиликка сабаб бўлган воқеа устида гапириш лозим;
- мунозарада овозни кўтармасдан, эҳтиросларни жиловлаш зарур (айникса мунозара кўчада ёки ўзга кишилар олдида содир бўлаётган бўлса);
- масалани таҳлил қилганда эр ҳам, хотин ҳам ўз айбига иқорор бўлиши лозим;
- мунозарани жанжалга айлантириб юбормаслик керак. Чунки мунозарада низо сасబлари биргалашиб қидирилади. Жанжалда эса ҳар бир томон бир-бирларининг нозик жойларини топиб, найза санчишга интиладилар;
- бир-бирларининг йўл кўйган хатоларини билиб-бilmай бир-бирлари характеристига хос иплат деб баҳоламаслик лозим («сен доим шундай қиласан», «сен ҳеч вақт тушунмагансан, тушунмайсан ҳам » ва бошқалар);
- энг яхши ҳимоя хужум эканлиги спортга, жумладан, футболга тааллуқли. Оила жанг ёки футбол майдони эмас, шунинг учун оилавий ҳаётда ён босиш фойдалироқ бўлади;
- умр йўлдошларининг ота-оналари ёки яқин қариндошлари ҳақида ҳурматсизлик билан эмас, балки иложи борича эҳтиром билан гапириш эр-хотин муносабатини яхшилайди;
- келишмовчилик ёки жанжалда эр-хотин ота-она, қариндош-уруғ, дўстлар, таниш-билишларнинг ўзларига нисбатан салбий баҳоларини тилга олмаслик, уни бир-бирларига қарши курол қилиб ишлатмаслик зарур;
- уруш-жанжаллардан кейин аразлаб ота-она ёки дўстларнига кетиб қолишини одат қилмаслик керак;
- уйдан ўтган ҳамма гапни ота-онага етказиш яхши одат эмас, «Эр-хотиннинг уруши дока рўмолнинг қуриши» дегандек, улар тезда топишиб кетадилар, лекин икки ўртада куёв ва кудалар ўртасига совуқчилик тушгани қолади. Қолаверса, уйдаги сирни кўчага чиқариш ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаган, олиб келмайди ҳам;

- мунозара ва жанжаллардан кейин гаплашмай аразлаб юриш бўймагур одат ҳисобланади. Бундай одатнинг оқибати ҳам яхшиликка олиб келмайди;

- низо чиққан пайтларда эр ҳам, хотин ҳам ўзини бир лахза турмуш ўртогининг ўрнига қўйиб кўриши лозим: «унинг ўрнида бўлсам, мен нима қилардим?»- деган саволни ўз-ўзига бериб кўриши керак;

- корни оч ёки ишдан чарчаб келган одам билан ҳеч вақт мунозарага киришиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда одам хатто асосли танбех ва танқиддан ҳам тутокиб кетиши мумкин;

- тутган ерини кесиш, бақириб-чакириш аёл кишига ярашмайди. Бундай қўпол муомала эркакларга хос. Аёлларнинг аёллик хислати уларнинг заифлигида, нозик-латифлигида, айёрглигида, кўнгилчанлигидадир;

- мунозара ва жанжалларда узил-кесил, қатъий хуносалар чиқаришга ошиқмаслик керак (агар ўтган йиллар мобайнида сабр косаси тўлиб турмаган бўлса);

- турмуш ўртогингизнинг кунлик, ойлик, балки йиллик циклли холатини ва ёш хусусиятини ҳисобга олишингиз лозим;

- турмуш ўртогингизнинг ҳаётий қадриятларига (агар оила манфаатига зид бўлмаса) қарши чиқмаслик лозим. Акс холда у ё сизнинг ёки ўзининг ҳаётий қадриятларини танлашга мажбур бўлади. Қайси бирининг танланишидан қатъий назар, у ҳам, сиз ҳам ютқазасиз.

Юқорида биз «голиб чиқиш», «ютиш», «ютқазиш» сўзларини шартли равишда қўлладик. Умуман олганда, оиласидаги ҳаётдаги мунозара ва жанжалларда голиб ҳам, маглуб ҳам бўлмайди. Ё эр хотин биргаликда ютадилар ёки ютқазадилар, чунки оила бу жуфтлиkdir. Буни эса унутмаслик лозим.

Мунозара ва жанжал содир бўлганида оилада ким етакчи, характерлироқ, иродали, мулоҳазалироқ бўлса, ўша биринчи бўлиб муросага кўл узатади. Оиладаги руҳий иқлимининг соглом бўлиши учун эса, оила етакчиси жавобгардир.

Одатда оилада низолар ва уларни оқибати кўп жиҳатдан аёлларга салбий таъсир этади. Шунинг учун бу муаммоларнинг оқибати аёлларнинг ҳаёт тарзига, улардаги стресс холатлари юзага келишига ҳам олиб келади. Бу борада психологик тавсияларни келтирамиз.

ЭРКАКНИНГ ҲИЁНАТ ЙЎЛИГА КИРИБ КЕТИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН АЁЛЛАРГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР:

1. Ўз кийинишингизга алоҳида эътибор беринг, эркак кўзи билан «севишини» унутманг. Эркаклар кўз билан севар экан, деб уйда ич кийимда юришни ҳам одат қилманг, чунки бу билан эркак кишида хиссий тўйиниш юзага келишига йўл кўйган бўласиз.

2. Жинсий ҳаётда хиссиётни ифодалашга сахий бўлинг, жинсий ҳаётга ижодий ёндашинг, акс ҳолда жинсий эҳтиёжни қондирища одамнинг ҳайвондан фарқи қолмайди. Эрингизнинг жинсий эҳтиёжини ва индивидуал хусусиятларини хисобга олинг. Миннатдорчилик ва мақтov сўзларига зикна бўлманг.

3. Эрингизнинг дўстлари билан самимий муносабатда бўлинг (агар улар ичкилиkbоз, гиёхванд ёки бузук одамлар бўлmasa), эрингизни улар билан бирга бўлишига кўп тўскинлик қилманг, уларга нисбатан раشك қилманг.

4. Хафтада бир кун кечқурун эрингиз оила ва ўзга ишлардан озод бўлиб, вақтини ўзи хоҳлаганча ўтказсин, бу ҳаммада табиий кузатиладиган чарчашни ёзишга имкон беради.

5. Мехнат таътилларини ҳам иложи борича турли вақтларда олиб, алоҳида ўтказишга харакат қилинг. Чунки бу маслаҳатлар бир-бирингизни тўйинишдан ташқари бир-бирингизни асоссиз раشك қилишдан сақлаши мумкин.

| | |
|--|--|
|  | Ушбу расм орқали аёл кишининг оила мухити, яъни уй шароитида ва ишга ёки кўчага чиққанидаги ҳолатини кўриб турибсиз. ўйлаб кўриб, қайси ҳолат ўзаро муносабатларга ижобий таъсир этишини таҳлил этиш ўзингизга ҳавола. |
|--|--|

ХОТИННИ ҲИЁНАТ ҚИЛИШДАН САҚЛАШ ВА АСОССИЗ РАШКДАН ХАЛОС БЎЛИШ УЧУН ЭРКАКЛАРГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР:

1. Жинсий ҳаётда етакчи ижрочи - эркак киши, шу сабабли у хотинига нисбатан жинсий ҳаёт масалаларида нихоятда саводли бўлиши, жинс психофизиологиясини яхши билиши шарт;

2. Оилавий ҳаётда рашк асосида жинсий ҳаёлпарастлика берилмаслик, пашшадан фил ясамаслик, рашк таъсирига маҳлиё бўймаслик лозим;

3. Рашк психологиясини яхши билиш ва бу билимларни ҳаётда қўллай олиш лозим;

4. Рашк хисларининг қулига айланмаслик учун эркаклар ўзларида матонат, ирома, ўзига ишонч ва турмуш ўртоғига ишонч хисларини тарбиялаб боришлари лозим;

5. Ўз турмуш ўртоғига ишонмай, у билан бирга ишлайдиган кишилардан «қоровул», «назоратчи» қўймаслик керак, чунки бу масалага ҳар бир одам ўзича ёндашиши, нотўғри хулоса чиқариши, баъзан эса онгли равишда оилавий ҳаётнинг бузилишига ёрдам бериши мумкин;

6. Дуч келган одамнинг гапига ишонавермаслик, асосиз ахборотга қулоқ солиб, уйда уриш-жанжал кўтармаслик, айниқса, болалар олдида бу масалага эҳтиёт бўлиш зарур.

Юқорида берилган барча маслаҳат, тавсияларни жамул-жам қилган ҳолда биз ўзаро муносабатларда мумкин кадар: *мехр-муҳаббатли бўлиши, тушуниши, ҳурматни сақлаши, яхшилика интилиши, сабр-тоқатли бўлиши, кечиримлилик, бўхтонга берилмаслик, ширинсуханлик, ишонниш, гам-гусса бўлиб қолса иродали бўлиши, шукроналик* каби инсоний фазилатларга эга бўлишиликни тираб қоламиз. Бу сифатларни эса ҳаётда қўллай олишимизда «актёрлик» маҳорати ҳам талаб этилишини унутмаслигимиз лозим.

НИЗОНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН

Одамлар аксарият ҳолларда ўзларининг хақиқий истакларини яширишга уринадилар. Улар ўзларининг бу истаклари кимгадир хуш келмаслигидан ёки нотўғри тушунилиши мумкинлигидан хавфсирайдилар. Шундай ҳам бўладики, одамлар аслида нима хохлаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар.

Яширин истак ва режалар низоли вазиятни туғдиради. Эр хотинининг ишлашини хохламайди, у хотинига болани тарбиялашга вакт ажратмаяпсан деб таъна қиласди, аслида эса у хотинининг мустақиллиги унинг оила бошлиги сифатидаги обрўсига путур етказишидан қўрқади. Натижада хотини эрининг хақиқий истагини билмай туриб хафалик ва норозиликни ҳис қиласди, билганда эҳтимол бошқача йўл тутган бўларди. Қўшнилар шовқин ва ахлат туфайли

жанжаллашишади, аслида эса асосий сабаб турмуш тарзи ўртасидаги фаркни тушунмаслик ва хавфсирашдадир. Ёки ишда битта ходим бошқасини панд берәётгәнликда, носамимийликда айблаб дushmanлик қиласы, аслида эса у ўзининг ноқобиллиги, ношудлиги, билимининг саёзлигидан хавфсираётган бўлади. Ўз-ўзини тасдиқлаш ва кўрсатиш учун бундайлар бошқаларни ерга уришади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Агар сиз у ёки бу хохиш, истаклар қандай манфаатларга сабаб бўлишини тушуна олсангиз, унда сизнинг бу билимингиз самарали карор қабул қилишда кўл келади. Ҳатточи бу масалани муҳокама қилишнинг имконияти йўқ бўлса ҳам, сиз қарши томоннинг қайси эҳтиёжлари қондирилиши мумкинлигига қараб ҳаракат қилишингиз мумкин. Ҳар қандай холатда ҳам сиз низони бартараф қилиш йўлида дадил қадам кўя оласиз. Ҳақиқатан ҳам бошқа одамнинг ҳақиқий истакларини қондиришга ҳаракат қилибгина ҳар иккала томонни қониқтирадиган ўзаро муносабатларни ўрнатиш мумкин.

Албатта, сиз бошқа одамнинг эҳтиёжлари ҳақида ўйлаб, ўзингизнинг эҳтиёжларингиз ҳақида унугашингиз шарт эмас. Фақат баъзан шундай холат бўладики, бошқа одамнинг эҳтиёжлари олдида сизники арзимасдек бўлиб қолади. Сизнинг ўз хатти-ҳаракатларингизни айнан бошқа одамнинг эҳтиёжларига йўналтиришишингиз вақти келиб муносиб тақдирланишингиз, миннатдорчилик жавобига сабаб бўлади. Идеал вариантда эса сиз ҳар иккала томоннинг ҳам эҳтиёжларингизнинг қондирилишига эришасиз.

Бошқа холатда эса сиз ўзингизнинг ҳақиқий яширин истакларингизни таҳлил қилиб, уларни қондиришнинг бошқачароқ, ҳаммани қониқтирадиган йўлларини топишишингиз мумкин. Битта лавозим учун курашаётган иккита ходим мисолида, ўзингизни улардан бирининг ўрнига қўйиб кўринг. Эҳтимол сиз ўз зиммангизга янги лавозим билан боғлиқ оғир юкни олгингиз йўқдир, лавозимни эса фақат шахсий обрўйингиз, мен сендан кам эмасман- деган ҳиссиёт туфайли олмоқчиидирсиз. Агар шуни тушунсангиз, унда ўз лаёқатингизни ҳозирги холатингизни яхшилаш учун йўналтирасангиз, низоли вазият ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлади. Демак, яширин, онгсиз истак ва хошишларни билиш ҳар қандай низони бартараф қилишнинг энг самарали усули, бундай билим ҳаммага ёки бу истакларни қондириадиган, ёки хавотирни бартараф қиласиган ечимни топишига ёрдам беради.

Низони аниқлаш учун даставвал қўйидаги саволларни қўйиб кўринг:

- нима бўлди?
- ким жанжаллашди?
- муаммони қандай ёчиш керак?

Нима бўлди? Саволига жавобни топишда:

- эмоцияларга, яъни ҳиссиётларга;
 - низога четдан, бироннинг кўзи билан қарашга;
 - низонинг манбани аниқлашга
- ҳаракат қилиш лозим бўлади.

Эмоцияларни сўндириш низонинг ечимини топишдаги дастлабки қадамлардан ҳисобланади. Айнан шу қадамни қўйиш энг қийин вазифа. Эмоциялар бизнинг атроф оламни идрок қилишимизнинг таркибий қисмидир.

Низо пайдо бўлганда (низо ҳар доим кутилмаганда пайдо бўлади) эмоциялар дастлабки салбий реакцияни ҳосил қиласилар. Одам ўзини йўқотиши, бакириши мумкин. Агар биринчи боскич эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетиш билан тугаса, бу яхши. Лекин агар одам вақтида «эшикни тарақлатмаса», «кетмаса» салбий эмоциялар ўзаро бир-бирини хақоратлашга олиб келади. «Эшикни тарақлатиб ёпиш» энг яхшиси бўлмаса ҳам, ҳар холда ўзини тўхтатишнинг усулларидан бири ҳисобланади.

Инсондаги ҳиссиётлар юзага келаётган низога таъсир этади, чунки:

- Асабийлашишингиз бошқа одамнинг асабийлашишига озуқа беради;

- Эмоционал таранглик ҳеч қандай натижасиз ортиб боради;

- ғазаб эса қисман инсонинг ҳиссий ҳолатига боғлиқ бўлмаган холда ташқарига йўл очади;

Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш мумкин?:

- ўз-ўзингизга «тўхта!» деб, буйруқ беринг;

- ўз-ўзингизни тинчлантиришнинг турли усулларини қўлланг;

- низони бартараф қилишга ёрдам бериши учун қарши томонга ҳиссиётни баравар жиловлашни таклиф қилинг.

Сиз билан муносабатда суҳбатдошингизнинг ғазабини тоқат билан қабул қилиш учун ҳар бир одамда тинглаш малакаси шаклланиши керак бўлади, яъни бошқа одамга нисбатан эшита олиш қобилияти керак. Бунинг учун:

- шу одам нимани гапиришни хохласа хотиржам қулоқ солинг;

- саволларига жавоб беринг;
- хаттоки рақибингизнинг салбий эмоциялари жунбушга келса ҳам, хотиржамликни сақланг ва бетараф оҳангда жавоб беринг;
- ўзингизни тута олишингизни кўрсатинг, тинглашга ва юпатишга тайёр эканлигинингизни намоён қилинг.

Шу ўринда биз одамларга ёқишининг олтига психологик қоидаларини келтириб ўтамиз:

1. Одамлар билан доимо яхши муносабатда бўлинг. Уларга самимий қизиқинг.

2. Чехрангизни тушунарли ва ёқимли қиёфада тутинг. Имкони бўлса, табассум қилинг.

3. Ёдингизда бўлсин: ҳар бир одам учун ҳар доим энг ёқимли эшитиладиган сўз - бу унинг ўз исмидир. Чунки бу унга худди ички кийими каби яқин эканлиги бир томондан бўлса, иккинчи томондан эса гўдаклик чоғида исми инсонга аzon орқали айтилганлиги ҳамдир. Боланинг мияси бамисоли оқ қофоз каби бўлган пайтда унга биринчи ёзилган сўз унинг исмидир.

4. Яхши эшитувчи бўлинг. Одамларнинг ўzlари ҳакида оддийроқ гапира олишларига имкон беринг.

5. Кўпроқ сиз билан муомаладаги кишига нисбатан эътиборли бўлишни унутманг. Шунинг учун унинг қадр-кимматини юқори тутишингиз керак бўлади.

Тинглаш қайси холатда бефойдадек туюлади:

- асабийлик ва рақобатчилик даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлганда;

- Сиз факат низо ҳакида ўйласангиз, у ҳолда борган сари асабийлашишингиз ва хафсалангиз пир бўлиши ортиб боради, шунинг учун вазият сиз учун чидаб бўлмас даражага етади;

- ўзаро муносабатларингизни сақлаб қолиш эмоцияларингизни сарф қилишга арзимаслигини ҳис этсангиз;

- муаммони ҳал қилиш ва асабийлик ҳамда ишончсизликдан кутулишнинг реал усулини кўрмасангиз.

Бу усуllар ҳам самарасиз туюлган шароитда энг охири нима қилиш мумкинлигини ўйланг, бу вазиятда сиз:

- ўзаро муносабатларингиздан кўрадиган манфаат ва зарарни солишириинг;

- ўзингизни зарарни ўрнини қоплаб, ҳамма нарсани ортга ташлашга ишонтиринг;

- ўзаро муносабатларингизни йўқотишдан унчалик катта зарар кўрмаслигингиз ҳақида ўйланг;
- ўзингизга ҳамма нарсага кўл силтаб кетишга рухсат беринг;
- ўзингизга ҳамма нарса тугади, нарироқ кетиш керак, деб такрорланг.

Эмоцияларни бартараф қилганингиздан кейин низога четдан, бегона кўз билан қарашга уриниб кўринг.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЭШИТИБ ТИНГЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Ўзаро муносабатлар мулоқотга асосланиб, унинг самараси асосан эшитиб-tingлашга қаратилган. Бу, оиласда катта авлод вакиллари билан бўладими, кичиклар билан бўладими, барибир айни шу томонига эътибор бериш керак. Бунинг учун ушбу самарали эшитиб тинглаш малакаларини билиш зарур:

1. Шароит яратинг.

Сўзлаётган одамга эркин гапириши мумкинлигини хис килишига ёрдам беринг, сўзловчи учун қулай шароит яратиб беринг. Уй шароитида бажараётган ишингизни бироз тўхтатишингиз ёки телевизор кўришдан воз кечиб туришингиз, ишда эса телефонни ўчириб кўйиш, ҳеч ким халақит бермайдиган жой топиш ва имкон яратишни билиш лозим.

2. Фаол ҳолатга киринг.

Вужудингиз фаол ҳолатда бўлганда ақлни жамлашга ёрдам беради, аксинча бўшашган ҳолатда мия ҳам энг кам имконият билан ишлайди.

3. Нигоҳингизни сўзлаётган одамга йўналтиринг.

Шундай ҳолат тинглаш ва диққатни жамлашга ёрдам беради. Агар сиз атрофга ёки полга тикилсангиз сизнинг диққатингиз ҳам кўзингиз ортидан эргашади. Сухбатдошингизга мулојим ва қўллаб-кувватловчи нигоҳ билан қаранг, агар қаттиқ тикилсангиз буни у душманлик сифатида қабул қиласди.

4. Тинглаб эшиитмоқчи эканлигингизни кўрсатинг.

Сиз ҳақиқатан ҳам қизиқаётганлигингизни кўрсатинг. Гавдангизнинг ҳолати ва ҳаракатларингиз сухбатдошингизни тинглаётганлигингизни кўрсатсин. Ёдингизда тутинг, одамлар ҳар доим эътиборли ва самимий одам билан мулоқат қилишга интилишади.

5. Сўзлаётган одамга нисбатан мустаҳкам диққатингизни сақланг.

Қоғозларни титманг, ҳеч нарса чизманг, ручка ёки бармоқларингиз билан столни тақиллатманг. Столга кўз юргутириш, қоғозларга тикилиш каби чалғитувчи ҳаракатлар диққатингизнинг сўзловчи билан бегона предметлар ўртасида бўлинишига сабаб бўлади.

6. Эшитиб тинглаш зарур.

Сұхбатдошингизнинг фикрига диққатингизни жамланг.

Фикрларингизнинг «адашиб» кетишига йўл қўйманг. Сўзловчини тушуниш учун эшитишга ҳаракат қилинг.

7. Эшитиш жараёнини мантиқий режалаштириб олинг.

Эшитаётгандарингизни ҳаммасини эслаб қолиш қийин, лекин энг муҳимларини эслаб қолиш шарт.

8. Сұхбатдошингизнинг ҳиссий холатини тушунишга ҳаракат қилинг. Ёдингизда тутинг, одамлар ўз фикр ва ҳис-туйғуларини ижтимоий нормаларга мос холда «кодлаштириб» узатишиади.

9. Кузатувчан бўлинг.

Сўзловчининг нутқиз сигналларини, яъни гавда ҳолати, кўз қарашлари, сўз оҳангি кабиларини кузатинг, чунки эмоционал, ҳиссий мулоқот аслида мулоқотнинг катта қисмини ташкил қиласди.

10. Мулоқот учун масъулиятдан қочманг.

Мулоқот икки тарафлама жараён, уни икки киши амалга оширади ва навбати билан тингловчи ролини бажаришиади. Сұхбатдошингизга ўзингизнинг хақиқатан ҳам уни тинглаб тушунаётганингизни кўрсата олинг. Бунга аниқловчи саволлар, фаол ҳиссий муносабат билан эришиш мумкин. Агар ўзингиз айтмасангиз, сұхбатдошингиз қандай қилиб сиз уни тушунаётганингизни билиши мумкин?

11. Сабр тоқатли бўлинг.

Сұхбатдошингизни сўзини бўлмаслик учун етарлича вакт топинг.

12. Ҳиссиётларингизни жиловланг.

Асабийлашган одам аксарият сўзларни нотўғри талқин қиласди. Ўз-ўзингизга кулоқ солинг. Сизнинг ташвишингиз ва ҳиссий кечинмаларингиз Сизнинг ҳиссиётларингизга «тегиб» кетаётган бўлса, бу ҳақда унга билдиринг, бу ҳаракатларингиз вазиятни ойдинлаштириб, Сизнинг тинглашингизни осонлаштиради.

13. Танқид қилишда эҳтиёт бўлинг, баҳо берманг.

Сұхбатдошингизга нисбатан маңқулловчи ҳолатни сақланғ. Сизнинг маңқуллашингиз унга ўз фикрини аниқроқ баён қилишига ёрдам беради. Сизнинг ҳар қандай салбий муносабатингиз сұхбатдошингизнинг ҳимоя реакциясига, ўзига ишончсызлик ва хавотирига сабаб бўлади.

14. Сұхбатдошингизнинг мақсадини тушунинг.

Ёдингизда тутинг, аксарият сұхбатдан мақсад - ёки сиздан реал бирор нарса олиш, ёки сизнинг фикрингизни ўзгартириш, ёки сизни бирор нарса қилишга мажбур қилишдан иборат. Бундай ҳолатда энг яхши жавоб-сизнинг ҳаракатингиздир.

15. Салбий одатлар эшлиши жараёнини қийинлаштиради.

Ўзингизнинг эшлиши одатларингизни, кучли ва кучсиз томонларингизни, йўл қўяётган хатоларингиз характерини аниқлашга ҳаракат қилинг. Одамлар ҳақида шошиб хулоса чиқармаяпсизми? Диққатингизни кўпроқ сұхбатдошингизнинг ташки қиёфаси ва нутқидаги камчиликларга қаратмаяпсизми? Сизда одамга қарамасдан эшлиши одати йўқми? Тез-тез сұхбатдошингизни бўлиб қўйиш одатингиз йўқми? Бошқа ташвишлар ҳақида ўйлаб, ўзингизни гўё эшитаётгандай қилиб кўрсатмайсизми? Охиригача эшитмаган нарсангиз ҳақида пала-партиш баҳо ва хулосалар қилмайсизми?

Одатларингиз ҳақидаги билимларингиз - уларни такомиллаштириш йўлидаги биринчи қадамингиз эканлигини ёдда тутинг.

Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш қоидалари, усуслари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўлаймиз:

- сўзма - сўз қайтариш
- бошқача талқин этиш.

Биринчиси, сұхбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитлигича қайтариш орқали, шерикни қўллаб-қувватлашни билдиrsa, икkinchi усул эса - шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар этиб, ўзимизнинг талқинимизда ифода этишини англатади. Иккала усул ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоқи, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради. Бундан ташқари биз яхши тинглаётган бўлиб, “Йўғ-э?”, “Нахотки?”, “Қара-я?” “Яша!” луқмалари билан ҳам сұхбатдошимизни гапиришга, янада ўз фикрларини ойдинлаштиришга ёрдам берган бўламиз. Бу кўрсатилган усувларни оилавий ўзаро муносабатларда қўлланса, у ҳолда тушунмовчиликлар

ва уларнинг натижасида низолар, жанжаллар бўлмайди. Масалан, қайнона-келин муносабатларида келин томонидан қайнонаси йўл-йўригини, маслаҳатини тинглаб амалга ошираётганини кўрсатиши, эр-хотин муносабатларида турмуш ўртоғларнинг айтган сўзларининг ўзаро муносабатларда бажарилаётганини хис этишлари, ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатларда ҳам шу жиҳатларнинг бажарилиши юқорида таъкидлаганимиздек, зиддиятли ҳолатларни олдини олишга ёрдам беради. Шунинг учун оиладами, ўқиш ёки иш жойидами, ўзаро муносабатларда бошқаларни фикрини айта олишга имкон яратиш билан бирга, шу фикрнинг маъкул томонларини бажаришга ҳам интилиш керак. Демак, аслида биздаги гапираётган шахс етакчи, у сухбатнинг мутлоқ ҳокими, деган тасаввур унчалик тўғри эмас экан. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у сухбатдошни сизга жуда яқинлаштиради, ишончни түгдиради. Чунки муомалада энг қимматли нарса - бу айтилаётган фикр ва маълумотнинг ўзи хисобланади. Тинглаётган одам маънили, яхши сухбатдан керакли ва фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидағи борини бериб, гапирмайдиган сухбатдошдан “тескари алоқани” олиб ултурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун муомала ўrnата олишга ўргатишининг энг муҳим йўналишларидан бири - одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир.

Одамларни тўғри тинглашда ушбу ҳолатларни кузатамиз:

❖ жонсараклик ҳолати ёки актив ҳолат. Бу - агар кресло ёки диван каби мебел бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, сухбатдошнинг юзидан ташқари жойга қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганингизни билдириш.

❖ сухбатдошга самимий қизиқиши билдириш. Бу нафақат сухбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

❖ ўйчан жимлик. Бу сухбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзингизнинг сухбатдан манфаатдорлигингизни билдириш йўли.

Агар биз сухбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига хурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, муомала давомида тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Унинг мулоқотни самарали бўлишидаги

аҳамияти ниҳоятда каттадир. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни рухлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади. Шунинг учун даврада гапираётган кишининг чиқиши ва гапиришига бошқалар диққат билан эътибор бераб тингласа, бундай мулоқотдан ҳамма манфаатдор бўла олади, албатта бу гапираётган одам билдираётган фикрлар бошқалар учун маънодор ва ёқимли бўлса, албатта. Агар мулоқот жараёнида гапириш ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсир учун кенг аҳамиятини назарда тутсак, муомалада қатнашаётганларнинг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллаганликларини қай даражада эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам одамларни мулоқот маданиятини билишга ва ўргатишга жуда катта эътибор берилади. Шундай қилиб, ана шу табиий бир қараашда оддий инсоний муомала шу қадар мураккаб ва серқирраки, унинг қонуниятларини билиш, оиласаларда ва инсонлар гурухларида тўғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муоммоси бугунги кундаги муҳим масалалардандир. Биз сизни инсоний муносабатларни ўйда ва бошқа шароитларда оқилона ташкил этишда қўлланиладиган муомала маданиятига оид қонун - қоидалар билан таништирдик. Ўйлаймизки, улар сизнинг баҳт қасрингиз бўлган оиласизнинг мустаҳкамлигига баҳоли қудрат хизмат қиласи.

«Ўз-ўзини ишонтириш» бўйича тавсиялар

Оилавий ҳаёт завқли ва муаммоларсиз кечиши учун ҳар бир оила аъзоси учун зарур бўлган психологик ўзини бошқариш ва ишонтириш усуllibаридан хабардор этамиз. ўйлаймизки, бу усуllibар Сизга ёрдам беради.

Киши ўз-ўзини ишонтира олиши орқали ижобий натижаларга эришиши мумкин. Бунинг учун киши ўзини-ўзи ишонтира оладиган формулага эга бўлиши керак. Киши ўзини иродавий мажбуrlамаган ҳолда ана шу фомула ёрдамида жаҳли чиққанлик, кайфияти бузилганлик ёки низоли, жанжалли ҳолатлардан чиқиб кетиши мумкин.

* Эрталаб уйғонгандан кейин ёки кечки пайт ўринга ётгандан кейин, ўзингиз эшитадиган ҳолатда, ўзингиз учун қулай ётган ҳолда бутун танани эркин тутиб, қуйидаги қоидани камида 20 марта такрорлашингиз мумкин:

«Мен тинчман, ҳаётимдан қониқиб яшайман, ҳаётим күнгилдагидек, менга нисбатан барчани муносабати яхши».

* Чарчаган ёки нимадандир норози бўлган, жаҳлингиз чиққан вақтда тинч, балаңд, салбий таъсир кучига эга товушлардан ҳоли бўлган жойни танлаб олиб текис, қаттиқ ерга чалқанча ётган ҳолда кўзларни юмиб, қўл ва оёқларни кенг ёйиб, ўзингиз эшитадиган ҳолда пицирлаб қуйидаги қоидани такрорланг:

«Ҳамма ёқ сокин, сукунат, мен осойиштаман, мириқиб дам оляпман, бутун танам, асабларим тинч ҳолда, мен барча нарсалардан мамнунман».

* Турмуш ўртоқингиз билан келишмовчилик ёки жанжаллашиш вазияти вужудга келди. Сиз нима қилишингиз керак? Тинчроқ жойни танлаб, юкоридагидек ётган ёки ўзингиз учун қулай ўтирган ҳолда кўзларни юмиб, қуйидаги сўзларни пицирлаб, 25-30 секунд такрорланг:

«Менинг турмуш ўртогим ҳаммадан яхши, ўзимни қўлга олишим керак, у мен учун қадрли инсон, мен учун қанчадан-қанча яхшиликлар қилган, мен учун югуршиб-елди» (Турмуш ўртоқингизни яхши сифатларини эслашга, муносабатлари сизларнидан ҳам ёмонроқларга таққослашга ҳаракат қилинг).

3-БҮЛІМ

ОИЛАВИЙ ҲАЁТНИ ЎРГАНИШГА ОИД ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

- 1- тест. «Севги ва ёқтириш майли шкаласи» тести.**
- 2 - тест. «Бу катта севгими ёки енгил-елпи ёқтириши?» тести.**
- 3 - тест. «Сиз уни қай даражада севасиз?» тести.**
- 4 - тест. «Сиз бир-бириңизни тушунасизми?» тести.**
- 5 - тест. «Оиланғызда низолар мавжудми?» тести.**
- 6 - тест. «Сиз жаңжалкаш инсонмисиз?» тести.**
- 7 - тест. «Никохингизда пул муаммоси» тести.**
- 8 - тест. «Сиз билан сұхбатлашиш сұхбатдошингизга қандай таъсир қиласы?» тести.**
- 9 - тест. «Сиз тинглашни биласизми?» тести.**
- 10 - тест. «Сиз жаҳли тез инсонмисиз?» тести.**
- 11 - тест. «Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?» тести.**
- 12 - тест. «Сиз бошқа одамларга ёқасизми?» тести.**
- 13 - тест. «Ҳиссиётларга берилувчанмисиз?» тести.**
- 14- тест. «Сиз баҳтлимисиз?» тести.**
- 15 - тест. «Ҳаётга муносабатни аниклаш» тести.**
- 16 - тест. «Аёллар рухияти учун» тест.**
- 17 - тест. «Сиз қандай аёлсиз?» тести.**
- 18 - тест. «Бағрикенглик қила оласизми?» тести.**
- 19 - тест. «Эрингизга танбек берманг...» тести.**
- 20 - тест. «Турмушга чиқишига тайёрмисиз?» тести.**
- 21 - тест. “Ўзингизни биласизми?” тести**
- 22 - тест. “Қандай таассурот қолдирасиз?” тести**
- 23 - тест. “Сиз бошқа одамларга ёқасизми?” тести**
- 24 - тест. “Сиз билан муомалада бўлиш ёқимлими?” тести**
- 25 - тест. “Сиз мустақил инсонмисиз?” тести**
- 26 - тест. “Иродангиз қай даражада?” тести**
- 27 - тест. “Ҳаёт қийинчиликларига чап бера оласизми?” тести**
- 28 - тест. “Ҳақиқатни тинглашга қодирмисиз?” тести**
- 29 - тест. “Шахсдаги тежамкорлик хусусиятини аниклаш” тести**
- 30 - тест. “Харидга қалайсиз?” тести**
- 31 - тест. “Феълингизни биласизми?” тести**
- 32 - тест. “Норасолик комплекси” тести**
- 33 - тест. “Ўзингизга қандай баҳо берасиз?” тести**

34 - тест. “Үзингизни иазорат қила оласизми?” тести

35 - тест. “Инсон характери” тести

36 - тест. «Сиз қандай кишисиз?» тести.

**Мұхаббат деган нарса жуда оз кишига насиб бўладирғон
бир дури бебаҳодир.**

Абдулла Қодирий.

1- тест. «Севги ва ёқтириш майли шкаласи» тести.

Оила қуриш мотивларидан бири севги-мұхаббат ҳисобланади. Оилавий муносабатларнинг қай даражада кечиши күпинча шу мотивга боғлиқ. Лекин ҳар қандай инсон ўз ҳис-туйгуларининг севги объекти, яъни танлаган кишисига нисбатан қандай эканлигини билиб олиши керак. Куйида келтириладиган тест шахсдаги ҳистайғуларидан севги ва ёқтиришнинг даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун шу 14 та тасдиқларнинг ушбу жавоб варианtlаридан бирини белгилайсиз.

- | | |
|-----------------------|---------------------------|
| а) ҳа, бу шундай. | в) у қадар бўлмаса керак. |
| б) эҳтимол шундайдир. | г) бутунлай ундей эмас. |

Бунда иложи борича тез ишлашга ҳаракат қилинг.

| ТАСДИҚЛАР. | а) | б) | в) | г) |
|--|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. Мен унга мутлақо ҳамма нарсани ишонишим мумкин. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 2. Бирга бўлган вақтларимизда бизнинг кайфиятимиз доимо мос тушади. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 3. У фақат менинидир деб айта оламан. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 4. У жуда ақлли киши. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 5. Унинг учун мен мутлақо ҳамма нарсага тайёрман. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 6. Кўпчилик холларда, у одамлар билан танишган вақтларимизда уларга ёқа бошлайди. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 7. Ўзимни нохуш (ёмон) ҳис қилган вақтларимда фақат у билан сухбатлашгим, хасратлашгим келади. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 8. Биз у билан қалбан ўхшашмиз деб ўйлайман. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 9. Агар, усиз яшашга тўғри келиб қолса, унда менга жуда оғир (қийин) бўлар эди. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 10. Мен унга ўхшаган бўлишни хоҳлар эдим. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 11. Унга доимо яхши бўлиши учун мен ўзимни жавобгар деб ҳис қиласман. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 12. У менга нисбатан яхши муносабатда эканлигига ишончим комил. | 4 | 3 | 2 | 1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13. Унинг бошқалардан кўра, менга кўпроқ ишонишини ҳис қилиш менга ёқади. | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 14. У мен билган қизлар (йигитлар) орасида энг жозибали (ёқимлидир). | 4 | 3 | 2 | 1 |

Бу тасдиқларнинг тоқ ва жуфт ўринда турғанларининг балларини суммасини ҳисоблаш орқали ўзингиздаги ҳиссиёт турини аниқлашингиз мумкин. Бунинг учун тоқ ва жуфт тасдиқлар бўйича олган балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Яъни, тоқ сондаги тасдиқлар орқали севги даражасини, жуфт сондаги тасдиқлар эса ёқтириш (майли) даражасини билдиради.

Қайси шкала бўйича балларингизнинг кўп эканлиги, сизнинг муносабатингизда шу ҳис-туйғу турининг устунлигини кўрсатади.

Мұхаббат энг қадимий ва навқирон тушунча. У шу кунгача қариган эмас, бундан кейин ҳам қаримайди. У ҳамиша офтоб каби қалба яқин, аммо ҳар бир замон, ҳар бир авлод ва ҳар бир қалб унинг янада янги, мазмунли, кўркам ва файзли бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

T.Кораев

2 - тест. «Бу катта севгими ёки енгил-елпи ёқтиришми?» тести.

Қўйида бериладиган саволли вазиятларга мос келган жавобни танласангиз, у ҳолда сиздаги ҳисларингизнинг қандай эканлигини билиб олиш имкони туттилади. Жавоб намунасини ўзингизга маъкулини танлаётганингизда миянгизга биринчи бўлиб келган фикрни танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини унутманг.

1. Учрашувга кета туриб, сиз:

- а) ўзингиз ёқтирган кўйлагингизни киясиз;
- б) у ёқтирган кўйлакни киясиз;
- в) кўйлакларингиз орасида энг янгисини киясиз.

2. Сиз севгилингизнинг ота-оталарига рўбару келиб қолсангиз:

- а) Сиз бундан жуда хижолат бўласиз;
- б) бу сиз учун ёқимли ва қизиқарли;
- в) уларга дуч келмасам бўларди, деб ўйлайсиз.

3. Агар Сизнинг севгилингиз Сизга китоб тақдим этса:

- а) Сиз бошқа китобга алмаштиришга тайёрсиз;
- б) шундай китобни орзу қиласдим, дейсиз;
- в) бехосдан «Менда бу китобдан бор!», - дейсиз.

4. Агар у сизга қүнгироқ қиласман деб ваъда берган бўлса-да, лекин нечундир қиласаси:
- Сиз йиглайсиз;
 - кун бўйи телефон олдида ўтирасиз;
 - дугонангиз (дўстингиз) билан айлангани чиқиб кетасиз.
5. Агар Сиз унинг онасига ёқмасангиз, яъни унинг онаси Сизни ёқтириласи:
- Сиз унинг онаси талаблари билан ҳисоблашасиз;
 - унинг онасига ёқиши учун астойдил ҳаракат қиласиз (гул берасиз, яхши сўзлашасиз);
 - онасидан ёқтириласлик сабабини сўрайсиз.
6. Агар сизга у бирор жойга боришни таклиф этса-ю, сиз унинг моддий ахволи танг эканлигини билсангиз, у ҳолда сиз:
- харажатларни биргалашиб тўлашни таклиф этасиз;
 - шунчаки сайр қилишни таклиф этасиз;
 - бирор бир мавзууда сухбат уютирасиз (янги фильмлар, томошалар ҳақида).
7. Жанжаллашиб қолсангиз, жанжалдан кейин Сиз ўзингизни айбдор эканлигингизни ҳис қилсангиз ҳам, сиз:
- унинг қўнгироқ қилишини, у биринчи бўлиб келишини кутасиз;
 - ундан сиз кечирим сўрайсиз;
 - ўртоқларингизга (дугонангизга) бўлган жанжални ўзингизни айбдор кўрсатмай сўзлаб берасиз.
8. Агар сизнинг севгилингиз спортни севса, Сиз:
- у билан мусобақалар томоша қилгани борасиз;
 - унинг «хобби»сини, қизиқишини маъкуллайсиз;
 - уйда ёлғиз қолишни афзал кўрасиз, тоҳида унинг хоббиси устидан куласиз.
9. Сиз тасодифан илгари ёқтирган кишингиз билан кўчада учрашиб қолсангиз, Сиз:
- у билан учрашишдан воз кечасиз;
 - унга, энди бошқа кишини севишингизни айтасиз;
 - ўтган дамларингизни эслаб, у билан учрашувга рози бўласиз.
10. Севганингиз билан узоқ айрилиқдан Сиз:
- ёлғизлиқдан қийналмаслик учун, дугона ёки дўстларингиз билан бирга вақт ўтказасиз;
 - ёлғизлиқда ўзингиз вақт ўтказасиз ва доимо (севганингизга)га мактублар ёзасиз.

в) ундан олдинги ёқтирган одамингиз билан учрашишга ҳаракат қиласиз ва унга ўзингизни билдирасиз.

Тест натижаларини баҳолаш:

| № | а | б | в | № | а | б | в |
|----|---|---|---|-----|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 1 | 6. | 2 | 3 | 1 |
| 2. | 2 | 3 | 1 | 7. | 2 | 3 | 1 |
| 3. | 2 | 3 | 1 | 8. | 2 | 3 | 1 |
| 4. | 2 | 3 | 1 | 9. | 2 | 3 | 1 |
| 5. | 2 | 3 | 1 | 10. | 2 | 3 | 1 |

Тест натижалари таҳлили:

15 баллдан кам: Ўзингизни ва уни алдашингиз беҳуда, сиз уни севмайсиз.

15-28 балл: Сизнинг ўйлашингизча, Сиз уни севиб қолгансиз, лекин буни аниқ ишонч билан айтиш асосли эмас.

28 баллдан юқори: Сиз ҳақиқатан ҳам уни севасиз.

Агар севсанг, муҳаббатингга арзийдиганни сев. Севилган одам Птоломей ёки Афлотун даражасида бўлиши шарт эмас, лекин оз бўлса-да, идрок эгаси бўлмоги керак.

«Қобуснома»дан.

3 - тест. «Сиз уни қай даражада севасиз?» тести.

Кўйидаги тест орқали севги объектингизга нисбатан сиздаги хисссиёт даражасини билиб олиш мумкин бўлади. Бунинг учун қўйилган саволга жавобларнинг учтасидан бирини танлашингиз зарурдир ва танлаш жараёнида узоқ ўйламаслик керак бўлади.

1. Сиз одамни бир марта кўрибок, шу оннинг ўзида севиб қолиш мумкинлигига ишонасизми?
 - а) нимага бўлмас экан, аслида шунинг ўзи ҳақиқий севги;
 - б) бунақаси бўлмайди, бу севги эмас;
 - в) баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради.
2. Агар Сизнинг дўстларингиз унга шубҳа, нафратли муносабатда бўлишса, сиз уни севган бўлармидингиз?
 - а) сўзсиз;
 - б) уйлайманки, ҳа;
 - в) ҳеч қачон.
3. Сиз у билан олдин кўрган фильмингизни яна қайтадан кўргани борармидингиз?
 - а) агар у буни илтимос қилса (сўраса) борган бўлардим.

- б) буни қилишдан баҳтиёр бўлардим.
в) Сиз кинодан сўнг ҳам учрашишингиз мумкин.
4. Агар у сизнинг дўстларингизга ёқмаса, унда сиз нима қилган бўлардингиз?
а) дўстларим билан муносабатларимни аниқлаб олган бўлардим;
б) тўғри танлаганлигимдан шубҳаланаардим;
в) бунақасини тасаввур қила олмайман.
5. У ҳақда гапираётган вактингизда даставвал нимани эслайсиз?
а) қадди қоматини, ёқимли юзини, баъзан чиройли сочини;
б) аклини, маълумотлигини, тарбияланганлигини, ўзини тута билишилигини, гаплашганликдаги тетик манерасини, баъзан самимийлигини.
в) нима тўғри келса шуни, чунки ўзим танлаганлигимнинг барча афзалликларини мен санаб ўтишга қодир эмасман.
6. Сизлар йўқ пайтда, у нима билан машғул бўлишилигини биласизми?
а) ҳозирча сиз ўзингизнинг рақибингиз (ракибангиз) йўқлигига ишонасиз, шунинг учун бунақа арзимаган нарсалар билан бошингизни қотириб ўтирмайсиз;
б) ха, чунки биз доимо охирги учрашувимиздан сўнг ўтган вақтларда ҳар биримиз билан нима ҳодиса рўй берганлигини бир-бirimizga гапириб берамиз;
в) Биз иккаламиз ҳам эркинмиз, шунинг учун у нима хоҳласа шуни қилиши мумкин.
7. Бир кунмас бир кун сизларнинг муносабатларингизга якун ясалишини тасаввур қила оласизми?
а) мен бу ҳақда ўйлашга журъат эта олмайман;
б) эрта-ми кечми бу албатта рўй беради.
в) биз бир-бirimizга шу қадар боғланиб қолганмизки, бундай бўлиши мумкин эмас.
8. Ҳаёт сўзсиз гўзал, фақат икковлон бўлса?
а) агар одам севган бўлса, акс ҳолда у буни тасаввур ҳам қила олмайди;
б) ха, ёлғизлиқда зерикарли бўлади;
в) биргаликдаги ҳаёт, фақат бир-бирини ҳақиқатан севувчи икки қалб учун гўзал.
9. Агар сизлар икковингиз ёлғиз қолган бўлсангиз, ҳаётнинг «буюк» масалалари ҳақида гаплашасизларми?
а) бунга деярли вақт етмайди; б) нимага керак? в) ха, кўп гаплашамиз.

10. Сизда у билан танишган вақтингиздагига қараганда бошқа одам бўлиб қолганлиги ҳақидаги тасаввур борми?
- Сиз уни қандай тасаввур қилганигизча колди;
 - у бошқача одам бўлиб чиқди, бироқ у шундайлигича сизга яна ҳам кўпроқ ёқади;
 - албатта, у дастлабки дақиқаларда тасаввур этилганидан идеал эмас.

Тест натижаларини баҳолаш:

| № | а | б | в | № | а | б | в | № | а | б | в | № | а | б | в | № | а | б | в |
|----|----|---|---|----|----|---|---|----|---|---|----|----|---|---|---|-----|----|---|---|
| 1 | 10 | 8 | 7 | 3. | 6 | 7 | 3 | 5. | 2 | 7 | 10 | 7. | 9 | 4 | 7 | 9. | 2 | 1 | 7 |
| 2. | 7 | 3 | 1 | 4. | 10 | 2 | 7 | 6. | 4 | 7 | 0 | 8. | 9 | 1 | 7 | 10. | 10 | 7 | 5 |

Тест натижалари таҳлили:

30 баллдан кам бўлса: балким сиз учун дўстона муносабатлар унинг шахсидан муҳимроқдир. Балким сиз уни етарли даражада билмасдирсиз, аникроқи унинг ташки кўринишидан қониқасиз холос. «Мана қандай ғгалабага эришдим, кимни ўзимга ром қилиб олдим!», - дегандек. Баъзан бундай ҳолат ёқимли ҳамдир, бироқ эҳтиёт бўлинг, ахир Сиз бирорвлар учун эмас, балки ўзингиз учун жуфт танлайпсиз!

31 дан 65 баллгacha: Идеал севги шунаقا: Сиз ўз танлаганингизнинг ташки кўринишини ҳам, характеристини ҳам севасиз, унинг нафақат афзалликларини, яхши хислатларини қадрлаб қолмай, балки яхлитлигича қабул қиласиз. Сиз уни билишга ва тушунишга интиласиз. Албатта, сизга ўз ҳаётингизни бажонидил баҳам кўришни истаган одамингиз билан қизиқмасангиз, яна бошқа ким билан қизиқасиз. Сиз икковингиз ҳамма нарсага қодир эканлигингизни хис қиласиз.

65 баллдан кўпи: Севги - ажойиб нарса! Факат у агар икковлон севгининг ўзини эмас, балки бир-бирлари севса узоқ давом этиши мумкин. Сиз ўз предметингиз билан шу қадар машғул бўлиб кетгансизки, одамнинг ўзини кўрмасиз, балким у ҳақидаги ўз тасаввурингизга асосланасиз. Балким сиз ўз севгилингизда, агар уни ўз фантазиянгизда яратилган идеал образгагина асосланиб қолмай, уни яқиндан билишга интилсангиз пушаймон бўлмайсиз.

Бир-бирини билиш - бу бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиши эмас, бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиши, бир-бирига ишончи демакдир.

А.Швейцар.

4-тест. «Сиз бир-бирингизни тушунасизми?» тести.

Севги ўз йўлига, бироқ турмуш ўртоклар, агар улар ҳақиқатан ҳам узоқ ва баҳтили умр куришмоқчи бўлсалар, унда яна бир нарса, яъни уларнинг бир-бирларини тушунишлари ҳам мухимдир. Шунинг учун ушбу тест орқали Сиз ўз оиласизда бир-бирини тушуниш учун қандай ҳолатлар мавжудлигини аниклаб олишингиз мумкин. Бунинг учун берилган саволга жавоб намунасининг ўзингизга маъқулини тез белгилашингиз керак бўлади.

1. Сизда орангиздаги муносабатни жиддий ҳал қилиб олиш керак, деган фикр мавжудми?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) йўқ - 0 балл.
 - в) муносабатларни ҳал қилиб олиш фойдасиз - 2 балл.
2. Агар сиз мухим бир савол бермоқчи бўлсангиз, буни тўғридан-тўғри, ортиқча уринишларсиз амалга оширишингиз мумкини?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) ҳа, лекин бунинг учун қулай вазият талаб этилади - 1 балл.
 - в) бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас - 2 балл.
3. Турмуш ўртоғингиз кўпинча ўзини қийноқка колаётган муаммолар ҳақида индамайди, деб ҳисоблайсизми?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) тасаввур қила олмайман - 2 балл.
 - в) унинг барча муаммоларини биламан - 0 балл.
4. Ҳар қандай вақтда ҳам турмуш ўртоғингиз билан мухим нарсалар ҳақида гаплаша оласизми?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) ҳар доим эмас, имконият бўлған вазиятни кутиш керак - 1 балл.
 - в) деярли кўп вақтда йўқ, чунки уни бўш вақти йўқ - 2 балл.
5. Сиз бир-бирингиз билан сухбатлашганингизда гапларингизни аниқ ўйлаб гапирасизми?
 - а) ҳа, ҳар бир гапимни ўйлаб гапираман - 1 балл.
 - б) йўқ, бир-биримизга нимани ўйласак тўғри гапираверамиз - 2 балл.

- в) ўз фикримни айтаман, лекин бошқага ҳам қулоқ соламан - 0 балл.
6. Сиз ўз муаммоларингизни турмуш ўртоғингиз билан ҳал қилганингизда унга ҳам ташвиш ортираётгандек ҳис қиласизми?
- а) ха, бундай тез-тез бўлади - 2 балл.
 - б) у мени муаммоларимга эътибор бермайди - 1 балл.
 - в) у муаммоларни мен билан доим ҳал этади - 0 балл.
7. Сизнинг бирингиз бошқалар билан маслаҳатлашмаган ҳолда муҳим муаммони ҳал эта оласизми?
- а) шундай ҳам бўлади - 2 балл.
 - б) биргаликда ҳал қиласиз, лекин ҳар биримиз ўз фикримизда қоламиз - 1 балл.
 - в) биргаликда муҳокама қиласиз ва ҳал этамиш - 0 балл.
8. Сиз умр йўлдошингиздан кўра кўпроқ дўстларингиз билан ўз фикрингизни бўлишасизми?
- а) баъзан шундай бўлиб туради - 1 балл.
 - б) йўқ, мен муаммоларимни турмуш ўртоғим билан муҳокама қиласман-0 балл.
 - в) дўстларим мени яхшироқ тушунади - 2 балл.
9. Турмуш ўртоғингиз билан гаплашганда сиз бошқа нарсалар ҳақида ўйлайдиган ҳолатлар бўлиб турадими?
- а) шундай ҳам бўлиб туради - 2 балл.
 - б) йўқ, мен диққат билан эшитаман - 0 балл .
 - в) агар уни жаҳли чиққанини сезсам диққат эътиборимни қаратишга интиламан - 1 балл.
10. Сухбат жараёнида сиз фикрларингизни олдин айтиб олишга ҳаракат қиласизми?
- а) албатта - 2 балл.
 - б) турмуш ўртоғим ўзини ўйлантирган муаммони айтиш учун имкон бераман - 0 балл.
 - в) искаламиз бирга муаммоларни ҳал этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.- 1 балл.

Тест натижалари таҳлили:

0 дан - 10 балгача: Сизларда ҳар бирингиз ўз муаммоларингиз ҳақида гапириб бериш қабул қилинган. Шунинг учун сизнинг оиласизда ўз муаммоларингиз ҳақида гапириш ёқимлидир. Сизлар ўз муаммоларингизни бўлишасиз. Сизларнинг ҳар бирингиз, ўзингизни нима безовта қилаётган бўлса, шу ҳақда гапирасиз ва

шеригингиз уни дикқат билан тинглайди. Сизни уйдагиларингиз яхши тушунганларды туфайли ўз муаммоларингизни бошқалар билан бўлишиш учун зарурат йўқ.

11-20 баллар: Сизлар бир-бирингиз билан ўз муаммоларингиз ҳакида маслаҳатлашмайсизлар, деб бўлмайди. Бироқ шундай масалалар борки, улар ҳакида Сиз гапирмайсиз ва уларни муҳокама қилишга журъат эта олмайсиз. Бу эса бегоналанишга олиб келади. Сиз ўзингизни тушунадиган одамни четдан қидира бошлайсиз. Чунки сиз сизни тушунадиган киши олдингизда бўлишини истайсиз ҳамда шундай кишини изляпсиз.

Келин-куёвлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини каттароқ очиб қарашилари, никоҳдан кейин эса батъан кўриб кўрмаганга олишилари керак.

Мадлен Скюдери.

5 - тест. «Оилангизда низолар мавжудми?» тести.

Оилавий ҳаёт ҳамиша байрамлар, тўйлар ва ташвишларсиз кунлардан иборат эмас. Оилавий ҳаётда гоҳида тушунмовчиликлар, низолар, зиддиятли ҳолатлар ҳам юз беради. Навбатдаги тест оиласидаги низоларнинг мавжудлигини аниклади.

1. Сиз учун муҳими нима?
 - а) никохнинг ўзи оилали кишидир, деб ҳисоблаш имкониятидир - 1 балл.
 - б) турмуш ўртоқсиз, никоҳсиз ҳаёт ёмон бўлмас эди - 0 балл.
2. Никоҳга етилганлик билан қараб, уни катталарнинг ўйинига ўхшайди, деб ҳисоблайсизми?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) йўқ - 0 балл.
3. Ота-онангизга моддий боғланганмисиз?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) йўқ - 0 балл.
4. Сизнинг никоҳ ва кутишлар борасидаги қараашларингиз мос тушадими?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) йўқ - 1 балл.
5. Муносабатларни ойдинлаштиришда низо ва келишмовчиликлар тез-тез бўлиб турадими?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) йўқ - 0 балл.
6. Сизларни умумий қизиқишларингиз, қараашларингиз, машғулотларингиз мавжудми?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) йўқ - 1 балл.

7. Болаларингиз нечта?

а) 2 та ва ундан ортиқ - 0 балл. б) 2 тадан кам - 1 балл.

8. Болаларингиз тарбияси қандай?

а) юқори - 0 балл. б) ўртача ёки паст - 1 балл.

Тест натижалари таҳлили:

0 дан - 2 баллгача. Ажралиш сизнинг оилангизга хавф солаётганий йўқ. Мустаҳкам оила қуриш, қийинчиликларни енгиш учун барча имкониятлар мавжуд. Оддий тортишувлар ўзаро муносабатларингизга таъсир кўрсатмайди.

3 дан - 5 баллгача. Сизнинг муносабатларингиз таранглик чегарасида. Сиз турмуш ўртоғингиздан доим мамнун эмассиз. Сиз доим ҳам ўзингизни тута билмайсиз, қўлга ололмайсиз. Бундай вазиятлар ажралиш учун хавфлидир. Бундай ҳолатлардан узоқлашинг. Бир-бирингизга ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинг.

6 дан - 9 баллгача. Оилангизда ажралиш вазияти юзага келган. Оиладаги мулокот жараёнини ўзгартиришга эътибор беринг, эр ва хотин ҳар бирингиз ўзингиз учун ҳаётий қониқмаслик сабабини, турмуш ўртоғингизни ҳаётдан қониқмаслик сабабларини, имкониятларини ўрганиб чиқиши зарур. Бир-бирингизга назокатли, дикқат-эътиборли, юмшоқ, яхши ният билан мурожаат қилинг. Ўз навбатида бир-бирингизга камроқ танбех беринг. Эр-хотинни бир-бири билан боғлайдиган, бириктирадиган хусусиятларга кўпроқ интилинг.

Яхши сўз жон озиги, ёмон сўз бош қозиги

Халқ мақоли.

6 - тест. «Сиз жанжалкаш инсонмисиз?» тести.

Гоҳида оилавий муносабатларда оила аъзолари орасида турли даражада келишмовчиликлар ва низолар юзага келиши мумкинлигини биламиз. Бунда эса инсоннинг ўзидағи жанжалга мойиллик даражасини ҳам инкор этиб бўлмайди. Сиз ўзингизни қанчалик жанжалкаш эканлигингизни аниқламоқчи бўлсангиз, ушбу тестни ўзингизда синаб кўринг. Бунинг учун саволларни дикқат билан ўқиб, уларда келтирилган жавоблардан ўзингизга маъқулини танлаб жавоб беринг.

1. Тасаввур қилинг жамоат транспортида баҳслашув бошланди. Сиз қандай йўл тутасиз?

- а) жанжалдан қочишига ҳаракат қиласынан.
- б) күшнингиз, яни азият чеккан киши томони ёки ким ҳақ бўлса ўшанинг томонини олишингиз мумкин.
- в) ҳар доим қўшиласиз ва охиригача ўз фикрингизни ростлигини исботлашга ҳаракат қиласиз.
2. Оила даврасида бошқалар томонидан йўл қўйилган хатолар учун айборни танқид қиласизми?
- а) йўқ,
- б) ха, лекин унга нисбатан ўз шахсий муносабатингизга боғлиқ равишда.
- в) хатолар учун ҳар доим танқид қиласиз.
3. Сизнинг оиласида бевосита оила бошлиқлари сизнингча самарасиз кўринган ўз иш режасини баён қиласаптилар. Сизга афзал туулган ўз режангизни таклиф этасизми?
- а) agar бошқалар сизни кўлласа унда майли.
- б) албатта сиз ўз режангизни кувватлайсиз.
- в) танқид учун сизни қаттиқ койишларидан қўрқасиз ва индамайсиз.
4. Сиз ўз яқинларингиз, дўстларингиз билан бахслашишни яхши кўрасизми?
- а) фақат хафа бўлмайдиганлар билан.
- б) ха, лекин жиддий, муҳим масалалар бўйича эмас.
- в) сиз ҳамма учун ҳар қандай сабабга кўра бахслаша оласиз.
5. Кимдир навбатсиз сиздан олдинга ўтиб олишга ҳаракат қиласапти, дейлик, у ҳолда
- а) Сиз ундан кам эмаслигингизни ҳисобга олиб олдинга ўтиб олишга ҳаракат қиласиз.
- б) норози бўласиз, аммо ичингизда.
- в) ўз норозилингизни очиқ айтасиз.
6. Тассаввур қилинг, оиласигизда бирор иш бўйича тадбирлар таклиф қилинмоқда, унда дадил фикрлардан бир қаторда хатолар ҳам мавжуд. Биласизки, сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи бўлади. Қандай йўл тутасиз?
- а) ушбу таклиф бўйича ижобий фикрингизни айтасиз.
- б) таклифдаги ижобий томонларини ажратиб кўрасиз ва ишни давом эттиришга имконият берилишини таклиф этасиз.
- в) ишни танқид қиласиз, чунки, янгилик бўлиши учун хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

7. Тасаввур қилинг: қайнонангиз (эрингиз, хотинингиз) Сизга ҳар доим иқтисод ва тежамкорлик зарурлиги түғрисида гапиради ва ўзи бўлса доимо қиммат нарсаларни харид этади. Сиз бунга нима дердингиз?

- а) ҳа, харид қилган нарсаси ўзига ёқса уни маъқуллайсиз.
- б) бу нарса дидсизлигидан далолат деб биласиз.

в) шундайлиги туфайли у киши билан ҳар доим жанжаллашиб юрасиз.

8. Сиз маҳалла чеккасида чекиб турган ўсмирларни учратиб қолдингиз. Қандай ҳаракат қиласиз?

а) бошқаларни ёмон тарбиялаган фарзандлари учун кайфиятимни бузиб нима қиласман, дейсиз.

- б) уларга танбех берасиз.

в) агар бу жамоат жойида бўлганида уларнинг адабини берган бўйлар эдим, дейсиз.

9. Ресторанда, кафеда ёки магазинда сизнинг ҳаққингиздан уриб қолишганлигини сездингиз. У ҳолда нима қиласиз?

- а) чойчаани бермайсиз.

- б) бошқатдан ҳисоб-китобни талаб қиласиз.

- в) жанжал бўлишига олиб келасиз.

10. Сиз дам олиш оромгоҳидасиз. Бу ердаги ходимлар ўз ишларини яхши бажармаса, бошқа нарсалар билан машғул бўлаверса, бу ҳол сизни аччиклантирадими?

а) ҳа, аммо буни ўзингиздан норозилигингиzinинг айтганингиз билан бирор нарсани ўзгартириш амри маҳол.

- б) уларнинг устидан арз қилиш йўлини топасиз.

- в) Сиз норозилигингиzin ходимларга очиқ айтасиз.

11. Сиз ўз ўсмир ўғлингиз билан бахслалиб унинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдингиз. Сиз бунда ноҳақ эканлигингизни тан оласизми?

- а) йўқ.

- б) албатта тан оламан.

в) ноҳақ эканлигингизни тан олсангиз бола олдида қандай обрўга эга бўлишингиз мумкинлигини ўйлайсиз.

Балларни ҳисоблаш: а - 4 балл; б - 2 балл; в - 0 балл.

Тест натижалари таҳлили:

30-40 баллгача. Сиз фаросатли одамсиз, жанжални хоҳламайсиз.

Хатто жанжалли ҳолатни силлиқлаб олсангиз-да, бундай ҳолатлардан осонликча қочасиз. Агарда можароларга аралашишингизга тўғри келса, бу сизнинг оиласий муносабатингизда, ҳолатингизда ва дўстлик муносабатларингизда қандай акс этишини ҳисобга оласиз. Сиз атрофдагиларга ёқимли кўринишга ҳаракат қиласиз. Аммо уларга ёрдамга керак бўлиб қолса, ёрдам кўрсатишга ҳар доим ҳам отланавермайсиз. Бу хақида бошқалар қандай фикрда эканлиги тўгрисида ҳам бир ўйлаб кўринг.

15-29 баллгача. Сиз тўғрингизда жанжалкаш одам дейишади. Бу Сизнинг оиласий, шахсий ва ўзаро муносабатларингизда қандай таъсир қилишидан қатъий назар, ўз фикрингизда дадил турасиз. Шунинг учун ҳам сизни хурмат килишади.

10-14 баллар. Сиз тортишув учун сабаб излайсиз. Аммо уларнинг кўпчилиги арзимас, ортиқчадир. Сиз танқид қилишни яхши кўрасиз, аммо бу сизга фойда бермайди. Хатто сиз ноҳақ бўлсангиз ҳам ўз фикрингизни ўтказишга ҳаракат қиласиз. Агар сизни жанжал қилишни яхши кўради десалар, хафа бўлмайсиз. Уйлаб кўринг, Сизнинг хулқ-авторингизда номуккаммаллик нуқсони яширинмаганмикан?

Бошқаларнинг баҳтини ўйлаб ўз баҳтимизни топамиз

Платон.

7 - тест. «Никоҳингизда пул муаммоси» тести.

Оиласий ҳаёт ташвишларсиз ҳамда баҳтли кечиши учун албатта иқтисодий жиҳатдан ҳам оқилона иш юритиш керак бўлади. Навбатдаги тест ҳаётимизда пулни иқтисод қилиш ёки сарфлаш даражамиз қандайлигидан хабардор бўлишимиз кераклигини билдиради. Бунинг учун саволга тезда жавоб беришингиз лозим.

1. Сизнинг оиласигизда молиявий муаммоларни ким ҳал қиласи?
 - а) отам.
 - в) ота-онам биргаликда.
 - б) онам.
 - г) бошқалар.
2. Сизнинг ёшлигингизда онангиз ишлаганми? (уй ишларидан ташқари)
 - а) ха.
 - б) йўқ.
 - в) ха, баъзида.

3. Сизнинг ота-онангиз қуидагилардан қайсилариға эга бўлганлар?
- а) бутун чикимлар учун умумий жамғарма мавжуд эди.
 - б) умумий ва алоҳида жамғарма мавжуд бўлган.
 - в) пулнинг бошқа бўлаклари.
4. Сиз ўзингизни пулга бўлган муносабатингизни қандай изоҳлайсиз?
- а) пул менда доимо етишмайди.
 - б) пул менга зўрга учма-уч етади.
 - в) яна нималарнидир сотиб олишим керак, деб тежаб-тергаб ишлатаман.
5. Пулни қандай сарфлаганда ўзингизни яхши ҳис қиласиз?
- а) ўзингизга (кийим, майда-чўйда нарсалар, турли саёҳат учун).
 - б) дўстларингиз учун (совға, ўйин-кулгилар учун).
 - в) оила аъзолари учун.
6. Агар сиз кутилмаганда 50000 сўм ютиб олсангиз, нималарга сарф этар эдингиз?
- а) ҳаммасини кундалик чиқимлар учун сарф килардим.
 - б) ҳаммасини сақлаб қўяр эдим.
 - в) қарзларим ёки тўловлар учун сарф қалардим.
7. Сиз ўзингизни молиявий муаммоларингизни ҳал қилишдаги қобилиятингизни қандай баҳолар эдингиз?
- а) аъло.
 - в) ўргача.
 - б) яхши.
 - г) ёмон.
8. Сизда ғамгин ҳолат мавжуд бўлиб, ўзингизни нотинч, деб ҳисобласангиз, нима учундир асабингиз тинч эмас, шунда нима қиласар эдингиз?
- а) бу мавзуда яқинларим ёки танишларим билан суҳбатлашардим.
 - б) дўконларга яхши нарсалар харид қилиш учун борардим.
 - в) спорт билан шуғулланардим ёки сайрга чиқардим.
 - г) ухлар эдим.
9. Оилада молиявий масалаларни қандай ҳал этиш зарур?
- а) эр-хотин умумий жамғармаси бўлиб, чиқимларни бири бошқариб туриши керак.
 - б) эр-хотинлар умумий жамғармаси бўлиб, чиқимлар муаммосини биргаликда ҳал этишлари керак.
 - в) эр-хотин ўзларининг алоҳида пуллари бўлиб, чиқимлар учун алоҳида жамғарма бўлиши керак.
10. Сиз аёл (эркак) хоҳласа ўз мутахассислиги бўйича ишлаши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

- а) албатта.
- б) йўқ.
- в) болалар анча катта бўлиб қолишиса, оилавий иқтисодий ҳолат талаб этса ишлаши мумкин.

Балларни ҳисоблаш тартиби: агар ҳар иккалангизни жавобларингиз бир хил бўлса, ҳар бир жавоб учун 10 баллдан, ҳар битта жавобингиз бир хил эмас, лекин ўхшаш бўлса, 5 баллдан. Жавобларингиз фарқ қилса, 0 баллдан ҳисоблаб чиқинг.

Тест натижалари таҳлили:

80 баллдан - 100 баллгача. Сизлар ўз шахсий молиявий муаммоларингизни жуда яхши ҳал эта оласиз. Сизнинг ҳар бирингиз бошқа оилаларнинг молиявий муаммоларини ҳал этишда яхши маслаҳатчи бўла оласиз.

60 баллдан - 80 баллгача. Сизнинг молиявий муаммоларни ҳал этишдаги қобилиятингизни камлиги шахсий ҳаётингиздаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Сиз унга эътибор беринг.

40 баллдан - 60 баллгача. Бахт пулда эмас. Баъзан молиявий қийинчиликларни ортиши бахтсизлик ҳолатларига, ҳис-туйғуни сўнишига олиб келиши мумкин. Сизларни ҳозирги кунда нима узоқлаштираётганлиги ҳақида ўйланг.

40 баллдан кам. Сиздан кўра молиявий масалаларни яхшироқ ҳал этадиган маслаҳатчини топмагунингизча чиқимлар учун пулни сарф этманг. Сизнинг оилангизда психоиктисодий инқизор мавжуд. Сиз яхши бир маслаҳатчи ёки психологга учрашингиз зарур.

*Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг
чинакам маърифатлилигидан нишона.*

O.Бальзак.

8 - тест. «Сиз билан сұхбатлашиш сұхбатдошингизга қандай таъсир қиласи?» тести.

Оилавий муносабатларнинг яхши ва самарали кечишида сиздаги муномала маданияти, одамлар билан сұхбатлаша олишингиздаги маҳорат мухим аҳамият касб этади. Сиздаги бу сифатлар сұхбатдошингизга қандай таъсир этишини билмоқчи бўлсангиз, ушбу тестни ўзингизда синааб кўришни маслаҳат берамиш. Бунинг учун берилган саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришингиз лозим бўлади.

- Сиз гапиришга нисбатан тинглашни ёқтирасизми?

- Ҳатто сизга бегона бўлган киши билан ҳам сухбатлашиш учун ҳам гап топа оласизми?
 - Сухбатдошингизни ҳар доим ҳам диққат билан тинглай оласизми?
 - Уйдагиларингизга маслаҳат беришни ёқтирасизми?
 - Сухбат мазмуни сизга ёқмаган пайтларда буни сухбатдошингизга сездирасизми?
 - Агар оила аъзоларингиз сизни диққат билан тингламасалар жаҳлингиз чиқадими?
 - Ҳар бир оила аъзосига нисбатан ўз муносабатингизни билдирасизми?
 - Вазиятни аниқ таҳлил қилмаган ҳолда бошқаларга танбех берса оласизми?
 - Ўзгаларнинг сизни хурмат қилишларини истайсизми?
 - Сиз мукаммал даражада ўзлаштириб олган оиласа алоқадор ҳеч бўлмаса учта соҳангиз борми?
 - Ўзингизни бошқаларни жалб эта оладиган даражада яхши нотик деб хисоблайсизми?
- “Ҳа” жавоби қуидаги саволларда бўлса, 1 баллдан беринг: 1,2,3, 6,7,8,9,10,11
- “Йўқ” жавоби қуидаги саволларда бўлса, 1 баллдан беринг: 4,5

Тест натижалари таҳлили:

1-3 балл - сиз билан оиласа ва ўзаро муносабатларда муомалага киришиш ниҳоятда қийин бўлади. Шунинг учун бошқалар сиздан иложи борича узокроқ юришга ҳаракат қиласидилар. Улар қийин вазиятга тушган пайтда ҳам, айрим уй ишлари бўйича савол туғилган пайтда ҳам сиздан ёрдам сўрамайдилар. Сиз одамлар билан муомала қилишни ўрганишингиз учун ҳаракат қилишингиз керак.

4-9 балл - сиз хушёр ва хушмуомала сухбатдошсиз, лекин кайфиятингиз ёмон бўлган пайтларда ўз руҳий ҳолатингизни бошқара олмайсиз. Бу эса ўз навбатида паришонхотирликни келтириб чиқаради. Одамлар билан муомалада яхши таассурот қолдириш учун ўз кайфиятингизни зарда ва қаҳр орқали ифодаламасликни маслаҳат берамиз.

10-11 балл - сиз яхши сухбатдошсиз, зийраксиз, атрофингиздагилар ташки қиёфасидаги арзимас ўзгаришларни хисобга олган ҳолда муомалани ташкил қиласиз. Лекин ўзаро

муносабатлар самарали кечиши учун ўзингизни жуда юқори баҳолаб юборманг.

*Тинглаши санъати гапириши санъати
 билан деярли тенна-төнгдир.*

П.Буаст.

9 - тест. «Сиз тинглашни биласизми?» тести.

Машхур америкалик психология Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдири» деганда оиласвий муносабатларда бошқаларни тинглай олиш малакаси ривожланган бўлишини назарда тутган эди. Сиз ўзингиздаги мазкур қобилиятни аниқламоқчи бўлсангиз, ушбу тестни келтирамиз. Бунда берилган саволларга: “ҳар доим”- 2 балл, “кўпинча”- 4 балл, “гоҳида”- 6 балл, “ҳеч қачон”- 8 балл, “камдан-кам”- 10 балл кўринишида жавоб намуналаридан танлаб кўрсатинг.

1. Оилада, ишда, ўзаро муносабатларда суҳбатдошингиз ёки суҳбат мазмунни сизни қониктиргмаган пайтларда, суҳбатни тезроқ якунлашга ҳаракат қиласизми?
2. Суҳбатда бошқаларнинг хулқ-атвори сизни асабийлаштирган ҳолатлар бўладими?
3. Суҳбатда атрофингиздагилар фикрлари билан келишмаган пайтларда қўпол ва кескин жавоб қайтара оласизми?
4. Сизга тўй, кеча, оиласвий байрамларда унча таниш бўлмаган кишилар билан суҳбатлашиш учун гап топа олиш хосми?
5. Суҳбат давомида ўзгалар фикрини бўладиган одатингиз борми?
6. Гўё диққат билан тинглаётган бўласиз-у, аммо ҳаёлингиз бошқа фикрлар билан банд бўлган ҳолатлар бўладими?
7. Оилада ва даврада суҳбатдошингиз кимлигини ҳисобга олган ҳолда, охангингиз, нутқ тезлигингизда, ташқи қиёфангизда ўзгаришлар бўладими?
8. Агар ўзаро муносабатларда Сизнинг қалбингиздаги нозик ҳистийғуларингизга таъсир қилишга кимдир интилса, суҳбат мазмунини ўзгаришишга ҳаракат қиласизми?
9. Суҳбат давомида гаплашаётган кишингиз, сўзлар, терминлар, номлар талаффузда ҳатоларга йўл қўйса, дарҳол тузатасизми?
10. Муомалага киришишда суҳбатдошингиз қадр-қимматини жойига қўймасликка, кеккайишга, такаббурликка йўл қўясизми?

Тест натижалари таҳлили:

55 баллгача: Сизнинг тинглай олиш қобилиятингиз ўргача, одамларнинг оиласда ва жамиятдаги турган ўрни, мансабига бефарқ эмассиз. Бу эса сизнинг эътиборли эканлигингизни билдиради.

62 баллгача: Сиз сухбатдошингиз ким бўлишидан қатъий назар у киши шахсини хурмат қилган ҳолда сабр-тоқат билан тинглайсиз. Сиз оиласда синчков, аҳамиятли, эътиборли бўлишингиз мумкин.

Умуман жами балларингиз сони қанчалик катта бўлса, сизда тинглаш қобилияти шунчалик ривожланган бўлади.

*Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлгай, Ул улфати ичра
юз минг оғат бўлгай.*

Алишер Навоий.

10 - тест. «Сиз жаҳли тез инсонмисиз?» тести.

Инсоний муносабатларни яхши ва ижобий тарзда ташкил этиш учун шахснинг феъл-атворидаги босиқлик ва вазминлик хислатлари катта ёрдам беради. Лекин, афусски, кўпинча инсондаги жаҳли тезлик, жиззакилик сифатлари кўринадики, буни ҳар бир одам ўзида қай даражада таркиб топганлигини билиб олиши керак. Буни эса қуйидаги тест ёрдамида аниқлаш мумкин. Саволларга «жуда» - 3 балл, «унчалик эмас» - 1 балл, «ҳеч қачон» - 0 балл жавобларидан бирини танласангиз кифоя.

Сизнинг жаҳлингизни қўзғатадими?

1. Газетани варагини фижимланганлиги (Сиз ўқимоқчи бўлган.)
2. Ёши катта лекин ёш қизларга хос кийинган аёл.
3. Сухбатдошингизнинг ҳаддан ташқари яқин туриши.
4. Кўчада чекаётган аёл.
5. Кимдир сиз томонга ўгирилиб йўталса.
6. Кимдир тирноғини чайнаса.
7. Кимдир ноўрин кулса.
8. Кимдир нимани қандай қилишни ўргатишга ҳаракат қилса.
9. Яхши кўрган қизингиз (йигитингиз) ҳар доим кечикиб келса.
10. Кинотеатрда ёнингизда ўтирган томошабин у ёқ бу ёқка айланаб, кино сюжетини изоҳлаб ўтиrsa.
11. Энди ўқимоқчи бўлган кизиқарли романнинг мазмунини гапириб беришга ҳаракат қилинса.
12. Сизга керак эмас бўлган буюмлар совга қилинса.
13. Жамоат транспортида бақириб гаплашиш.

14. Атир-упаларнинг ҳаддан ташқари ўткир ҳиди.
15. Гапираётган пайтда қўлларини қимирлатиб гапираётган одам.
16. Тез-тез кўп ажнабий тиллардаги сўзларни ишлатадиган кишиilar.

Тест натижалари тахлили:

30 баллдан юқори - сизни чидамли, хотиржам одамлар қаторига кўшиб бўлмайди. Сизни ҳамма нарса, хаттоқи аҳамияти бўлмаган нарсалар ҳам жаҳлингизни чиқаради. Сиз жаҳли тез, ўзингизни йўқотиб қўювчи одам тоифасига кирасиз, бу эса асаб системасини жуда бўшаштириб қўяди. Ўз навбатида оила даврасидагилар ва атрофдагилар ҳам бундан азият чекадилар. Сиз ўзингизни қўлга олишни ўрганишингиз керак.

12-29 балл - сизни энг кўп тарқалган одамлар гуруҳига киритиш мумкин. Жуда нохуш нарсалар сизнинг жаҳлингизини чиқаради, кундалик ҳаётий камчиликлар сизга катта таъсир кўрсатмайди. Бу каби фазилатингиз атрофдагиларни жаҳлини чиқармайди.

12 ва ундан кам балл - сиз хотиржам ҳаётга реал қарайсиз ёки ушбу тест етарлича ҳамма нарсани қамраб олмаганми, сизнинг камчилигингиз тўлиқ намоён бўлмадими, буни ўзингиз ҳаммасини холисона баҳолаб олинг.

***Инсон ўзига-ўзи бўйсунишини ва ўз қарорларига
итоат қилишини ўрганмоги керак.***

Цицерон.

11 - тест. «Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?» тести.

Ҳар биримизнинг бошқалар билан олиб борадиган муносабатларимизнинг кечиши кўпинча бошқаларгагина эмас, балки ўз-ўзимизга нисбатан бўладиган муносабатимизга ҳам боғлиқдир. Чунки одамнинг ўз-ўзига ишончи, ўзига нисбатан берадиган ижобий баҳоси ва ўзини ҳурмат этиши кабилар инсонни бошқалар билан бўладиган муносабатлари характеристини ҳам белгилайди. Шунинг учун биз ушбу тестни сизга ҳавола этамиз. Бунинг учун берилган саволларга мос жавоб вариантларини танлашингиз керак бўлади.

1. Сизни ниманидир гапирмаслик ёки қилмаслик кераклиги ҳақидаги фикр қанчалик безовта қиласди?

- а) жуда тез. б) баъзан. в) деярли ҳеч қачон.

2. Агар Сиз ажойиб ва хозиржавоб, билимдон одам билан мулоқотда бўлсангиз, унда сиз:

а) уни ҳозиржавобликда, билимдонликда енгигб ўтишга ҳаракат киласиз.

б) мусобақага киришиб кетмасдан, унинг ҳурматини жойига кўйиб сухбатдан чиқасиз.

в) сұхбатни давом эттирасиз ва кейин танишларингизга гапириб бериш учун унинг ҳазилларини эслаб қолишиңа ҳаракат қиласиз.

3. Күйидаги фикрлардан, ўзингизга энг яқин биттасини танлаб олинг:

а) кўпчилик учун омаддек туюлган нарсалар аслида тинимсиз меҳнатнинг натижасидир.

б) муваффақиятлар кўпинча вазиятлар, шароитларнинг омадли равишда дуч келишига боғлик.

в) мураккаб вазиятларда мұхими - қатыятылсыз ёки омад эмас, балки сизни маңқуллайдыган ва тинчлантира оладыган одамдир.

4. Сизга ҳажвий расмгингизни ёки сизга ёзилган пародияни күрсатынди. Сиз:

а) куласиз ва сизда оригинал нимадир борлигидан хурсанд бўласиз.

б) сиз ҳам ўша одамдан нимадир кулгили нарсани топишга ва ундан кулишга ҳаракат қиласиз.

в) хафа бўласиз, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қиласиз.

г) эшикни ёпиб чиқиб кетасиз.

5. Сиз доимо шошиласиз, сизга вакт етишмайды ёки сиз бир одам имкониятлари доирасидан ортиқчалик қиладиган вазифани бажарышга киришасиз.

a) x_a .

б) йўқ.

в) билмадим.

6. Сиз дугоналарингизга, таниш қизингизга совға қилиш учун атир, яъни духи танлайпсиз. Қанақасини харид қиласиз:

а) ўзингизга ёқадиганини.

б) ўзингизга шахсан ёқмасада, лекин сизнинг ўйлашингизча дугонангиз хурсанд бўладиганини.

в) яқында телевизорда реклама қилинганини.

7. Сиз ўзингизни, ҳаётдагига қарғанда мутлақо бошқача хис киладиган вазиятларда тасаввур этишни ёктирасизми?

а) ха. б) йўқ. в) билмадим.

8. Агар сизни ҳамкасбларингиз (айниқса ёшлари) сизга қараганда кўпроқ муваффақиятларга эришса, бу сизнинг нафсониятингизга тегадими?

а) ха. б) йўқ. в) билмадим.

9. Кимнидир рад этиш, сизга қониқиши хиссини берадими?

а) ха. б) йўқ. в) билмадим.

10. Кўзингизни юминг ва ўзингизни уч хил рангни кетма-кетлиқда тасаввур қилишга уриниб кўринг:

а) ҳаво ранг. б) сариқ. в) қизил.

Тест натижаларини баҳолаш:

| Саволлар жавоблар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|----------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|
| а | 1 | 5 | 6 | 3 | 1 | 5 | 1 | 1 | 5 | 1 |
| б | 3 | 1 | 1 | 4 | 5 | 3 | 5 | 5 | 1 | 3 |
| в | 5 | 3 | 3 | 1 | 3 | 1 | 3 | 3 | 3 | 5 |

Тест натижалари таҳлили:

50-38 баллар: Сиз ўзингиздан розисиз ва ўзингизга ишонасиз. Сизнинг бошқалардан устунлик қилиш эҳтиёжингиз катта, ўз «мен»ингизни таъкидлашни ўз фикрингизни алоҳида ажратиб кўрсатишни ёқтирасиз. Бироқ ўзингиз бошқаларни танқид қилишга мойилсиз. Сиз учун: «Ўзини ёқтирадиган, лекин бошқаларни ёқтиримайдиган киши» - деган таъриф кўпроқ мос келади. Айни замонда сиз ўзингизга ҳаддан ташқари жиддий ёндашасиз, ҳеч қандай танқидий маълумотни қабул қилмайсиз. Хатто, агар тест натижалари сизга ёқмаса ҳам, сиз улардан «ҳаммаси ёлғон, нотўғри»- деб ўзингизни ҳимоя қиласиз. Афсус...

37-24 баллар: Сиз ўзингиз билан келишиб яшайсиз, ўзингизни биласиз ва ўзингизга ишонишингиз мумкин. Шахсий характер сифатида ҳам кийин вазиятлардан чиқа олиш йўлларини топа олишдек қимматли малакага эгасиз. Сизнинг ўзингиз ва атрофингиздагиларга нисбатан бўлган муносабатларингиз формуласини: «ўзидан рози, бошқалардан рози» ибораси билан ифодалаш мумкин. Сизнинг ўз-ўзингизни баҳолашингиз соглом ва нормал. Сиз ўзингиз учун далда ва куч қувват манбаи бўла оласиз, энг муҳими буларга бошқаларнинг ҳисобидан эришмайсиз.

23-10 баллар: Эҳтимол сиз ўзингиздан норози бўлсангиз керак, сизни: ўз интеллектингиз, қобилиятингиз, ташқи қўринишингиз,

ёшингиз, жинсингиз ва бошқалардан қониқмаслик, шубҳаланиш қийнайди. Тұхтанг: Ким сизга ўзини яхши күрмаслигини айтди. Ҳеч ким ўзини ёмон күрмайди. Ким сизни ўзини ўйлайдиган одам доимо ўзидан норози бўлиши кераклигига ишонтириди. Албатта ҳеч ким сиздан ўзингиздан рози бўлишингизни, ўзингиздан қониқишиңгизни талаб қилмайди, бироқ сиз ўзингизни ўзингиз қабул қилишингиз, ўзингизни ўзингиз ҳурмат қилишингиз керак.

Инсон бўлиш - бу санъатдир

Новалис.

12 - тест. «Сиз бошқа одамларга ёқасизми?» тести.

Оиладаги инсоний муносабатлар амалга ошишида кўпинча одамларнинг бошқаларга ёкиш даражаси, яъни ёқимтойлиги ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳар бир киши ўзида шу хислатни қандай эканлигини билиб олса фойдадан холи бўлмайди. Ушбу тестда келтирилган гапни маъқулласангиз - «ҳа» - 0 балл, рад этсангиз - «йўқ» - 5 балл жавобини қайд этинг, сўнгра балларни жамланг.

1. Кун давомида ҳар дақиқада ҳар қадамда одамлар сизни кузатиб баҳолаётгани ёдингизда туриши керак.
2. Одамларда ўзига яраша эрк туйғуси бўлиши керак, у ўз эрмакларини ёр-биродарлари билан уларга маъқул - номаъқуллигидан қатъий назар bemalol муҳокама қилсин.
3. Энг муносиби - кўнгил кўйига кирмасдан иззатни сақламоқ.
4. Бошқалар тилида хатоларни пайқаган киши уларни тузатмоғи лозим.
5. Нотаниш кишига йўлиққанда яхши таассурот қолдириш учун хушмуомала, топкир ва дилкаш бўлиш керак.
6. Бирон киши билан танишаётганда номини тушунмасангиз такрор сўраштайтаб эмас.
7. Ишончингиз комилки, ўзингизга нисбатан ҳазил-мутойибага йўл қўймаганингиз учун сизни ҳурмат қилишади.
8. Доимо ҳушёр, юришингиз керак, йўқса, ён-веридагилар ҳазил қиласавериб обрўйингизни тўкиб қўйишлари мумкин.
9. Донишманд, гапга чечан киши билан муомала қилганда мусобақалашмасдан унга тан бераб, сухбатдан чикқан маъқул.
10. Давраларда ўз ҳатти-харакатини улфатлар кайфиятига мувофиқлаштириш шарт.

11. Ёр-биродарларга қўлдан келганча ёрдам бериш керак, негаки бир кун келиб сизнинг ҳам уларга ишингиз тушиши мумкин.
12. Бирорларга кўп ҳам яхшилик қиласвермаган маъқул, негаки камдан-кам одам яхшиликни қадрига етади.
13. Сиз бирорларга эмас, улар сизга қарам бўлгани афзал.
14. Чин дўст ўз дўстларидан ёрдамини аямайди.
15. Одам ўзининг энг яхши фазилатларини рўкач қилганда қадр топади.
16. Агар даврада айтилаётган асқияни илгари эшитган бўлсангиз, хикояни тўхтатиб қўйишингиз керак.
17. Агар даврада айтилаётган асқияни илгари эшитган бўлсангиз, одоб юзасидан қўшилиб кулишингиз керак.
18. Агар дўстингиз таклифидан кинони афзал кўрган бўлсангиз, асл сабабини айтиб дўстингизни дилини оғритмаслигингиз, бош оғриги ёки бошқа бир баҳона топишингиз керак.
19. Асл дўст яқин кишиларини уларнинг раъий бўлмаган ҳолларда ҳам ўз измига солади.
20. Одам ўз маслакларини ўжарлик ва тихирлик билан билдирилган ҳар киши фикридан ҳимоя қиласвериш шарт эмас.

Тест натижалари таҳлили:

- 85 баллдан 100 баллгача** - Сизнинг одамларга ёқиш даражангиз аълодир.
- 75 баллдан 80 баллгача** - Сиз одамларга ёқасиз ва улар Сизга яхши муносабатда бўладилар.
- 65 баллдан 70 баллгача** - Сизнинг бошқаларга ёқиш-ёқмаслигингиз ўрта даражада.
- 0 баллдан 60 баллгача** - Одамлар Сизни ёмон даражада қабул қиласидилар, яъни ёқтирамайдилар.

Кимки кучли газабдан ўзини тутса, у унча-мунча ақли.

Плавт.

13 - тест. «Ҳиссиётларга берилувчанмисиз?» тести.

Инсондаги ҳаётий муаммолар мавжудлиги албатта кузатилади. Бу борада эса унинг ҳиссий турғунлиги, ўзини назорат қила олиши сифатлари бўлиши мухимдир. Лекин афсуски, ҳиссиётга берилиш натижасида бошланган иш охирига етмаслиги, турмуш ўртоқлар орасига совукчилик тушиши, оиладаги кишилар бир-бирларини

тушунмасдан қолишилари каби ҳолаттар қузатилади. Шунинг учун биз сиздаги ҳиссиётта берилувчанликни аниқлаб олишингизни маслаҳат берамиз. Куйида келтирилган 6 гурух жавоблардан ўз характеристингизга мос келадиганларини тагига чизинг.

1. а) Ишда, аёллар (эркаклар) билан ўзаро муносабатларда, спорт ёки бошқа ўйинларда рақиблардан қўрқмай, дангал ҳаракат қиласиз.

б) Мабодо, ўйинда бир неча баллни йўқотсангиз ёки аёл (эркак) сизнинг унга алоҳида эътиборингизни фаҳмламаса - сиз мағлубиятингизни тан олиб, «ўйиндан чиқасиз».

в) Сиз ҳар қандай бўлмасин ўзаро адоват, қарама- қарши туришдан қочасиз.

2. а) Сиз шуҳратни яхши кўрасиз ва кўп нарсаларга эришишни хоҳлайсиз.

б) Сиз бамайлихотир «осмондан чалпак ёғилиши»ни кутиб ўтираверасиз.

в) Ишдан чап бериш учун баҳона қидирасиз.

3. а) Сиз тез ишлашни ёқтирасиз ва кўпинча ишни тезрок бажариб қўйишга ошиқасиз.

б) Кимdir сизга туртки бўлишига умид bogлаб юрасиз.

в) Кечкурун ўйингизга келгандан кейин кундузи ишда нималар бўлганини ўйлайсиз.

4. а) Сиз тез гапирасиз ва баланд овозда сўзлашасиз. Ўзаро мулоқотларда ҳаддан зиёд чўрт кесиб, бирорларнинг гапини бўласиз.

б) Сизга «йўқ» деб жавоб беришганда, ўзингизни бамайлихотир тутасиз.

в) Ўз ҳиссиётларингиз ва хавотирингизни босиб туришга қийинчилик билан эришасиз.

5. а) Кўпинча зерикib қоласиз.

б) Ҳеч нарса қилмай ўтиришни ёқтирасиз.

в) Сиз ўз хохиш- иродангиз билан эмас, бошқалар фикрига қараб иш қиласиз.

6. а) Сиз тез юриб, тез овқатланиб, тез ичасиз.

б) Бирон нарсани қилиш ёдингиздан кўтарилиса - бу сизни ташвишлантирмайди.

в) Сиз ўз ҳиссиётларингизни жиловлаб турасиз.

Тест натижаларини баҳолаш:

«а»- 6- балл, «б»- 4 балл, «в» -2 балл.

Тест натижалари таҳлили:

24 - 36 балл- Сиз ҳиссиётларга ўта берилувчан экансиз, сизда ҳиссиёт таъсирида пайдо бўладиган юрак хасталиги, яра ва ичак касаллиги аломатлари зохир бўлиши мумкин. Афтидан, сиз билан чиқишиб кетиш қийин бўлса керак. Ҳозир сиз учун энг муҳими - ўзингизни босиб, тинчланишни ўрганиш. Бу энг аввало ўзингизга, хотинингиз (эрингиз)га, болаларингизга керак.

18 - 24 балл- Сиз жуда майин, ҳиссиётлардан холи одамсиз. Агар 18 баллдан кўп балл тўпламаган бўлсангиз - атрофдагиларга нисбатан сабр-тоқатли бўлишни тавсия этамиш. Бу сизга янаям кўпроқ муваффақиятларни таъминлайди.

12 - 18 балл- Сизнинг фаолиятсизлигингиз ҳам ҳиссиётларга сабаб бўлиши мумкин. Бу билан сиз яқинларингизнинг ғашига тегаётган бўлишингиз керак. Ўз имкониятларингизга кўпроқ ишонаверинг! Ўзингизни ижобий фазилатларингизни бирма-бир ёзиб, уларнинг рўйҳатини тузинг ва шу фазилатларингизни такомиллаштириб боринг.

*Кимгадир баҳтли кўринган эмас, балки
ўзини баҳтли сезган одам баҳтидири.*

Публилий Сир.

14- тест. «Сиз баҳтлимисиз?» тести.

(эркаклар учун тест)

Шарқ оиласида эркакнинг ўрни алоҳида, яъни хонадон ҳокими саналади. Аммо бундан фойдаланиб ўз ҳузур ҳаловатини кўзловчи эркаклар ҳам йўқ эмас. Сиз ўзингизни оиласда қандай тутасиз? Оиласизни ҳузур ҳаловати сизни қизиқтирадими? Мана бу саволларга эътибор беринг.

| | Саволлар | ҳа | баъзан | йўқ |
|---|---|----|--------|-----|
| 1 | Ўз ҳаётингизни қайтадан куриб чиқсангиз умрингизни бошқатдан бошлишни ҳоҳлармидингиз? | 10 | 5 | 2 |
| 2 | Хотинингизни кийинишда диди паст деб ўйлайсизми? | 8 | 2 | 4 |
| 3 | Жаҳлингиз чиқса оила аъзоларингизга бакириб ҳовурингиздан чиқасизми? | 7 | 3 | 5 |

| | | | | |
|---|---|----|---|----|
| 4 | Кечқуунлари ҳар доим уйда бўласизми? | 2 | 5 | 10 |
| 5 | Турмуш ўртоғингиз ёқтирган нарсалар (гул, кийим, китоб)дан огоҳмисиз? | 4 | 9 | 10 |
| 6 | Бўйдоклик йилларингизни тез-тез хотирлаб турасизми? | 12 | 5 | 6 |
| 7 | Турмуш ўртоғингиз билан сайл (кино, театр)га тез-тез тушиб турасизми? | 7 | 5 | 4 |
| 8 | Ўз турмуш ўртоғингизни бошқа аёллар билан такқослаш сизга ёқадими? | 9 | 2 | 1 |
| 9 | Меҳмонга турмуш ўртоғингиз билан бирга боришини истайсизми? | 8 | 2 | 3 |

Тест натижалари таҳлили:

69 ва ундан кўп балл - сиз ўз оиласизда унчалик баҳтли эмассиз. Бунинг кўп сабаблари сизнинг хулқингиз билан боғлик. Эндиғи вазифа: оила аъзоларингизга айниқса турмуш ўртоғингизга дикқат-эътиборингизни кучайтиринг, уни шахе сифатида қадрланг, шунда сиз ҳам иззат қўрасиз. Балким турмуш ўртоғингизга бўлган совуқ муомалангиз унинг сизга бўлган бепарволигидир. У ҳолда турмуш ўртоғингиз билан жиддий гаплашиб олинг. Бир-бирларингизни тушунишга ҳаракат қилинг. Жиддий сухбатни кечи бўлмайди.

40-68 балл - сиз ўз оиласиздан розисиз. Оиладаги шарт-шароит сизни қониқтиради. Шунга қарамасдан баъзан ёшлик хотиралари ҳаёлингизни олиб қочади, аммо бу ҳаёлпараст эканлигингиздан далолат беради ва бунинг оиласага даҳли йўқ. Оиласизда ҳаловат сизга етади.

Здан кам балл - баъзида оиласиз билан хархаша қилиб турасиз. Оилада нималар бўлмайди, ахир сиз баҳтлисиз.

Ҳаёт ўз ҳолича ҳеч нарсани англатмайди.

Ҳаётнинг қиммати унда қандай яшай билши билан боғлик

Жан Жак Руссо.

15 - тест. «Ҳаётга муносабатни аниклаш» тести.

Ушбу ҳазил тест ёрдамида умуман унчалик ҳазил бўлмаган нарсани - яъни йигит ва қизларни ҳаётга бўлган муносабатларининг реаллик даражасини аниклаш мумкин. Куйидаги саволларга тақлиф этилган «ҳа» ёки «йўқ» жавобларидан бирини танлаб жавоб беринг. Бунда «ҳа» учун 5 балл, «йўқ» учун 0 балл қўйилади.

| № | Изоҳлар |
|----|--|
| 1 | Газетани қўлингизга олганингиздан сўнг ундан бирор нимани ўкишни бошлашдан олдин унга қараб чиқасизми? |
| 2 | Жаҳлингиз чиққан вақтларда одатдагидан кўпроқ овқат ейсизми? |
| 3 | Овқатланаётган вақтингизда ўз ишларингиз ҳақида ўйлайсизми? |
| 4 | Қарама-қарши жинс вакиллари бўлган танишларингизнинг хатларини сақлайсизми? |
| 5 | Сизни психология қизиқтирадими? |
| 6 | Сиз катта тезлиқда юришдан (транспорт воситасини катта тезлиқда ҳайдашдан) қўрқасизми? |
| 7 | Ўлим ҳақидаги фикрлардан қочасизми? |
| 8 | Уйқуга кетишдан олдин ётиб ҳаёл сурини ёқтирасизми? |
| 9 | Саккиз соатли уйқудан кейин ҳам ўта чарчаш ҳолатини ҳис қиласизми? |
| 10 | Ишқ-муҳаббатга оид романларни ўқийсизми? |
| 11 | Ўзингизнинг шахсий қийинчиликларингизни бошқалар билан баҳам қўрасизми? |
| 12 | Ёлғизликдан қочасизми? |
| 13 | Кўнгилсизлик, нохушликлар туфайли касал бўлиб қолган ҳолларингиз бўлиб турадими? |
| 14 | Сизга ўйга толиб қолиб, зарур бекатдан ўтиб кетган ҳолларингиз бўлганми? |
| 15 | Сизда бошқа шаҳарда яшаш истаги юзага келганми? |
| 16 | Сиз инсон характерини наслий хислат деб ҳисоблайсизми? |
| 17 | Агар репертуарда (айниқса) севги ҳақидаги фильмлар бўлса, сиз кинога тез-тез борасизми? |

Тест натижалари таҳлили:

75-85 балл - Калласини кумга яшириб, атроф борлиқдан ўзини яширган түяқушдек сиз ҳам ўзингизни борлиқдан яшириб юрасиз. Сизга гоҳи-гоҳида бўлса-да, вокеликка тик қарашиб ҳалақит қилмайди. Бу сизга яхшироқ ориентация қилиш ва турли кўнгилсизликлардан ўзингизни нисбатан муваффакиятлироқ ҳимоя қилишга ёрдам беради.

55- 75 балл. Сизнинг орзуларингиз ҳамма вақт ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига мос келавермайди. Бу албатта, сизга ҳалақит

килади, бироқ бунга ҳаддан ташқари ортиқча эътибор ва руҳий кувват ажратаверманг. Барча қийинчиликлар ва ҳаёт ташвишларининг (сизнинг нуқтаи-назарингиздаги) мутлақ ечимини қидиришнинг хожати йўқ. Шуни ёдда тутингки, «юлдузлар, улар кўринмаган вақтларда ҳам порлаб нур сочаверади».

30-50 балл. Сиз орзуласингиз ва реал воқелик ўртасидаги мувозанат ўрната олгансиз. Ўзингизга хос бўлган ҳаёлпарастлик ва мавжуд реал имкониятлар ўртасида бундан бу ёғига ҳам мувозанатни янада такомиллаштириб боришга ҳаракат қилинг. Бу сизга ҳаёлпарастлик ва умуман ҳеч нимага интилмасликдан кутулишга ёрдам беради.

5-25 балл. Сиз ҳаддан ташқари ерга яқинлашган, орзу, ҳаёлларга берилмайдиган, прагматиксиз. Сизга бироз романтироқ ва ҳаёлпарастроқ бўлишлик халақит қилмайди. Ҳаёт албатта жиддий нарса, лекин баъзан юмор ҳисси ҳам айрим тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

«Аёлларингиз билан яхши яшанг, агар улардаги баъзи бир нарсани ёмон кўрган бўлсангиз, шоядки, ўша ёмон кўрган нарсангизнинг ортидан Оллоҳ сизга яхшиликни яратиб беради».
Куръони Каримнинг «Нисо» сураси.

16-тест. «Аёллар руҳияти учун» тест.

Одатда оиласидаги иқлимини кўпинча аёллар кўрсатиб беради, десак, бу айни ҳақиқатдир. Хатто оиласинг психологик барометри, яъни иқлим кўрсаткичи айни аёлларнинг ўзгинасидир десак янгишмаймиз. Аёллар психологиясининг ўзига хос қирралари мавжудки, буни аниқлаш учун эса ушбу **«Сиз идеал рафиқами исиз?»** тестидан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

- I. Эр-хотин ўзларининг 10 йиллик никоҳ тўйларини икки кишига мўлжалланган оддийгина кечки овқат билан нишонладилар. Кутимаганда аёл ўрнидан туриб бир ўзи боққа чиқиб кетди. Нима учун бундай қилди, деб ўйлайсиз?
- Эрининг 10 йил аввал хафа қилгани эсига тушиб кетди.
 - Боғда турган боласини чақираётганини эшишиб қолди.
 - У турмуш ўртоги билан гуллар ва дараҳтлар орасида бўлишини хоҳлаб қолди.

II. Сиз кўчада эрингиз билан келаяпсиз, у эса ўзига жалб қилувчи нотаниш аёлга назар ташламоқда. Бунда ўзингизни муносабатингизни қандай билдирасиз?

- а) Дарҳол жанжал чиқарасиз.
- б) Ундан кўп вақтгача хафа бўласиз.
- в) Уни хулқига аҳамият бермай диққатини билдиrmай бошқа томонга қаратасиз.

III. Эрингиз дўстларига кўпроқ нималар ҳакида сўзлайди, деб ўйлайсиз.

- а) Эротик мазмунга эга уятли латифалар.
- б) Ўзининг тарихи ва бошқалардан эшигтан нозик, ўткир зеҳнли воқеалар.
- в) Сиз ва дугоналарингизнинг хулқ-авторига тааллуқли танқидий фикрлар.

IV. Тасаввур қилинг, эрингиз барча таомларни сиз ёқтирамайдиган саримсоқни кўшиб истеъмол қилишни хуш кўради. Бунда ўзингизни қандай тутасиз?

- а) Унинг ўрнига ўткир ҳиди бўлмаган бошқа нарсалардан фойдаланишга рози бўлиши учун ҳаракат қиласиз.
- б) Саримсоқ ҳидига мослашишга ҳаракат қиласиз.
- в) Овқатни навбатма-навбат, бир сафар саримсоқли, бир сафар саримсоқсиз тайёрлайсиз.

V. Суратда ҳозиргина урушиб қолган эр-хотин тасвиранган. Уларнинг жанжалларига нима сабаб бўлган?

- а) Хотин эрини хиёнат қилганликда гумонсираяпти.
- б) Эр-хотинга қаттиқ гапирган.
- в) Хотин эрининг болаларга кўпроқ қизиқиши ва уларга нисбатан чидамироқ бўлишини хоҳлади.

VI. Агарда меҳрибон сеҳргар эрингизни характерини ўзгартириб беришга ваъда берса, сиз унинг характерини неча фоизга ўзгартиришни хоҳлар эдингиз?

- а) 15% га.
- б) 50% га.
- в) 75% га.

VII. Бу уйланган эркакнинг фотосурати. Уни таърифлаш учун қайси изоҳ кўпроқ тўғри келади



- а) У оиласи билан қизиқади ва уй ишларини яхши бажаради.
 б) Қызыққон характерли эркак.
 в) Бу эркак ўз хотинини жуда ёқтиради ва у билан доим ёқимли муносабатда.

Тест натижаларини баҳолаш:

| <i>Саволлар</i> | I | II | III | IV | V | VI | VII |
|-----------------|---|----|-----|----|---|----|-----|
| а | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 | 5 | 5 |
| б | 3 | 2 | 5 | 2 | 1 | 0 | 3 |
| в | 5 | 5 | 0 | 5 | 3 | 5 | 1 |

Тест натижалари таҳлили:

35-21 балл. Сиз идеал рафиқасиз. Сиз ўз никоҳингиздан қониқасиз. Сиз ўз турмуш ўртоғингизга нисбатан ижобий ҳиссиётга эгасиз ва бу ҳиссиётни турмуш ўртоғингиз, никоҳингиз билан боғлик барча нарсага ўтказасиз. Сиз сабр-тоқатли, ғамхўр, замонавий ва очик кўнгилсиз. Турмуш ўртоғингизни камчиликларини тушуна оласиз ва бу камчиликларни сабр - тоқат билан қабул қиласиз. Уйдаги муаммолар билан чин кўнгилдан қизиқасиз, рашк сизда йўқ ва никоҳда хафагарчилик мавжуд эмас.

21-8 балл. Сиз кутган натижа рўёбга чиқди. Икки кишилик ҳаётни сиз икки инсонни учрашуви ва улар ўз уйлари учун бир хилда ишлаб, ҳаётий муаммоларни биргаликда ҳал қилиши, деб тушунасиз. Сиз ўз турмуш ўртоғингизни рицар бўлишини хоҳлайсиз. Агар, у бундай сифатларга эга бўлмаса, у ҳолда сизда ички норозилик сезилади. Лекин бу нарсалар сизни оилани ташкиллаш ва бошқаришингизда ҳалақит бермайди. Сизни яхши хотин, дейиш мумкин, лекин идеал эмас.

7-0 балл. Сиз ўз рафиқалик вазифангиздан норозисиз. Никоҳингизга рози эмас эдингизми? Шу нарса аниқки, сиз ўтган замондаги момоларимиз никоҳидек эрининг барча камчиликларига табассум билан қарашга қаршиносиз. Ўз турмуш ўртоғингизга бўлган муносабатингиз танқид ва гумонсирашдан иборат. Сиз кичик-кичик жазолар орқали ўз ғояларингизга бўйсунишга ҳаракат қиласиз. Бу эса кераксиз келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Сиз майдагапсиз, кўркув ва хавфсирашга тўласиз. Идеал бўлишингиз учун сизга ҳали узоқ, лекин ўзгаришга ҳаракат қилиб кўринг. Эсингиздан чиқарманг! Киши бирор нарсага эришишни астойдил мақсад қилиб қўйса,

албатта яхши натижаларга эришади. Ҳали ҳам кеч эмас. Идеал рафиқа даражасига күтарилишингиз мумкин.

*Аёл оқила-ю, эр шибилармон
бўлса қундан-кунга обод хонадон.*

Х.Деҳлавий

17 - тест. «Сиз қандай аёлсиз?» тести.

Қайси қиз ўзини ойнага солиб, ҳусну жамоли ҳақида ўйга толмаган? Қайси аёл ўзини ҳамманинг орасидан гўзал сифатида эътироф этилишини ўйламаган? Сиз ўзингизни латофатли, зебо маҳбуба деб биласизми? Ўзингизнинг қандай аёл эканлигингиз билан қизиқаётган бўлсангиз, олмонларнинг «Аёллар учун журнал»ида чоп этилган қуидаги тест саволлари ана шу каби шубҳаю-гумонларга чек кўйиши мумкин.

1. Ҳаёл суришни ёқтирасизми ?

-тез-тез - 0, баъзан - 2, ҳеч қачон - 5.

2. Ҳар куни ойна олдида қанча вақт турасиз?

- бир неча соат - 0, бир соатга яқин - 1, бир неча минут - 3, ҳеч қанча - 5, билмайман - 4.

3. Сиз қандай кийимни ёқтирасиз ?

- ҳеч ким киймаганини - 0, оддийсини - 3, арzonини - 2, чиройлигини - 1, қулайини - 4, спортча бичимлигини - 5.

4. Тез-тез йиглаб турасизми ?

- ҳа -0, баъзан - 2, айрим вазиятларда - 3, ҳеч қачон -5.

5. Нима чекасиз ?

- чекмайман -0, кучсиз сигареталар -1, кучли сигареталар -3, сигара - 4, трубка -

6. Коинасизми ?

-ҳа -5, баъзан -3, ҳеч қачон -0.

7. Спортнинг қайси тури билан шуғулланасиз ?

-ҳеч қайсиси билан - 1, парҳездаман - 0, жисмоний машқ қилиб тураман - 2, сузиб тураман - 3, енгил атлетика билан - 4, копток ўйнайман - 5.

8. Спортнинг қайси турини томоша қилишни ёқтирасиз ?

- ҳеч қандай - 0, гимнастика, сузиш, енгил атлетика - 2, копток билан боғлик ўйинларни - 3, оғир атлетика - 4, автомусобақаларни - 5.

Тест натижалари таҳлили:

- 0 - 6 балл.**- Сиз қадимги дунё хонимлари каби дилбарсиз.
- 7 - 14 балл** -. Сиз ҳозирги алғов - далғовли замонда ҳам аёллик латофатини йўқотмаагансиз.
- 15 - 24 балл.**- Ҳар жиҳатдан эркаклардан қолишимасликка интиласиз.
- 25 - 34 балл.**- Сиз эркаклардаги барча бемаъни қилиқни ҳам ўзлаштириб олиш билан ўзингизни замонавий аёлман деб ўйлайсиз.
- 35 - 40 балл.**- Сизда ўзингизнинг кимлигингизни очиқ - ойдин айтиб берганингиздан бошқа аёллик хислатлари кўринмайди.

Барчага илтифотли бўлу, аммо тақаллуғсизлик қилма.

В.Шекспир.

18 - тест. «Багрикенглик қила оласизми?» тести.

(аёллар учун тест)

Оилавий муносабатларда бағри кенглиқ, яъни ҳадеб ҳамма нарсага эътибор беравермаслик, ҳар нарсани ўзига яқин олмасликни билиб олиш учун биз ўзимизни қандай эканлигимизни тест ёрдамида синааб олишимиз мумкин. Бу борада ушбу тест сизларга қўл келади, деб ўйлаймиз.

Ҳозир дўконда энг тифиз пайт-одам жуда кўп бўлишини билсангиз ҳам ҳаридга чиқасизми?

- А) бошқа пайтда вақтим бўлмайди (3 балл).
- Б) зарур бўлиб қолса (1 балл).
- В) ҳеч қачон (2 балл).
2. Ёқтирган кўрсатувингизни кўришга ўзингизни мажбур қиласизми?
- А) камдан - кам (1 балл).
- Б) ўзимга боғлиқ бўлиб қолса, ҳеч қачон (2 балл).
- В) кўриб боришга ҳаракат қиласман (3 балл).
3. Сизга муҳаббат изҳор қилиб юрган эркакнинг бошқа маъшуқаси борлигидан ҳабар топдингиз, дейлик. Унга ўз хатосини тушуниб етиб, англаб олишига имкон берасизми?
- А) ўзимни алдашларига йўл қўймайман (2 балл).
- Б) у чиройли эркак бўлса имкон бераман (3 балл).
- В) олдиндан жиддий гаплашиб оламан (1 балл).

4. Дугоналарингиз мөхмөндорчилликка чақиришган, лекин боргингиз келмаяпти, нима қиласиз?

А) ишонарли баҳона топиб бормай қўя қоламан (2 балл).

Б) бу таклиф гўёки эсимдан чиқиб қолади (1 балл).

В) боришига тўғри келади (3 балл).

5. Ёз, қўёш-денгиз-Сиз шунаقا меҳнат таътилини орзу қиласизми?

А) мен салқинни ёқтираман (1 балл).

Б) менга қаерда бўлишидан қатъий назар бекорчилик қилиб ётиш

мароқлироқ кўринади (3 балл).

В) ким ҳам бунаقا таътилни орзу қилмайди дейсиз (2 балл).

6. Сиз бирорвга совға бердингиз-у, эвазига миннатдорчиллик билдирамди, қандай йўл тутасиз?

А) бу яхши эмас (1 балл).

Б) бу одамга энди ҳеч нарса совға қилмайман (2 балл).

В) ҳамма ҳам яхши тарбия кўрмаган (3 балл).

7. Сизни ғийбат килган дугонангиз билан муносабатларингизни аниқлаб олаяпсиз. Унга нима дейсиз?

А) деярли ҳеч нарса (3 балл).

Б) мени сендек дугонам йўқ, - дейман (2 балл).

В) мени хафа қилганини, лекин яна кечирганимни айтаман (1 балл).

Тест иттижалари таҳлили:

7-11 балл - Кимдандир хафа бўлсангиз, гина-қудратлар босилгунга қадар ундан ўзингизни четта тортасиз. У билан орани бутунлай очик килишни эса ҳеч ҳам хоҳламайсиз.

12-16 балл - Ҳаммаси ўзингизни қай даражада алданган ёки хафа килингандек деб ҳисоблашингизга боғлик. Ҳар-хил майда-чўйда гапларга эътибор бермай, бағрикенглик қиласиз. Лекин жиддий гап бўлса, Сизни “эртиш” ғоят мушкул.

17-21 балл. - Хатти-ҳаракатларингизда мунтазамлик йўқлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Таниш-билишларингиз шундан фойдаланишга интиладилар. Лекин сиз бундан ташвишга тушмайсиз. Аммо ёдингизда тутинг, ҳар гал ён берадиган, “чегара”дан ўтиб кетганларга ҳам мулойим муносабатда бўладиганларни ён-атрофдагилар енгилтак деб билишлари мумкин.

Аёл киши ҳар қандай шароитда ҳам аёл эканлигини унутмаслиги даркор. Буюк олмон адаби Ханси таъкидлаганидек, «*Менга яхши оналарни беринг ва мен олами бахтиёр қиласман*». Шунинг учун оиладаги тотувлик ва бахт аёл қўлида эканлигини унутманг.

Сўз - шамол, ҳақоратли сўз эса елвизак каби зараплидир.

B.Шекспир.

19 - тест. «Эрингизга танбех берманг..» тести.

Кўхна Шарқ қайта уйгонди. Оила деган илохий тушунчани қайта кашф этаяпти у. Асл қадриятларимизга қайтиш вақти келди. Бизда аёл қадимдан буюк саналган, оила тушунчасини хис этишда ҳам ундан ўтадигани йўқ. Айтадилар-ку, «Яхши бека - уйнинг гулистони» деб ...

Берилган саволларга уч хил («Ҳа», «Баъзан», «Йўқ») жавоб беришиниз мумкин. Ҳамма саволга жавоб бериб бўлгач, тўплаган балларингизни хисоблаб чиқасиз.

| № | Саволлар | Ҳа | Баъзан | Йўқ |
|---|---|----|--------|-----|
| 1 | Ҳаёлан ҳар хил шубҳаларга борсангизда, эрингизни ўзингизга энг керакли инсон деб биласизми? | 10 | 5 | 2 |
| 2 | Эрингизнинг касби, ишга бўлган муносабати сизни қизиқтирадими? | 4 | 5 | 8 |
| 3 | Болаларингизга бўлган муҳаббат эрингизга бўлган севгидан кучлими ? | 8 | 2 | 3 |
| 4 | Бирор хил ширинлик кайфиятингизни буткул ўзгартира оладими ? | 10 | 3 | 4 |
| 5 | Яқин дугоналарингизнинг эрларини ўзингизницидан яхши деб ҳисоблайсизми ? | 6 | 0 | 1 |
| 6 | Уйда, тунги кийимда гоҳо ўзингизни кўз - кўз қилишни ёқтирасизми ? | 9 | 7 | 2 |
| 7 | Эрингизнинг ишдан ташқари бўлган севимли машғулоти сизни ранжитадими ? | 8 | 5 | 2 |
| 8 | Ютуклари-чи, сизни қувонтирадими ? | 3 | 2 | 10 |
| 9 | Оилани давлат ишидан зарурроқ деб ўйлайсизми ? | 10 | 0 | 1 |

Тест натижалари таҳлили:

68 ва ундан ортиқ баллар : Йең сейлайсизки; оилангиз омадсиз курилган. Бунда сиз фақат эрингизни айблайсиз, ўз хатоларингизни тан олмайсиз. Эрингиз томонидан берилган танбек ва насиҳатларни мушоҳада этиб кўрганинг балки фойдалироқдир. Уларга амал қиласангиз, оилангизнинг баҳти тикланиб, ўзаро келишмовчилик ва низолар йўқолар.

40-67 балл - Сиз энг намунавий оила бўлмаслигини яхши биласиз. Ҳар бир оилада ҳам камчиликлар бўлади деган фикрдасиз. Шу учун ҳам эрингизнинг камчиликларига «панжা» орасидан қарайсиз ва уларни шундайлигича қабул қиласиз. Гоҳо ўзингизни баҳтсиз ҳисоблайсиз. Ёдингизда бўлсин, оила сабр-тоқатни, муросасозлик ва ҳамкорликни талаб этади. Балки сиз унчалик баҳтсиз эмасдирсиз.

39 баллдан кам - Оилангизнинг ҳавоси мўътадил, умуман, ҳаммаси жойида. Сиз яхши уй бекаси. Тушунган эркак учун бундан ортиғи керак эмас.

*Никоҳ кўп ташвиши тугдиради, аммо
никоҳсиз турмушида ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ.*

С.Жонсон.

20 - тест. «Турмушга чиқишга тайёрмисиз?» тести.

(қизлар учун тест)

Ёшларнинг оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда яхши яшаб кетишилари кўп жиҳатдан уларнинг оилавий ҳаётга жисмоний, маънавий, иқтисодий, ижтимоий, психологик тайёргарлик ҳолатларига ҳам боғлик. Ўзингизни бу жиҳатлардан ўрганиб олмокчи бўлсангиз, ушбу тест бу саволларини дикқат билан ўқиб чиқиб, уларга берилган жавоблардан ўзингизга маъқуллени танланг ва ўзингизни билиб олинг.

1. Турмуш қурганингиздан кейин ўз касбингизни сақлаб қоласизми?
 - а) 1-фарзанд туғилгач, ишга қайтаман;
 - б) бунга астойдил ҳаракат қиласман;
 - в) йўқ, менинг ишим қониктирмайди.
2. Фарзанд кўришни хоҳлайсизми?
 - а) энг ками 2 та;
 - б) йўқ;
 - в) турмуш ўртогим хоҳлагани учун.

3. Давраларда турмуш ўртогингиз бошқа аёл билан қизикаётганини сезиб қолсангиз нима қилар эдингиз?
- а) бошқа кишига ёқишига ҳаракат қиламан;
 - б) жанжал чиқараман;
 - в) бу қилиғи мени ажаблантиради, лекин мен сөздирмасликка ҳаракат қиламан.
4. Сиз рашкчимисиз?
- а) ха;
 - б) унчалик эмас;
 - в) ўз турмуш ўртогимга ишонаман деб ўйлайман.
5. Жанжаллашиб қолганда ким паст келади?
- а) мән;
 - б) у;
 - в) бир марта у бир марта мен.
6. Сиз ширин таомлар пиширишни яхши биласизми?
- а) бундай бўлиш учун ўқиб олиш керак;
 - б) фақат бир неча таомларнигина;
 - в) пиширишни жуда-жуда севаман.
7. Бўлажак турмуш ўртогингиздан яширадиган сирларингиз борми?
- а) йўқ;
 - б) баъзан;
 - в) баъзи бир нарсалар борки, мен улар ҳакида айтишга уяламан.
8. Сизнинг турмуш ўртогингиз футбол ишқибози бўлса-чи?
- а) бу қизиқишни йўқотишга ҳаракат қиламан;
 - б) у томошага кетганида мен ўз севган машғулотим билан шуғулланаман;
 - в) ўзим ҳам ишқибоз бўлиб оламан.
9. Ота - онагиз никоҳи қандай?
- а) чидаса бўладиган;
 - б) аъло даражада;
 - в) ажрашишган.
10. Сизнингча турмуш ўртогингиз ишга ўнгифб кетиши мумкинми?
- а) ха;
 - б) унинг ишлари билан қизиқмайман;
 - в) мансаб ҳаётда унча керак эмас.
11. «Мода» деган тушунча сизларда ҳар хил қараашлар бўлса, сиз нима қилган бўлардингиз?
- а) ён берар эдим;
 - б) рози бўлардим;

- в) қарашларини ўзгартиришга ҳаракат қиласадим.
12. «Синаш никоҳлари»га муносабатингиз қандай?
- рози бўлмас эдим;
 - бир-бирларини янада яқинроқ ўрганиш деб тушунаман;
 - бу ҳақда бирон нима дея олмайман.
13. Сизнингча аёл киши турмуш куришдан олдин бошқа эркаклар билан учрашиб юрган бўлса, яхшими ёки ёмонми?
- менимча бу керак;
 - йўқ;
 - вазиятга қараб.
14. Турмуш ўртоғингиз бошқа аёл билан учрашаётганини билиб (сезиб) колсангиз, кечирап эдингизми?
- ха;
 - йўқ;
 - вазиятга қараб.

Тест натижаларини баҳолаш:

| Савол жавоб | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
|----------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|
| а | 2 | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 |
| б | 3 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 |
| в | 1 | 2 | 3 | 3 | 3 | 3 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 | 3 | 3 |

Тест натижалари таҳлили:

14-23 балл - Балким вақт ўтиши билан сиз ҳаётга бўлган нуқтаиназарингизни, дунёқарашинингизни ўзгартирасиз. Ҳозирча сизларнинг ораларингизда низолар бўлиб туради, чунки сиз ўзингизни бўлажак турмуш ўртоғингизга ўргана олмайсиз. Асосан сабр тоқатли бўлинг, келгусида ўз турмуш ўртоғингизга ён беришга одатланишга ҳаракат қилинг.

24-32 балл - Сиз учун турмушга чиқиш бироз эртароқдир. Бу борада бироз етилишингиз лозим. Балки бу борадаги, яъни ўзингизнинг турмушга тайёргарлигингиз борасидаги иккиланишингиз бежиз эмас. Умуман никоҳ ҳар доим ҳам ажралиш эмас. Сиз турмуш ўртоғингизни тушунасиз. Балки ҳаётда сизга ҳаётий тажриба, ўз кучингизга ишонч етишмаётгандир. Агар ўз хатти - ҳаракатларингизни назорат қилиб борсангиз, сиздан яхши турмуш ўртоқ чиқишга имкониятингиз бор. Кўпроқ ўқинг, бу билимлар кўпроқ сизга куч кўшади, ўзингизни касб-хунарга йўналтиринг - бу сизнинг мустақил бўлишингизга ёрдам беради.

33-47 балл - Сизга «ха» деган одам баҳтлидир. Сизнинг никоҳингизда кора булутлар пайдо бўлмайди (Сизнинг иштирокингизда, яъни сиз туфайли эмас, албатт). Лекин бу сизнинг

қизиқишиларингиздан воз кечишингизни англатмайди. Сиз жуда ақлли, фаросатли одамсиз. Бу фазилатларингиз турмуш ўртогингизнинг шахсий қизиқишиларига ёрдам беради. Шунинг билан биргаликда Сиз ўз мустақиллигингига эришасиз.

21 - тест. “Ўзингизни биласизми?” тести

Тасдиқлардан қай бири сизга мос келишига қараб “Ҳа”, “Йўқ” ёки “Билмайман” деб жавоб беринг.

1. Мен ўзимдан мутлақо курсандман.
2. Баъзан мени воқеа-ходисаларга тегишли қарама-қарши фикр ва ҳис-туйғулар асабийлаштиради ёки нотинчлик келтиради.
3. Мен мустақил ва эркин одам бўлган давримни аниқ айта оламан.
4. Турли вазиятларда ўзимни мутлақо бошқача тутишимни хаёлан тасаввур қилишни ёқтираман.
5. Майда камчиликлардан ташқари менинг ҳеч қандай айбим йўқ.
6. Баъзан ўзим нима хоҳлаётганимни ўзим ҳам билмайман.
7. Ўз жисмимни жуда яхши биламан ва майда бетобликлар ички зиддиятларим ёки руҳий иккиланишлардан келиб чиққанини тушунаман.
8. Ҳеч қачон идеал шаҳе даражасига ета олмайман, деб қўрқаман.
9. Муаммо қарама-қарши фикр ёки ҳиссиётларга бўлса ҳам, мен жаҳл қилиш ўрнига ўз-ўзим билан ички мулоқотда бўла оламан.
10. Маълум вазиятларда ўзим хоҳлагандан кўра, бошқачароқ ҳаракат қиласман.
11. Мен чукур эътиқод қиласиган нарсалар, ҳозиргидан кўра кўпроқ эъзозлайдиган қадриятлар мавжуд.
12. Доим шошиламан, менга вақт етишмайди ва бир кишининг кучи етмайдиган вазифаларга киришаман.
13. Қийин вазиятларда ўзимни химоя қила оламан, агар имконият бўлса, дам олишга ҳам улгураман.
14. Дунё шунчалар ўзгариб кетдики, яхшилик ва ёмонлик нисбий тушунчалардир деб ҳисоблайман.
15. Менга нисбатан одамларнинг танқидий фикрларини эшита туриб, уларни маъкуллайман, аслида эса бунга қўшилмайман.

“Ҳа” ва “Йўқ” жавоблари учун 10 баллдан, “билмайман” жавобларига 5 баллдан берилади.

Натижалар талқини:

100-150 балл. Жавобларингиз ўзингиздан розилигингизни эмас, балки ўзингизни англашингиз ва ишонишингиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Сиз қийин вазиятлардан чиқиш қобилиятига эгасиз. Бу шахсий феъл-авторингиз одамлар билан муносабатларингизга тааллукли. Ҳатто одамлар сизни айблашганда ҳам ўзингиз учун куч манбаи ва таянч бўла оласиз.

50-99 балл. Сиз ўзингиздан тўла рози эмассиз. Ўзингиз ҳақингизда кўп иккиланасиз ва норози бўласиз. Жавобларингиздан маълумки, ўз шахсингиздан тўла қониқишингиз учун қандайдир тўсиклар бор. Агар ўз имкониятингизни аниқ баҳолаб, ўзингизга нисбатан сабрли бўлганингизда (сиз фикрловчи, аммо адашувчи кишисиниз) ҳаётдан кўпроқ қониқиш ҳосил қилган бўлардингиз.

0-49 балл. Нима учун ўзингизни яхши кўришингиз сабабини биласизми? Жавобларингиз ўзингизни мутлақо ижобий қабул қиласлигингиз ва маъқулламаслигингизни кўрсатмоқда. Шунга қарамай, ўзингизга дўст бўлинг, бунинг учун эса ўзингизни ички томондан ўрганинг.

22 - тест. “Қандай таассурот қолдирасиз?” тести

Куйида келтирилган саволларга жавоб танланг.

- 1. Сизга сехргар дуч келиб қолса, нимани тилаган бўлардингиз?**
а) буни туш деб қабул қиласдим;
б) баҳтли ва тўқис турмуш кечиришни тилаган бўлардим;
в) ҳеч нима тиламаган бўлардим;
г) шошиб қолган бўлардим.
- 2. Бирон ўтириш ёки кечада яхши таассурот қолдириш учун нима қилган бўлардингиз?**
а) бу борада менда муаммо тугилмайди;
б) иложи борича тузукроқ кийиниб борган бўлардим;
в) ўзимга роса оро бериб борган бўлардим;
г) менга ҳамиша эътибор беришади.
- 3. Кийинишига қандай қарайсиз?**
а) ҳар хил услубларда кийиниши ёқтираман;
б) қайфиятимга қараб кийинаман;
в) кўпинча модалар журналидан фойдаланаман;
г) энг яқин ўртоғим (дугонам) маслаҳатларидан фойдаланаман.

4. Автобусда чиройли қиз (йигит) сиз билан танишмоқчи. Нима қиласыз?

- а) бунга аҳамият беріб ўтирумайман;
- б)agar ёқса, гаплашишим мүмкін;
- в) хомтама бўлмаслигини секин тушунтириб қўярдим;
- г) тушунишим кераклигини баҳона қилардим.

5. Ойна олдида ўзингизни кўз-кўз қилишни яхши кўрасизми?

- а) албаттада, ойнага ким ҳам қарамайди?!
- б) йўқ, кўринишим мени унчалик қизиктирмайди;
- в) эрталаблари қарашибга тўғри келади;
- г) соатлаб ойна олдида ўтиришим мүмкін.

6. Ўртоғингизни (дугонангизни) кўчада ҳаммага илакишаидиган бир қиз (йигит) билан кўриб қолдингиз. Бунга муносабатингиз?

- а) кўрмаганга олиб ўтиб кетаман;
- б) ёқмасди унга, юрган кишининг ёмон одам, деб айтган бўлардим;
- в) ўртоғим (дугонам) нимасига учди экан, деб ҳайрон бўлардим;
- г) албатта, ёқмаган бўларди, аммо ўша йигит(қиз)ниям жуда учига чиккан ёмон деб бўлмаса керак.

7. Ўз кайфиятингиздан мамнунмисиз?

- а) ўзимча чакки эмас, деб ҳисоблайман;
- б) бунинг заррачаям аҳамияти йўқ, асосийси қалб тозалиги;
- в) фотомоделликка олишмаса керак, ҳар ҳолда;
- г) кўринишимга ҳар ҳолда чидаса бўлади деб ўйлайман.

8. Кайфиятингиз тушса қандай йўл тутасиз?

- а) бирон ширинлик билан ўзимни овутаман;
- б) кийинаман-да, ташқарига чиқиб сайр қилиб келаманг;
- в) деразадан ўтаётган одамларни кузатаман;
- г) дўстларимга кўнғироқ қиласман.

9. Бирон кечага бордингиз, аммо у ерда ҳеч кимни танимайсиз.

Қандай йўл тутасиз?

- а) ҳечқиси йўқ, жуда киришимлиман;
- б) аралашиб кетгунимча анча диққат бўлишимга тўғри келади;
- в) факат ўзим билган кишилар билангина мулоқот қиласман;
- г) биронта ёқимтойроги билан танишиб олган бўлардим.

10. Қайси рангни яхши кўрасиз?

- а) қора, менга илиқ оқшомни эслатиб туради;
- б) қизил, барча муаммоларни унтишимга ёрдам беради;
- в) ҳаворанг, тароватли кўклам осмонига ўҳшайди;
- г) яшил, кўзларнинг дам олишига ёрдам берар экан.

Тест калити

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|
| A | 5 | 10 | 20 | 5 | 15 | 20 | 15 | 5 | 10 | 5 |
| Б | 15 | 15 | 15 | 10 | 5 | 15 | 5 | 15 | 20 | 20 |
| В | 20 | 5 | 10 | 20 | 10 | 5 | 10 | 10 | 5 | 10 |
| Г | 10 | 20 | 5 | 15 | 20 | 10 | 20 | 20 | 15 | 15 |

Натижалар талқини:

60 баллгача. Камсукум. Ўзингизга ҳеч ким эътибор қилмайди, деб ўйлайсиз. Камтарлигингиз кўпинча ноўрин. Сал журъатлироқ бўлиб, одамларга кўпроқ аралашишингиз лозим. Секин-секин тортичоқлигингиз йўқола бориб, атрофга бошқача кўз билан қарай бошлайсиз. Атрофдагиларнинг сизга нисбатан муносабатлари ўзгариб бораётганини дархол сезасиз.

50 дан 120 баллгача. Ўзгаруучан. Ўзингиздан кўнглингиз тўқ. Аммо гап шундаки, кайфиятингиз жуда тез ўзгариши кўпинча тўққинлик қиласи. Ҳа, жуда инжик табиатсиз. Доимо изланишдасиз, бошқа томондан эса муваффақиятсизликка учрашдан чўчайсиз. Қайси бири сиз учун мухим, сизни тинч қўйишмасинми ёки ҳамманинг диққат марказида бўлиш? Сизга бир маслаҳат: каллангиздаги салбий фикрларни кувинг.

120 дан 120 баллгача. Ёрқин юлдуз. Ярқ этиб кўзга ташланадиган кишисиз. Инжиклик сизга ёт нарса. Бу характеристингизнинг яхши томони, албатта. Аммо яйрим арзимас бўлиб кўринадиган камчиликларингиз кўпинча панд бериб кўяди. Айёргингиз олдида унча-мунчаси дош беролмайди. Ташки кўринишингиз - фахрингиз. Аммо ички оламингиз ҳам гоят гўзал.

180 дан кўпроги. Олов. Мутлақо бетизғин, аммо барчанинг кўнглига мойил одамсиз. Гўзаллик ва айёрлик сизга хос нарса. Атрофдагиларга беписандлик билан қараж одатингиз бор. Чиройингиз ва қоматингиз мақтаса арзигудек. Ҳаётий тамойилларингизни ўзгартирмасангиз, тез орада эътибордан четда қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Талантингизни йўлга sola билишингиз лозим.

23 - тест. “Сиз бошқа одамларга ёқасизми?” тести

Инсоний муносабатлар амалга ошишида кўпинча одамларнинг бошқаларга ёқиш даражаси, яъни ёқимтойлиги ҳам таъсир этади.

Шунинг учун ҳар бир киши ўзида шу хислатни қандай эканлигини билиб олса фойдадан холи бўлмайди. Ушбу тестда келтирилган гапни маъқулласангиз – “ҳа” жавобини, рад этсангиз – “йўқ” жавобини қайд этинг, сўнгра балларни жамланг.

ҳа - 0 балл, йўқ - 5 балл

1. Кун давомида ҳар дақиқада ҳар қадамда одамлар сизни кузатиб баҳолаётгани ёдингизда туриши керак.
2. Одамларда ўзига яраша эрк туйғуси бўлиши керак, у ўз эрмакларини ёр-биродарлари билан уларга маъкул - номаъкуллигидан қатъий назар бемалол мухокама қилсин.
3. Энг муносиби - кўнгил кўйига кирмасдан иззатни сақламоқ.
4. Бошқалар тилида хатоларни пайқаган киши уларни тузатмоғи лозим.
5. Нотаниш кишига йўлиққанда яхши таассурот қолдириш учун хушмуомала, топқир ва дилкаш бўлиш керак.
6. Бирон киши билан танишаётгандা номини тушунмасангиз такрор сўраш айб эмас.
7. Ишончингиз комилки, ўзингизга нисбатан ҳазил мутойибага йўл кўймаганингиз учун сизни хурмат килишади.
8. Доимо хушёёр, юришингиз керак, йўқса, ён-веридагилар ҳазил қиласвериб обрўйингизни тўкиб кўйишлари мумкин.
9. Донишманд, галга чечан киши билан муюмала қилганда мусобақалашмасдан унга тан бериб, сухбатдан чиқкан маъкул.
10. Давраларда ўз ҳатти-харакатини улфатлар кайфиятига мувофиқлаштириш шарт.
11. Ёр-биродарларга кўлдан келганча ёрдам бериш керак, негаки бир кун келиб сизнинг ҳам уларга ишингиз тушиши мумкин.
12. Бировларга кўп ҳам яхшилик қиласвермаган маъкул, негаки камдан кам одам яхшиликни қадрига етади.
13. Сиз бировларга эмас, улар сизга қарам бўлгани афзал.
14. Чин дўст ўз дўстларидан ёрдамини аямайди.
15. Одам ўзининг энг яхши фазилатларини рўкач қилганда қадр топади.
16. Агар даврада айтилаётган асқияни илгари эшитган бўлсангиз, ҳикояни тўхтатиб кўйишингиз керак.
17. Агар даврада айтилаётган асқияни илгари эшитган бўлсангиз, одоб юзасидан қўшилиб қулишингиз керак.

18. Агар дүстингиз таклифидан кинони афзал күрган бўлсангиз асл сабабини айтиб дўстингизни дилини оғритмаслигингиз, бош оғриғи ёки бошқа бир баҳона топишингиз керак.
19. Асл дўст яқин кишиларини уларнинг раъий бўлмаган ҳолларда ҳам ўз измига солади.
20. Одам ўз маслакларини ўжарлик ва тихирлик билан билдирилган ҳар киши фикридан ҳимоя қиласвериш шарт эмас.

Натижалар талқини:

85 баллдан 100 баллгача - Сизнинг одамларга ёқиши даражангиз аълодир.

75 баллдан 80 баллгача - Сиз одамларга ёқасиз ва улар Сизга яхши муносабатда бўладилар.

65 баллдан 70 баллгача - Сизнинг бошқаларга ёқиши ёқмаслигингиз ўрта даражада.

0 баллдан 60 баллгача - Одамлар Сизни ёмон даражада қабул қиласилар, яъни ёқтирумайдилар.

Баллар жами қанчалик кўп чикса - одамларга ёқишига асосингиз ҳам шунча кўпдир.

24 - тест. “Сиз билан муюмлада бўлиш ёқимлими?” тести

Куйида келтирилган 11 та саволга “ҳа” ёки “йўқ” жавобидан бирини танланг.

- 1.Сиз гапиришгага нисбатан тинглашни ёқтирасизми?
- 2.Сиз ўзингиз танимаган нотаниш одам билан ҳам сухбатлашиш учун мавзу топа оласизми?
- 3.Сиз доимо ўз сухбатдошингизни дикқат билан тинглай оласизми?
- 4.Сиз ўзга кишиларга маслаҳатлар беришни ёқтирасизми?
- 5.Сухбат мавзуси Сиз учун қизиқарсиз бўлса, у ҳолда буни сухбатдошингизга ошкора қиласизми?
- 6.Агар сухбатдошингиз Сизни тингламаётган бўлса, жаҳлингиз чиқадими?
- 7.Сизда ҳар қандай масала бўйича ўз фикрингиз борми?
- 8.Сухбат мавзуси Сиз учун нотаниш бўлса, унда сухбатни давом эттира оласизми?
- 9.Сиз ҳамманинг нигоҳида, дикқат марказида бўлишни ёқтирасизми?
- 10.Сиз етарли даражада билимга эга бўлган, энг камида учта предмет асосини эгаллаганмисиз?

11. Сиз ўзингизни дилкаш инсон ёки яхши нотиқ деб ҳисоблайсизми?

Тест калити:

“Ҳа”: 1,2,3,6,7,58,9,10,11; “Йўқ”: 4,5

Натижалар талқини:

0 : 3 баллар, Сиз билан муомалага киришиш ниҳоятда қийин, ёқимли эмас, ҳатто баъзида бу жараён оғир кечади. Шунинг учун гоҳида одамлар Сиздан иложи борича узокроқ юришга ҳаракат киладилар. Айрим саволлар пайдо бўлса ҳам Сиздан ёрдам сўрамайдилар. Сиз одамлар билан муомала қилишни билмайсиз.

4 : 9 баллар, Сиз хушмуомала, ҳушёр ва ёқимли сухбатдошсиз, лекин кайфиятингиз ёмон бўлган пайтларда ўз руҳий холатингизни бошқара олмайсиз. Бу эса ўз навбатида паришонхотирликни келтириб чиқаради.

10:11баллар, Сиз жуда ёқимли сухбатдошсиз, зийраксиз. Сухбатдошингизнинг кайфиятидаги ўзгаришларни хисобга олган ҳолда муомалани ташкил эта оласиз. Аммо уни жуда ҳам ошириб юборманг.

25 - тест. “Сиз мустақил инсонмисиз?” тести

Айрим ҳолларда ҳеч кимдан маслаҳат сўрамасдан ва маъсулиятни бошқаларга юкламасдан бир карорга келиш мухим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳар қандай шароитда ҳам мустақил ишлай олиши керак. Хўш, сиз мустақил инсонмисиз? Саволларга жавоб бериб кўрингчи.

1. Дўстлар даврасида ўтирганингизда ҳеч кимга маъкул тушмаган бир фикр учун охиригача курашасизми?

- А) Ҳа, охиригача!
- Б) Йўқ, бошқаларга қаршилик билдира олмайман;
- В) Мен ўзимга ўхшаб фикрлайдиган бошқа кишини излайман.

2. Ота-онангиз даала ховлига кетишган. Уйга қайтганингизда ошхонадаги водопровод қувури тешишлиб, қўши nilарингизни уйини сув босганини билиб қолдингиз. Қандай йўл тутасиз?

- А) Яхшиси, вақтинчалик кўринмай юраман;
- Б) Таймирлаш участкасига қўнғироқ қилиб, устани чақираман;

В) Эҳтимол, ота-онам қайтишини кутарман.

3. Дўстларингиз билан дам олишга чиқмоқчисиз. Сафар нарсаларини олдинроқ тайёрлаб қўясизми?

А) Одатда бундай вазиятда ашёларимни онам тахлайдилар;

Б) Ха, ҳаммасини ўзим жойлаштираман;

В) Ахир мен олис корақалпоғистонга кетмаяпман-ку!

4. Касб танлаш-жуда масъулиятли иш. Мактабни тугатганингиздан кейин қаерда ўқиш ёки ишлашни ҳал этганимисиз?

А) Танлаб нима қиласан? Мен аллақачон қайси олий ўқув юртига киришимни режалаштириб қўйганман;

Б) Отам-онам жойлаштиришар;

В) Дўтларим билан маслаҳатлашаман.

5. Имтиҳонлар- жиддий масала. Унда фақат омадга ишонишнинг ўзи бўлмайди. Одатда имтиҳонларга қандай тайёрланасиз?

А) Ҳар куни ўтириб ёдлайман ёки шпаргалкалар ёзаман;

Б) Унчалик жиддий шуғулланмайман, чунки кимдир ҳамиша ёрдам беради;

В) Ҳаммаси омадга боғлиқ.

6. Қаттиқ севиб қолган қайлигининг ҳақида дўстларингиз нима деб ўйлаши билан қизиқасизми?

А) Муносабатимизга зарар етказиши мумкин бўлган даражада эмас;

Б) Бунга заррача эътибор бермайман;

В) Албатта! Ахир улар дўстларим.

7. Чиройли либосни кўриб қолдингиз ва уни сотиб олмоқчисиз. Аммо дўстингиз бундай кийимни аллақачон ҳеч ким киймаслигини айтди. Сизнинг муносабатингиз?

А) Агар шу кийим менга ёқиб қолса, ҳеч кимга кулоқ солмайман;

Б) Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам ҳеч ким киймас;

В) Мен яна бошқа киши билан маслаҳатлашиб қўраман.

8. Сиз қандайдир қизик бўлмагаи фильмни охиригача кўришингиз керак, чунки дўстларингиз уни зўр деб мақташганди...

- А) Албатта, ахир уни дўстларим билан муҳокама қиласман;
- Б) Ҳеч қачон!
- В) Анигини айтолмайман.

Тест калити:

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| A | 0 | 6 | 3 | 6 | 0 | 6 | 3 | 6 |
| Б | 3 | 0 | 6 | 3 | 6 | 3 | 0 | 3 |
| В | 6 | 3 | 0 | 0 | 3 | 0 | 6 | 0 |

Натижалар талқини:

0-18 балл. Эҳтимол, сиз ҳаддан зиёд мустақил шахсдирсиз. Ишингизга кимдир аралашишини ёқтирасангиз-да, бошқалар фикрига қулоқ солмайсиз. Қабул қилган қарорингизнинг ижобий ва салбий томонларини юз фоиз баҳолай олишингизга ишончингиз комилми? Интилиш-яхши, албатта, аммо қайсарлик.

21-33 балл. Сиз мустақил инсонсиз. Аммо бу хусусият атрофдагилар фикрига қулоқ солишингизга халақит бермайди. Шу билан бирга масъулиятни, қарорларни ўзингиз қабул қиласиз. Бу яхши!

34-48 балл. Нима сабабдан бунчалик тортинчоқсиз, сиз мустақил қадам ташлашдан қўрқасиз. Эртами кеч қайсиdir ўртоғингиз сизни ва фикрингизни писанд қилмаётганини сезиб қоласиз. Сабаби-хур фикрнинг ўзи йўқ сизда! Мустақил бўлишга уриниб кўринг!

26 - тест. “Иродангиз қай даражада?” тести

Ирода - инсоннинг ўз фаолияти, ҳатти-харакатларини ва хулк-авторини онгли ҳолда бошқаришидир.

Сүнги пайтларда ирода кучини аниқладиган бир қанча методикалар ишлаб чиқылди. Қуйида Р.С.Немов томонидан ишлаб чиқылған методикани эътиборингизга ҳавола қиласиз.

Кўрсатма: Тест 20 та саволдан иборат. Ҳар бир саволга бир қанча жавоблар кўрсатилган.

1. Сиз ўз хулқ-атворингизнинг атрофдаги одамларга қандай таъсир қўрсатаётганилиги ҳақида тез-тез бош қотириб турасизми?

- A) жуда кам;
- B) кам;
- B) тез-тез;
- C) жуда тез-тез.

2. Сизда ўзингиз ишонмасангизда, ўзгаларга қасдлашиб, қайса́рлик билан бирор нарсани тасдиқлаб турадиган ҳолат бўлиб турадими ?

- A) ха
- B) йўқ

3. Сиз қуйида келтирилаётган сифатлардан одамларда кўпроқ қайси бирини қадрлайсиз?

- A) қатъиятни;
- B) кенг фикрлашни;
- B) ўзини қўрсата олишни.

4. Сизда ўтакетган расмиятчиликка мойиллик борми?

- A) ха;
- B) йўқ.

5. Ҳаётингизда содир бўладиган кўнгилсизликларни тез унутиб юбора оласизми ?

- A) ха;
- B) йўқ.

6. Ўз хулқ-атворингизни таҳлил қилишни ёқтирасизми ?

- A) ха;
- B) йўқ.

7. Сизга яхши таниш бўлган одамлар орасида туриб, Сиз:

- A) шу даврада амал қилинадиган одоб-аҳлоқ қоидаларини сақлашга харакат қиласиз;
- B) ўзингизни сақлашга интиласиз.

8. Қийин вазифани бажаришга киришишдан олдин сизни кутаётган муаммолар ҳақида ўйлашга харакат қиласизми?

- A) ха;

Б) йўқ.

9. Қуйидаги ҳусусиятлардан қайси бири сизга кўпроқ тўғри келади?

- A) хаёлпараст;
- B) кўнгли очик.
- B) ишда қатъиятли;
- Г) пухта, саранжом –саришта;
- Д) фалсафа ўқишини яхши кўради;
- E) ҳовлиқма.

10. У ёки бу масалани муҳокама қилганда Сиз:

- A) кўпчиликнинг фикридан фарқ қилсада, ҳар доим ўз нуқтай назарингизни айтасиз;
- Б) шундай вазиятда яхшиси жим туришга ва ўз фикрингизни айтмасликка харакат қиласиз;
- В) ташки томонлама кўпчиликни қўлласангиз-да, ичингизда ўз фикрингизда қоласиз;
- Г) ўз шахсий фикрингиздан воз кечиб, ўзгаларнинг фикрини қабул қиласиз.

11. Сизда, раҳбарингизнинг кутилмагандан йўқлаши қандай хиссиётни юзага келтиради?

- A) ғашим келади;
- Б) хавотирланаман;
- В) ташвишланаман;
- Г) ҳеч қандай хиссиёт чақирмайди.

12. Мунозара қизнб кетган холатда сизнинг сухбатдошингиз шахсингизга тегадиган гаплар билан ҳақорат қиласа, Сиз:

- A) шундай жавоб берасиз;
- Б) бунга эътибор бермайсиз;
- В) намойишкорона ҳақорат қиласиз;
- Г) тинчланиш учун у билан сухбатни тўхтатар эдингиз.

13. Агар сизнинг қилган ишингизни яроқсиз деб топишсалар, унда Сиз:

- A) афсусланасиз;
- Б) уялиб кетасиз;
- В) ғазабингиз келади.

14. Сиз тўсатдан ноқулай аҳволда қолсангиз, бунда биринчи навбатда кимни айблайсиз?

- A) ўз-ўзимни;
- Б) тақдирни, омадсизлигимни;

В) ўзгаларни.

15. Атрофингиздаги одамлар сизнинг билим ва қобилиятларингизни қадрига етишмаётгандай туюлмаяптими?

А) ҳа

Б) йўқ.

16. Дўстларингиз ёки ҳамкасларингиз сизни мазаҳ қилишса, устингиздан кулишса, унда Сиз:

А) улардан жаҳлингиз чиқади;

Б) улардан узоқлашишга ҳаракат қиласиз;

В) ўзингиз уларга қўшилиб ўзингизнинг устингиздан куласиз;

Г) эътибор қилмагандай кўринсангизда, ичингизда газабланасиз.

17. Сиз шошиб турганингизда одатда қўядиган жойингиздан нарсани топа олмасангиз унда...

А) жимгина ўша нарсани излашга тушасиз;

Б) бошқаларни тартибсизликда айبلاغан ҳолда излай бошлайсиз;

В) керакли нарсани уйда қолдириб, чиқиб кетасиз.

18. Сизни одатда дарғазаб қилади... .

А) олдига зудлик билан кириш зарур бўлган қандайдир раҳбарнинг қабулхонасидаги узун навбат;

Б) жамоат транспортидаги ур-ийқит;

В) бир масала юзасидан битта жойга бир неча марта қатнаш зарурияти.

19. Ким биландир мунозарани тугатгандан сўнг ҳам ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қиладиган янги исботларни фикран ўйлаб бошлайсизми?

А) ҳа;

Б) йўқ.

20. Бирорта қийин ишни бажаришда ёрдамчи олишингизга тўғри келиб қолса, сиз қўйидагилардан қайси бирини танлайсиз?

А) ижрочи, аммо ташаббускор бўлмаган одамни;

Б) ўз ишини биладиган, аммо талашиб – тортишадиган ва қайсар одамни;

В) иқтидорли, бироқ дангаса одамни.

| Жавоблар | Саволлар рақами | | | | | | | | | |
|----------|-----------------|---|---|---|---|---|---|---|---|----|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| А | 0 | 0 | 1 | 2 | 0 | 2 | 2 | 0 | 0 | 2 |
| Б | 1 | 1 | 1 | 0 | 2 | 0 | 0 | 2 | 1 | 0 |
| В | 2 | - | - | - | - | - | - | - | 3 | 0 |
| Г | 3 | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 0 |
| Д | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | - |

| Жавоблар | Саволлар рақами | | | | | | | | | |
|----------|-----------------|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| А | 0 | 0 | 2 | 2 | 0 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 |
| Б | 1 | 2 | 1 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 | 2 | 1 |
| В | 2 | 1 | 0 | 0 | - | 2 | 1 | 2 | - | 2 |
| Г | 0 | 3 | - | - | - | 0 | - | - | - | - |
| | - | | | | | | | | | |

Баллар йигиндиси 14 ва ундан оз бўлса, бундай кишиларнинг иродаси кучсиз бўлади.

15-25 баллгача. Кучли иродали ва мулоҳазали киши эканлигидан далолат.

26-38 баллар. Иродаси ўта кучли, ўзига бино қўйган киши.

38дан баланд балл. Ироодаси кучли, характери рисоладагидек, бироқ ўзини тўғри баҳолай олмайдиган киши.

27 - тест. “Ҳаёт қийинчиликларига чап берга оласизми?” тести

Куйида берилган саволларга жавоблардан бирини белгилаш керак.

1. Агар сизга ёқмайдиган киши меҳмонга таклиф қилиб колса, унинг таклифини қабул қиласизми?

- А. Ҳа;
- Б. Фақат айрим ҳолларда;
- В. Йўқ.

2. Меҳмондорчиликда ёнингида сизга ёқмайдиган киши ўтириби, деб тасаввур қиласайлик. Сизнинг хатти-харакатингиз:

- А. Унга умуман эътибор бермайсиз;

Б. Фақат саволларига жавоб қайтарасиз;

В. Хоҳламасангизда у билан гаплашишга уринасиз.

3. Сиз эшик олдида кўнгироқ тугмачасини босишга шайланиб турибсиз, дейлик. Ногаҳонда хонадонда ғала-ғовур кўтарилиганини эшитиб қолдигиз. Сиз ..

А. Тугмачани босасиз;

Б. Жанжал тугашини кутасиз;

В. Кетиб қоласиз.

4. Ишда ёки бошқа бир ҳолатда иокулай вазиятга тушиб қолдигиз. Бу ҳақда ўз танишларингизга айтиб берасизми?

А. Албатта;

Б. Фақат дўстларимга;

В. Ҳеч кимга айтмайман.

5. Бир неча киши даврасида ўтирганингизда айтилган ҳазилни тушунмай қолсангиз, қандай йўл тутасиз?

А. Бошқалар билан бирга куласиз;

Б. Жиддий ўтираверасиз;

В. Кимдандир мазмунини айтиб беришни сўрайсиз.

6. Мехмонда ўтирганингизда телевидение орқали фақат сиз қизиқадиган кўрсатув берилишини билиб қолдигиз. Шунда ...

А. Уй эгасидан телевизор қўйишни сўрайсиз;

Б. Бошқа меҳмонларга халақит бермаслик учун қўшни хонада кўрасиз;

В. Сизни қизиқтираётган кўрсатувдан воз кечасиз.

7. Сиз чидай олмайдиган кишиига нисбатан эътиборсиз бўла оласизми?

А. Албатта;

Б. Фақат айрим ҳолларда;

В. Сиз бу ҳақда ўйламагансиз.

8. Бошқа одамларнинг сиз учун иокулай, аммо адолатли фикрига розимисиз?

А. Ҳамма вақт эмас;

Б. Фақат бошқа йўли қолмаганда;

В. Йўқ.

9. Сиз телевизор кўриб ўтирганингизда экранда сизга ёқмаган хонанда чиқди, дейлик. Шунда дарҳол телевизор мурватини бурайсизми?

А. Иложи борича тезроқ;

Б. Ўша хонанданинг чиқишини чидам билан кўрасиз;

В. Ҳеч қачон.

10. Янги йилни шаҳарнинг бош майдонида кутиб олиш одатингиз борми?

А. Ҳа;

Б. Йўқ;

В. Янги йил кириб келиши пайтида ухлаб қоламан.

Тест қалити:

| № | A | Б | В |
|-----|----|----|----|
| 1. | 20 | 5 | 0 |
| 2. | 0 | 5 | 25 |
| 3. | 5 | 10 | 0 |
| 4. | 30 | 5 | 10 |
| 5. | 0 | 5 | 10 |
| 6. | 0 | 5 | 10 |
| 7. | 15 | 5 | 0 |
| 8. | 25 | 5 | 0 |
| 9. | 20 | 5 | 0 |
| 10. | 5 | 0 | 10 |

Натижалар талқини:

100-180 балл. Сиз бўш вақтингизни одамлар орасида ўтказишни хуш кўрасиз, ҳар қайси жамиятда сизни яхши кутиб олишади. Тирик ақлга эгасиз, сизни кўнгилчан, яхши тингловчи ва ҳикоя қилувчи сифатида қадрлашади. Сиз жамоанинг юраги бўла оласиз.

50-99 балл. Сиз бир томондан сизни жамиятнинг керакли аъзоси қила оладиган хусусият ва фазилатларига эгасиз. Аммо иккинчи бир жиҳатдан ҳарактерингиз баъзи бир сифатлари бунга ҳалақит беради. Умуман, жамоа орасида ўзингизни ҳар томонлама куляй ҳис эта оласиз.

25-49 балл. Сиз ёлғизликни ёқтирасиз. Оиланинг тор даврасида катта жамоага қараганда ўзингизни эркин ҳис этасиз. Айтгандай, тарихга кирган кўплаб машҳур шахслар шу тоифага тегишли бўлган. Демак, қайгуриб ўтирунган.

24 ва ундан паст балл. Сиз кўпроқ одамлар билан мулоқатда бўлишингиз лозим. Ўз кайфиятингиз хўжайини бўлинг, афсус чекманг. Келажакка ишонч билан қаранг ва ҳар доим ҳаётдан хурсандчилик изланг. Шунда дўстларингиз, таниш билишларингиз давраси янада кенгаяди.

28 - тест. “Ҳақиқатни тинглашга қодирмисиз?” тести

Күйіда көлтирилған саволларға жавоб беринг.

- 1. Тасаввур қилинг, күрениши ёшроқ бўлган аёл олтинчи марта “йигирма ёшини” нишонлайти. Сиз бунга қандай қарайсиз?**
 - A. Унинг ҳақиқий ёшини яшириш истагини мен тушунаман;
 - B. Вактни тўхтатишга интилиш тентаклиkdir;
 - C. Бундай ёлғонга мутлақо қаршиман.
- 2. Айтайлик, нотаниш мамлакатга бориб, бозорига тушиб қолдингиз. Ўша ердаги “ёвойи” молларга қизиқишингизни намоён этасизми?**
 - A. Нималигини билиш учун унчалик қизиқмайман;
 - B. Ҳар ҳолда шундай маҳсулотларнинг нималигини тушунишга ҳаракат қиласман;
 - C. Эсдалик учун ҳар хил майды-чуйда нарсаларни ҳарид қиласман.
- 3. Агар болангиз тўп билан қадимий ибодатхона қархисида шўхлик қилаётган бўлса, сиз нима дейсиз?**
 - A. Ота-оналар бундай масканлар олдида ўйнашига руҳсат бермаслиги керак;
 - B. Болага тушунтириш лозим, акс ҳолда қадимий бинонинг нималигини тушунмайди;
 - C. Нима қилибди ўйнайверсин.
- 4. Кимdir келажагингизни айтиб беряпти. Бу сизни қизиқтирадими?**
 - A. Кимdir сизни бирор нимага ўргатишини хоҳламайсиз;
 - B. Уни эшитишга эшигаверасиз, лекин ўз фикрингизда қоласиз;
 - C. Ўз келажак тақдирингизни билгингиз келади.
- 5. Саккизта нур чиқиб турган қўёш- баҳтнинг тимсоли. Агар сиз шундай туморга эга бўлсангиз, уни қандай ранга бўяган бўлардингиз?**
 - A. Жигаррангга;
 - B. Тўқ сариқ рангга;
 - C. Яшил ранга.
- 6. Агар сизда қанча умрингиз қолганини билиш имконияти пайдо бўлса, бундан қай тарзда фойдаланаар эдингиз?**
 - A. Йўқ, бу сизни ҳаёт қувончларидан маҳрум этган бўлади;
 - B. Эҳтимол, қандайдир дақиқада шундай хоҳиш пайдо бўлиши мумкин;
 - C. Сиз буни билишдан хурсанд бўлар эдингиз.

Саволларга неча марта “А”, “В” ва “С” жавобларини берганингизни санаб чиқинг.

Натижалар талқини:

Агар “А”жавоби энг кўп бўлса, сизнинг “бilmaganларим мени қизиктиримайди” шиори остида ташкил топганингизни кўрсатади. Бу хавф туғилганида, бошини кумга тикиб оладиган тяқушни эслатади. Вақти келиб, хақиқий, реал ҳис этишдан маҳрум бўлишдан кўркмайсизми?

Агар сизда ҳаммадан кўп жавоб “В” жавоб бўлса, ёқимсиз, аммо хаққоний сўзларни қабул қила оладиган инсонсиз. Ҳётнинг нохуш воқеаларини ёнгиб ўта оласиз. Шунинг учун ҳам “инсон ҳаммасини била олмайди” шиорига амал қиласиз. Ҳётимиз учун зарур билимлардан кўз юммайсиз.

Бордюю, жавобларингизда қўпроқ “С” бўлса, демак ўзингизга нисбатан талабчансиз. Ҳақиқат ҳаётингизнинг жуда муҳим бўлаги. Шахсан ўзингиз атрофдагиларга ҳақиқатни айтиб бошқалардан ҳам бор гапни бўлмастан, эхтиёткорлик қилмай, танламай айтишни талаб қиласиз. Сиз учун билим-куч; билимсизлик-заифлик! Аммо бундай хислатингиз туфайли ҳаётингиз атрофдагилар билан мулоқатингиз сингари ёнгил эмас.

29 - тест. “Шахсадаги тежамкорлик хусусиятини аниқлаш” тести

Шахсада тежамкорлик хусусиятини аниқлаш учун ҳазиломуз саволларни дикқатингизга ҳавола этамиш. Ушбу саволлар туфайли ўзингизни пул ишлатишдаги ўкувингиз қай даражада эканлигини билиб олсангиз ажаб эмас.

1. Ҳамёningизда қанча пул борлигини ҳар доим билиб юрасизми?
2. Туғилган кун ҳамда байрамларда бирорвга совға қилиш ва бирордан совға олиш киши учун аҳамиятсиз деб ҳисоблайсизми?
3. Арzon кийимлар дўконидан кийим сотиб олишни ёқтирасизми?
4. Театрда энг арzon билет олиш тўғри деб ўйлайсизми?
5. Ҳар ойда энг камида 1000 сўм пулни тежаб қола оласизми?
6. Лотореяда катта микдордаги пул ютуғи чиқса, иш жойини ташлаб кетармидингиз?
7. Фақат кимматбаҳо ва юқори сифатли буюм сотиб олиш тўгрими?
8. Бирорвга ҳеч бир сабабсиз, ситқидилдан совға бера оласизми?

9. Кредиттага буюм олиш мақсадга мувофиқми?
10. Эртанги кун учун пул жамғармай, ҳозирча яхши яшасак бас, деб ўйлайсизми?

Ҳар бир саволга “ҳа” деган жавоб учун 10 балл, “йўқ” деган жавоб учун эса 0 баллдан қўйиб борасиз. 1-5 саволлар учун баллар йигиндиси сизнинг тежамкор ёки хасислигингизни кўрсатади (А-гурух).

6-10 саволлар учун баллар йигиндиси эса сиз сахий ёки истрофгар эканлигингиздан дарак беради (Б-гурух).

Агар ҳар иккала гуруҳдаги баллар йигиндиси ўзаро тенг бўлса, демак сиз тежамкор, ҳам сахий одам экансиз.

Мабодо, баллар йигиндиси ҳар хил бўлса, каттасидан кичигини айриш керак. Масалан, А гуруҳида 40, Б гуруҳида 20 балл жамғарган бўлсангиз, демак А гурухи Б гуруҳидан 20 баллга кўп экан. Ана энди жавобларни кўриб чиқинг:

A гуруҳ Б гуруҳдан 10-20 баллга кўп бўлса: пулни оқилона сарфлайдиган тежамкор одамсиз, назари паст эмассиз, аммо ўзингизни моддий жиҳатдан таъминланган, деб хис қилишни ёқтирасиз.

30-40 баллдан ортиқ бўлса: сахий эмассиз, бирон нимага эга бўлишингизни ўзиёқ сизни жуда қувонтиради. Мабодо кўпроқ пул сарфлашга мажбур бўлиб қолсангиз, астойдил куйиниб кетасиз.

50 баллдан кўп бўлса: хасис, қурумсоқ одамсиз. Пул тежашга бўлган интилишингизни қариган чоғим учун йиғяпман, деган баҳонангиз ҳам сизни оқлай олмайди.

B гуруҳ A гуруҳдан 10-20 баллга кўп бўлса: мурувватли сахий одамсиз. Пулга ружу қўймайсиз, лекин уни беҳудага совурмайсиз ҳам.

30-40 баллдан кўп бўлса: пулингиз кўп бўлса, уни нимага сарфлашни яхши биласиз. Бирон нарса сотиб олишни жуда ёқтирасиз. Эртанинг ғамини чекмай, шу бугун яхши яшашни ўйлайсиз.

50 баллдан ортиқ бўлса: пул ишлатишни билмайсиз. Уни беҳудага совуласиз. Тезроқ бирон киши билан маслаҳатлашиб, пулни ишлатиш кераклигини ўрганиб олинг. Акс ҳолда пул ташвишидан бошингиз чиқмайди.

30 - тест. “Ҳаридга қалайсиз?” тести

Саволларга жавоб беринг.

1. Дўконда сиз...

- A. Ҳамиша ҳаридингизни олдиндан тайёрланган рўйхат асосида қиласиз ва ундан чекинмайсиз (1 балл);
B. Кўнглингизга ёқсан нарсаларни ҳарид қиласиз (3 балл);
C. Фақат вақти-вақти билан кутилмаганда ҳарид қиласиз (2 балл).

2. Сиз ҳозиргина қишики этикни сотиб олдингиз, деб ҳисоблайлик ва кўп ўтмасдан сизга яна бир жуфт арzon нарҳда сотиб олишни таклиф қилишди. Сиз..

- A. Иккинчи жуфт этикни ҳам ҳарид қиласиз,бу нарҳда сотиб олмаслик гуноҳ (3 балл);
B. Ҳариддан воз кечасиз (1 балл);
C. Кун бўйи шубҳаланиб юрасиз ва ниҳоят сотиб оласиз (2 балл).

3. Ҳаридорлик эҳтиёжларингизни доим четлаб ўтасизми?

- A. Деярли ҳар куни (3 балл);
B. Ҳафтасига икки марта (2 балл);
C. Ойига бир маротаба (1 балл).

4. Қарзларингиз борми?

- A. Кўп эмас –5000 сўм (2 балл);
B. Қарзга кўмилганман (3 балл);
C. Мен ҳеч қачон қарзга пул олмаганман (1 балл).

5. Ҳаридингиздан афсусланган пайтларингиз бўлганми?

- A. Деярли хеч қачон, ахир мен “етти ўлчаб бир кес ”мақолига амал қиласман (1 балл);
B. Айрим ҳолларда (2 балл);
C. Тез-тез, бир дақиқалик эҳтиросларга берилиб, маҳсулотларни ҳарид қиласман (4 балл).

6. Эҳтиросларга берилмаслик учун ҳамёнингизни уйда қолдириб чиқасизми?

- A. Ҳеч қачон, ахир мен ортиқча нарсани ҳарид қилмайман (1 балл);
B. Бўлиб туради (2 балл);
C. Деярли тез-тез, чунки ҳеч бўлмаганда бирор нарса сотиб олиш истагида юраман (4 балл).

Натижалар талқини

7 баллгача. Сиз пулни кўкка совуриш тарафдори эмассиз ва “ким тежаб қолса ўша топган” мақолига амал қилиб яшайсиз. Бизнингча,

сиз ҳаддан зиёд тежамкорсиз. Айрим ҳолларда режасиз сотиб олинган китоб ёки гуллар ўзингизга қувонч етказиб туриши мумкин.

8 дан 13 баллгача. Ҳечам ташвишланманг: албатта, айрим пайтларда сизда ҳарид қилиш иштиёқи туғилиб қолади, аммо белгиланган чизиқдан ҳеч қачон ўтмайсиз. Пулларни сарфлаш хавфидан йироқсиз.

14 баллдан юқори. Сиз маблагсиз қолишга таваккал қиляпсиз. Агар бирор нарсани кўнглингиз тусаб қолса, ўз устингиздан назоратни йўқотиб, пулингизни охиригача сарфлайсиз. Бунга қаршилик кўрсатиш учун авваломбор, ҳарид қилишдан олдин элликкача санашга уриниб кўринг.

31 - тест. “Феълингизни биласизми?” тести

Куйида келтирилган саволларга жавоб беринг.

1. Дўконда сотувчи сизга қўпол муомала қилди, Сиз...

А. Жаҳлингиз чикиб муомаласига яраша жавоб қайтарасиз - 15

Б. Дўкон мудирини чакириб, бу ишни шундай қолдирмасликка аҳд қиласиз-10

В. “Оч қорним тинч қулогим”-дея , индамай кетасиз-5

2. Ишга келганингизнинг биринчи куни. Атрофдагиларга ёқиши мақсадида Сиз...

А.Бошликларга муносабатни яхшилаб, ишга киришасиз-10

Б. Жамоа билан танишиб, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиласиз-5

В. Илк учрашувданоқ кимлигингиши кўрсатасиз-15

3. Юқори қаватдаги қўшнингизнидан чираб бўлмас даражадаги шовқин-сурон эшитилмоқда. Сиз...

А.Тинчланиш учун дори ичиб, ухлашга ҳаракат қиласиз-5

Б. Қўшниларни йиғиб, тўполон бўлаётган уйга чиқишга уринасиз-10

В. Ўша заҳотиёқ бориб, жанжал қиласиз-15

4. Бундан бир неча ой олдин, сиздан қарз олган танишингиз яна қарз сўраб келди, Сиз...

А. Ноумид қайтармайсиз –5

Б. Бажонидил берасиз-5

В. Пулингизнинг йўқлигини айтиб, эски қарзингизни эсига коласиз-15.

5. Чинта олишга улгурмай, театрга кеч қолиб келдингиз. Аммо бўш ўриндиқ бор, Сиз...

A. Жой эгаси келгунича ўтира турасиз-10

B. Чиптага улгурмаганингиз учун пушаймон бўласиз-5

B. Ўтирасиз, ўзининг эгаси келса “жой аввал келганники”-дэя жавоб берасиз-15

Натижалар талқини:

Агар 25 балдан 40 балгача ийққан бўлсангиз, унда сиз ўта содда ва ўз кучингизга ишонмайсиз. Ўзгалар учун ҳамма нарсага, ҳатто оғзингиздаги ошни ҳам беришга тайёrsиз Атрофдагилар сизни тўғри баҳолашяптими? Бу ҳақда ўйлаб кўриб, ҳаётингизни изга тушуришга ҳаракат қилинг.

Агар 40 балдан 65 балгача тўплаган бўлсангиз, сиз ақлли одамсиз. Баъзи пайт айёрлик билан бўлсада, охирги пулингизни ҳам беришга тайёrsиз. Асосийси ҳар доим ишингизни ўз фойдангизга хал қила оласиз.

Агар 65 балдан 75 балгача жамлаган бўлсангиз, сиз ҳар бир ишни устаси фаранглик билан амалга оширасиз. Бу фазилатингиз ҳаётингизда ҳамиша омад келтиради. Лекин атрофдагиларнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари мутлақо бошқача.

32 - тест. “Норасолик комплекси” тести

Комплексларни биринчи бўлиб тавсифлаган ва таърифлаганлар – психоанализнинг “асосчи-оталари”дан бўлган З.Фрейддир. Бу ном билан улар тушунтириш қийин бўлган, импульсив ҳатти-харакатларда намоён бўладиган хиссий тус олган эътиқод ва хаётий принципларни атаганлар. Бу комплекслар нормал ҳаётни қийинлаштиради, шаҳе ривожланиши имкониятини чеклайди ва хурсандчиликни ҳис қилишга ҳалақит беради. Норасолик комплекси одамни бошқалардан ўзини паст ҳис қилишга мажбур этади. Масалан, у ҳар қандай рақобатли кураш: имтиҳонлардан, касбий конкурслардан, бизнес ва шу сингарилардан воз кечиши сабаби бўлиши мумкин. Бу комплекс ўз устунликлари ва қобилияtlарига ишонмасликдан келиб чиқади. “Синааб ҳам кўрмайман, барibir ютқизаман!”- бу комплексга эга бўлганлар ўзини шундай деб ишонтирадилар.

Комплекслар, одатда, ўз табиатига кўра ёки тарбия асосида қаттиқўл ҳакамликка мойил одамларда ривожланади. Улар ўзларига шавқатсиз хукм чиқарадилар, шунингдек, бошқаларни ҳам доимо танқид қиладилар. Психология нуқтаи назаридан, у ёки бу ўз-ўзига баҳо бериш тўғридан тўғри сизнинг атроф-оламга нисбатан баҳоингиз билан боғлиқдир. Оламни севган кишигина ўзини ҳам севади. Демак, биз доимо бошқаларни танқид қиласак, ўзимизга нисбатан ҳам кечиримсиз бўламиз, кечиримсизлик одат тусига киради, кейинчалик эса комплексга айланади. Ҳеч кимнинг ҳам ҳар доим ўзидан кўнгли тўлавермайди, ҳар кимни нимадир кемиради.

Хар кимнинг ўз комплекслари бор. Биз ҳам нимагадир арзишимизга ишонч ҳосил қилиш учун ҳар доим ўзимизни ким биландир таққослаймиз.

Хўш, Сизнинг аҳволингиз қандай? Буни билиш учун тест саволларига жавоб беринг.

Кўрсатма. Ҳар бир тасдикни ўқинг, ўзингиз учун энг тўғри келадиган жавобни танланг, тасдик номерини ёзинг ва сиз танлаган жавоблар варианти учун белгиланган баллни ёзинг (баллар миқдори жавоблар вариантининг ёнида ёзинг қўйилган).

1. Одамлар мени тушумайди.

А. тез-тез (0); Б. камдан-кам (3); В. ундаи бўлмайди (5).

2. Ўзимни “ўз ўрнимда эмасдек” ҳис қиласман.

А. камдан-кам (5); Б. ҳамма нарса шароитга боғлиқ (3);

В. жуда тез-тез (0).

3. Мен оптимистман.

А. ҳа (5); Б. фақат айрим ҳолларда (3); В. йўқ (0).

4. Тўғри келган нарсага хурсанд бўлавериш бу...

А. тентаклик (0); Б. қийин дақиқаларни кечиришга ёрдамлашади (3);

В. бу ўрганиш керак бўлган нарса (5).

5. Мен бошқалардек қобилияtlарга эга бўлишни хоҳлар эдим.

А. ҳа (0);

Б. вақти-вақти билан (3);

В. йўқ, мен янада юқорироқ қоблияtlарга эгаман (5).

6. Менинг камчиликларим ҳаддан ташқари күп.

- А. бу түғри (0);
- Б. бу менинг фикрим эмас (3);
- В. нотүгри! (5).

7. Ҳаёт ажайиб!

- А. ҳақиқатан ҳам шундай (5);
- Б. бу жуда умумлаштирилган холоса (3);
- В. ҳеч ҳам ундай эмас (0).

8. Мен ўзимни керак эмасдек ҳис қиласман.

- А. тез-тез (0);
- Б. вақти-вақти билан (3);
- В. камдан-кам (5).

9. Менинг хатти-харакатларим атрофдагилар учун тушунарсиз.

- А. тез-тез (0);
- Б. баъзида (3);
- В. камдан-кам (5).

10. Менга, умидларни оқламаяпсиз, деб айтишади.

- А. тез-тез (0);
- Б. баъзида (3);
- В. жуда камдан-кам (5).

11. Менда жуда күп афзалликлар мавжуд.

- А. ҳа (5);
- Б. ҳамма нарса шароитга боғлиқ (3);
- В. йўқ (0);

12. Мен пессимистман.

- А.ҳа (0);
- Б. алоҳида ҳолларда (3);
- В. йўқ (5).

- 13. Ҳар бир фикрлайдиган одам сингари ўз хулқ-атворимни таҳлил қиласынан.**
- А. тез-тез (0);
Б. базида (3);
В. камдан-кам (5).
- 14. Ҳаёт- бу қайғули нарса.**
- А. умуман, ҳа (0);
Б. бу тасдиқ жуда умумий (3);
В. бу ундай эмас (5).
- 15. “Күлгү-бу соғлик-саломатлик”.**
- А. жуда соддалаштирилген тасдиқ (0);
Б. бу түғрида қыйин шароитларда эсга олиш керак (3);
В. ҳеч ҳам ундай эмас (5).
- 16. Одамлар мени етарлича баҳоламайдылар.**
- А. афсус, бу шундай (0);
Б. бу нарсага катта эътибор бермайман (3);
В. ҳеч ҳам ундай эмас (5).
- 17. Бошқалар түғрисида ҳаддан ташқари бераҳмларча фикр юритаман.**
- А. тез-тез (0);
Б. баъзида (3);
В. камдан-кам (5).
- 18. Қатор омадсизликлардан кейин ҳар доим муваффақият келади.**
- А.бу мўъжизага ишониш эканлигини билсамда,бунга ишонаман (5);
Б. бўлиши мумкин, лекин бунинг исботи йўқ (3);
В. ишонмайман, чунки бу мўъжизага ишонишдир (0).
- 19. Мен ўзимни тажовузкорона тутаман.**
- А. тез-тез (0);
Б. баъзида (3);

В. камдан-кам (5);

20. Яккаланиб қоламан.

А. жуда камдан-кам (5);

Б. баъзида (3);

В. ҳаддан ташқари тез-тез (0).

21. Одамлар бирорвга яхшиликни раво кўрмайдилар.

А. кўпчилиги (0);

Б. баъзилари (3);

В. ҳеч ҳам ундаи эмас (5).

22. Одам ўзи жуда хоҳлаган нарсасига эришиши мумкинлигига ишонмайман.

А. чунки бунга эришган одам борлигини билмайман (0);

Б. баъзида бунга эришилади (3);

В. бу ундаи эмас, мен ишонаман (5).

23. Менинг олдимга қўйган талабларим кўпинча имкониятларимдан юқори бўлади.

А. тез-тез (0);

Б. баъзида (3);

В. камдан-кам (5).

24. Ҳар бир одам ўзининг ташқи кўринишидан кўнгли тўлмаса керак

А. ҳа, шундай деб ўйлайман (0);

Б. баъзида бўлса керак (3);

В. мен ундаи деб ўйламайман (5).

25. Мен нимадир қилаётган ёки гапираётган вақтимда одамлар мени тушунмайдиган ҳоллар бўлиб туради.

А. тез-тез (0);

Б. баъзида (3);

В. жуда камдан-кам (5).

26. Мен одамларни яхши кўраман

А. ха (5)

Б. бу фикр жуда умумий (3)

В. йўқ (0)

27. Мен қобилиятларимга ишонмайдиган ҳоллар ҳам бўлиб туради.

А. тез-тез (0);

Б. баъзида (3);

В. камдан-кам (5).

28. Менинг ўзимдан кўнглим тўқ.

А. тез-тез (5);

Б. баъзида (3);

В. камдан-кам (0).

29. Бошқаларга нисбатан одам ўзига кўпроқ танқидий муносабатда бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

А. ҳа (0);

Б. билмайман (3);

В. йўқ (5).

30. Ўз ҳаётий режаларимни амалга оширишга кучим етишига ишонаман

А. ҳа (5);

Б. бу турлича бўлади (3);

В. йўқ (0).

Натижалар талқини:

Дикқат: Агар сиз қуийдаги жуфтликлар:

3 ва 18:9 ва 25:10 ва 23:12 ва 22 да бир ҳил миқдорда баллар

(масалан, 0 ва 0 : 3 ва 3 : 5 ва 5) олмаган бўлсангиз, демак, сиз тўплаган умумий натижангизни тасодифий, нотўғри деб ҳисоблаш мумкин.

0-40 балл. Афсуски сиз комплексисиз. Ўзингиз тўғрингизда салбий категориялар билан фикр юритасиз, ўзингизнинг заифликларингизга, камчиликларингизга, ҳатоларингизга “ёпишиб қолгансиз”.

Доимий равищада ўзингиз билан курашасиз, бу эса ҳам сизнинг комплексларингизни, ҳам шароитнинг ўзини чуқурлаштиради, одамлар билан бўлган муносабатларингизни янада мураккаблаштиради. Ўзингиз тўғрингизда бошқачароқ ўйлаб кўринг: ўзингизда мавжуд бўлган кучли, илиқ, яхши ва хурсандчилик ҳолатларга эътиборингизни тўпланг. Кўрасизки, жуда тез кунда сизнинг ўзингизга ва атроф-оламга бўлган муносабатингиз ўзгаради. Сиз шу нарсага амин бўласизки, одамлар сизга яхши муносабатда бўла бошлайдилар. Сиз ўзингиз ҳам, атрофингиздаги одамлар ҳам яхши, меҳрибон бўлганини ҳис қиласиз.

Одамларга ҳам, ўзингизга ҳам табассум қилинг.

41-80 балл. Сиз ўз комплексларингизни яхши уddaлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Умуман бу комплекслар сизга яшашингиз учун унчалик ҳалакит бермайди. Вакти-вақти билан сиз ўзингизни, ўз ҳатти-харакатингизни таҳлил қилишдан кўрқасиз. Шуни эсда тутинг; бошни кумга тикиб яшириниш-умуман самарасиз иш, у ҳеч яхшиликка олиб келмайди, факат қисқа вактга шароитни енгиллаштиради холос. Ўзингиздан қочиб кетолмайсиз, бардам бўлинг. Ҳар қандай муаммоларни бартараф этишга кучингиз етади.

81-130 балл. Ҳар қандай нормал одам сингари сиз ҳам комплекслардан ҳоли эмассиз, лекин ўз муаммоларингизни моҳирлик билан бартараф эта оласиз. Ўз хулқ-авторингизни ва бошқаларнинг ҳатти-харакатларнинг объектив баҳолайсиз. Ўз тақдирингизни ўз қўлингизда ушлайсиз. Давраларда ўзингизни енгил ва эркин ҳис қиласиз, одамлар ҳам сизнинг даврангизда ўзларини худди шундай енгил ҳис қиладилар. Маслаҳатимиз: доимо шундай бўлинг!

131-150 балл. Сиз ўзингизда “умуман комплекс йўқ” деб ўйлайсиз. Ўзингизни алдаманг, бундай бўлиши умуман мумкин эмас. Сиз ўйлаб топган дунёнгиз ва қиёғангиз-ҳақиқатдан узок. Ўз-ўзини алдаш ва ўз-ўзига баҳо ҳавфсиз нарса эмас.

Ўзингизга ён атрофдан қарашга ҳаракат қилинг. Комплекслар шунинг учун ҳам берилганки, ё уларни уddaсидан чиқиш керак, ёки уларни севиб қолиш керак. Сизнинг ундей қилишга ҳам, бундай қилишга ҳам курбингиз етади. Акс ҳолда, ўз-ўзингизни яхши

күриш комплексингиз манманлик, димоғдорликка ўсиб ўтади, атрофдаги одамларнинг сизга нисбатан нафратини юзага келтиради, сизнинг ҳаётингизни сезиларли даражада бузади.

33 - тест. “Ўзингизга қандай баҳо берасиз?” тести

Кўйида сизга тўғри келадиган ҳолатларни баҳоланг: жуда, тез – тез -4 балл; тез – тез -3 балл; баъзан -2 балл; онда – сонда - 0 балл:

1. Тез-тез ҳе-йўқ, бе-йўқ хаяжонланиб кетаман.
2. Дўстларим кўллаб-кувватлаб туришларини истардим.
3. Аҳмоқ, нодон бўлиб, кўринишни ҳохламасдим.
4. Ўзгаларнинг ташқи кўриниши меникидан дурустроқ.
5. Мени кўпчилик тушунмаслиги қанчалик афсусланарли.
6. Ўз келажагимдан хавотирдаман.
7. Одамлар билан кўнгилдагидек суҳбатлаша олмаслигимни сезиб қоламан.
8. Одамлар мендан кўп нарса кутишади.
9. Ўзимни бесаранжом сезаман.
10. Менга тез кунларда бирор кўнгилсизлик бўладигандек туюлаверади.
11. Одамлар кетимдан ғийбат қилаётгандек туюлаверади.
12. Одамлар Менга қандай муносабатдалиги қизикириади.
13. Ўзимни бехавотир ҳис қила олмайман.
14. Фикрларим билан ўртоқлашадиган кимса йўқ..
15. Одамлар ютуқларим билан унчалик ҳам қизиқавермайди.

Натижалар талқини:

10 баллдан камроқ. Бошқалардан ўзингизни устун қўйишга, уларга қараганда кўп биламан деб ўйлашга ва мақтончоқликка чек кўйинг. Бунда бошқача тамойил бўйича иш тутганингиз маъқул. Масалан, барча келишмовчиликларга ўт қалаган ёки бошқаришга бош сабабчи ўзимман деган.

10 дан 30 баллгача. Рухий камолотдан дарак беради. Бундай ҳолатларда ўз куч, ғайрат ва имкониятларингиздан оқилона фойдалана оласиз. Жиддий ишни ҳам бемалол уddeлашингиз мумкин. Бўш келманг!

30 балдан кўпроқ. Ўзингизга етарлича баҳо бераолмас экансиз.

34 - тест. “Ўзингизни назорат қила оласизми?” тести

Фараз қилайлик, Сизнинг ақл-хушиңгиз жойида, ҳаётингиз жуда яхши бир маромда тинчгина ўтмоқда ва ўзингизнинг ҳаммадан баҳтли эканлигингизни инкор этолмайсиз. Лекин, ана шундай ҳолатни бир умр ҳаётингиз мобайнида сақлай олишиңгизга қурбингиз етадими? Қуйидаги тест саволлари орқали ўзингизни аниқлашингиз мумкин. Фақат ҳар бир саволга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериб, ўз куч ва иродангизни текшириб кўришиңгиз зарур.

1. Мен ўз зиммамдаги масъулиятимни ёки бирор хато ва камчилигимни яқин кишиларим елкасига ағдармайман.
2. Баҳтли оиланинг мустаҳкамлигини, осойишталигини асраш-оила аъзоларининг бир-бирига бўлган ишончларида, деб ўйлайман.
3. Ўзим танлаб, севиб бирга яшаётган умр йўлдошимни танлаганимга ҳеч ҳам пушаймон бўлмаганман.
4. Мен аслида бошқалар ўйлагандан кўра сахий ва ишончли одам эканлигимга ишонаман.
5. Мактабда ўқиб юрган кезларимда бирор марта бўлса-да, уйга берилган вазифамни бажармай туриб кўчага ўйнагани чиқмаганман.
6. Ҳаётимда ҳар доим турмуш ўртоғим ва ота-онамнинг маслаҳатларига амал қиласман.
7. Севги-муҳаббат хақидаги кинофильмларни кўрганимда, кино қаҳрамонларига раҳмим келиб кўзларимдан ёш чиқиб кетади.
8. Турмуш ўртоғим билан умумий танишларимиз хақида гийбатлашмайман.
9. Ҳар сафар бир янги одам билан танишганимда, унинг мен ҳақимда ёмон фикрга бормаслигига ҳаракат қиласман.
10. Турмуш ўртоғига сездирмаган ҳолатда четда бўладиган муҳаббат, оилани фақат мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.
11. Фарзандларим ҳеч қачон жаҳлимни чиқармайди.
12. Агар баъзи бир шароитлар ғов бўлмаганида эди, ҳозиргидан кўра яхшироқ мавқега эга бўлардим.
13. Турмуш ўртоғимга уни учратгунимга қадар бўлиб ўтган учрашувларим ҳақида айтмаганман.
14. Бирорвга баҳиллик қилиш ёки ғараз билан қарааш менга ёт нарса.
15. Ўз оиласини сақлаш мен учун ҳамма нарсада муҳим.

Тест калити:

“Ха” ёки “Йўқ” жавобларини ҳисоблашда қуйидаги жадвалдан фойдаланинг:

| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
|-----|---|----|----|----|----|----|---|----|----|----|----|----|----|----|----|
| Ха | 3 | -3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | -3 | 3 | 3 | 3 | 3 | -3 | -3 | -3 |
| Йўқ | 3 | 3 | -3 | -3 | -3 | -3 | 3 | -3 | -3 | -3 | -3 | 3 | -3 | -3 | -3 |

Натижалар талқини:

0-21 балл. Сизнинг шиорингиз “Бунда ўзгалар айбдор, мен бегуноҳман”. Баъзида ҳамма гап-сўзни ичингизга ютиб юраверасиз, ўзингизга фойда келтирадиган тарзда чиқаришингиз мумкин экан. Сирингиздан огоҳ бўлганлардан ҳавфсираб қийналасиз. Ўзингизга юқлатилган масъулиятни бажаришда иродасизлик қиласиз ва бунда кишиларни очиқ ва киши билмаган ҳолда айблайсиз.

22-45 балл- Сиз “Ўлай агар ҳеч нарса бўлган эмас” дея, болалигиниздан воқеа ҳодисаларни безаб, бўрттириб бошқаларга етказасиз. Энг ёмони Сиз ўзингизга ишонмаганингиздек, яъни ўзингизни ўзингиз назорат қилишдек туйғуга эга бўла олмаганингиздек, бошқалар ҳам Сизга ишонмайди.

-1 дан -21 баллгача- Сизнинг шиорингиз “Индамаслик, яъни сабрнинг таги сариқ олтин”. Ўзингизни тўғри сўз, ҳалол инсон деб биласиз. Ўзингиз ва оиласиз мустаҳкамлиги олдида масъулиятни сезасиз. Сиз ўзингизни назорат қила олиш ва оиласиз мустаҳкамлигини сақлай олиш мавқеига эга инсонсиз.

-22 дан -45 баллгача- Сизнинг шиорингиз “Ҳеч қачон ўзимни ўзим кечира олмайман”. Умуман ёлғон гапира олмайсиз. Ўз яқинларингизга ёмонликни рано кўрмаган бир пайтингизда бошқа нарсага чора ҳам, ирова ҳам тополмай пушаймон бўлишга майилроқсиз. Сиз на ўзингизни, на оиласиз мустаҳкамлигини назоратда сақлай оласиз. Ҳаракатингизни ўзгартирмасангиз, охир оқибатда оиласиз барбод қилишингиз мумкин.

35 - тест. “Инсон характеристи” тести

Психолог учун одамнинг қай тарзда овқатланиши ҳам катта аҳамиятга эга:

- ўқиётган пайтда овқатланиши - бу одам жуда оқил, бир нечта ишни бир вақтда қилади;

- юриб кетаётганды овқатланиш - одамнинг тартибсиз ва ўз вақтини ёмон режалаштиришидан далолат беради;
- тез овқатланиш - ҳаётда тезликни яхши кўради, ҳамма ишни дарров тамомлаб бошқаларини бошлашга интилади;
- секин ейиш - ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан ва майда қувончлардан ҳам роҳатланиб қолишга интилади;
- режим бўйича овқатланиш - жуда тартибли, ўз вақтини тежашга харакат қилади.

Психологлар одамнинг бармоқларидан ҳам унинг характерини билиши воситасида фойдаланадилар:

- узун ва нозик бармоқлар. Улар нозик ишларни яхши кўради ва жуда ҳам таъсиран;

- калта ва семиз бармоқлар. Жуда интилувчан ва руҳан кучли одам, ҳиссиётлардан кўра ўз ақли ва кучига ишонади.

Олқишилаш тарзи ҳам психологларни бефарқ қолдирмайди:

- агар олқишилаш жараёнида чап қўл юқорида бўлса, у одам кўпроқ ички туйғуларга қараб иш кўради.

-агар ўнг қўл юқорида бўлса, унда бу одам ўз мантиқига асосланиб иш кўради;

- агар шовқин солиб кафтини бир-бирига қаттиқ урса, у одам очиқ ва тўғридан-тўғри одам. Агар бир нима ёқмаса кўп шовқин қилади, агарда бир нима ёқса унда ҳам шовқин қилади. Лекин бу сафар у ҳеч иккимасдан ўзига ёқсанлигини айтади кўяди;

- бармоқларини кафтига уриш. Уятчанг, ўзига ишонмайдиган одам, бошқаларнинг фикрини эшишиб, фикрлари ўзгариб нима қилишини билмай қолади. Ўзининг жим туришидан уялади.

Психологлар инобатга оладиган яна бир нарса бу қўл сиқиши услубидир:

- узоқ қўл сиқишиш. Лидерлик учун яширин курашни билдиради. Охирги қўлинин тортган одам ғолиб хисобланади;

- зўрга, ёқар-ёқмас қўл сиқишиш. Бу классик қурбон турига киради. Унинг энг кучли хисобланган ва қўлидан келадиган иши - бу кучсиз ва қарорсиз бўлишдир;

- қўл сиқишаётгандардан бири дарров қўлинин тортиб олса, у шубҳалидир. Агар унга жуда ҳам дўстона муносабатда бўлсанг, у ўзидан нима хоҳлашаётганини билишга интилади ва эҳтиёткорлик чораларини кўради;

- қўл сиқишишдан кочса, уятчанг, ёпиқ, тушумловчиликлардан қочади;

- күлгә дарров ва қаттиқ ёпишиш. Ғалабага интилади, бунинг учун ҳамма воситаларни ишга солади.

36 - тест. «Сиз қандай кишисиз?» тести.

(Пифагор бүйича характерни анықлаш)

Инсондаги фазилат ва хислатлар Пифагорнинг фикрига биноан унинг туғилган куни, ойи ва йили билан бөлгүлөк экан. Буни қўйидаги мисолда кўрамиз.

1. Туғилган вақти 7. 10. 1970.

-Туғилган кун рақамларини ва ойи рақамларини қўшамиз:

$$7+1+0=8$$

-Туғилган йил рақамларини қўшамиз

$$1+9+7+0=17$$

- Ҳар иккала сонни қўшамиз

$$17+8=25 \text{ биринчи саноқ сон}$$

-Биринчи саноқ сони рақамларини қўшамиз

$$2+5=7 \text{ иккинчи саноқ сон}$$

- Биринчи саноқ сонидан 2 сонини айирамиз

$$25-2=23 \text{ учинчи саноқ сон}$$

-Учинчи саноқ сонни қўшамиз

$$2+3=5 \text{ тўртинчи саноқ сон}$$

2. Биринчи қатордаги рақамларга туғилган вақти иккинчи қаторга эса биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи саноқ сонларидан ташкил топган рақамларни кўйиб, ҳар иккала қатордаги рақамлар сонини қўшиб чиқамиз.

$$1 \text{ қатор} = 7 \ 1 \ 9 \ 7$$

$$11 \text{ қатор} = 2 \ 5 \ 7 \ 2 \ 3 \ 5$$

Олинган рақамларга асосланиб Пифагорнинг сехрли жадвалини тўлдирамиз. Бунинг учун тўққизта катакли жадвални чизамиз ва уни тўлдиришда ҳар иккала қатордаги бир хил рақамлар сонини жадвалнинг тегишли квадратларига ёзиб чиқамиз.

Масалан, бизнинг келтирган мисолимизда ҳар иккала қаторда.

$$1. = 1 \text{ марта}$$

$$5. = 2 \text{ марта}$$

$$2. = 2 \text{ марта}$$

$$6. = 0 \text{ марта}$$

$$3. = 1 \text{ марта}$$

$$7. = 3 \text{ марта}$$

$$4. = 0 \text{ марта}$$

$$8. = 0 \text{ марта}$$

$$9. = 1 \text{ марта қатнашмоқда.}$$

Сиз ўзингизни билиб олишингиз учун юқорида ўргатилган тартибда рақамларингизни ҳисоблайсиз. Сўнгра эса 1 дан 9 гача сонларингизнинг такрорланиш даражасини аниқлаб оласиз. 0 сонини инобатга олмайсиз.

Ҳар бир рақамларингиз мазмуни куйидагилар билан тавсифланади.

1- квадрат (характер, яъни табиатингиз)

1= Ўзини яхши кўрадиган одам.

11= Баъзан ўзини ҳамма нарсадан устун қўяди.

111 = Яхши одам, бир гапдан қоладиган.

1111 = Ўзини эркин тутади, кучли иродали.

11111 = Сержаҳл одам.

111111 = Сержаҳл, аммо қариндошлари учун ҳар қандай ёрдамга тайёр. Характери оғир.

2- квадрат (Биоэнергия даражаси)

0 = 2 сони йўқ одам. Биоэнергия кам, уни қабул қилиш учун барча имкониятлар очик. Бундай кишилар:

- Эски буюмларни яхши кўрадилар.

- Атрофдагилар билан ёмон муносабатда бўлмайдилар.

- Бошқалар ҳисобидан овқатланиш пайда бўладилар.

- Туғилишдан тарбияланган бўладилар.

2 = Яшаш учун биоэнергия етарли. Аммо айни босқичда бу даражадаги биоэнергия етарли эмас. Спорт билан шуғулланмоқ даркор. Атрофдаги ҳодисаларга нисбатан жуда зийрак. Масалан, атмосферадаги ўзгаришлар, об-ҳаво бузилиши кабилар унга дархол таъсир этади. Бўгинларида ёмғирни ҳис этиш кузатилади.

22 = Биоэнергия етарли, бошқаларни даволаш мумкин.

222 = Яхшигина экстрассенс.

2222 = Бундай кишилар аёллар, оташин ва жўшқин кишиларни яхши кўрадилар. Эҳтирослари кучли бўлади.

3 - квадрат (Тартиблилик даражаси)

0 = Жуда пухта, аниқ киши. Шу жиҳати билан атрофдагилардан ажralиб туради.

3 = Тартибсизлик бундай кишиларни безовта қиласди, лекин барча ишларни хохласам қиласман, хохламасам қilmайман қабилида ишлайдилар. Барча нарса уларнинг кайфиятига боғлик.

33 = Илм-фанга мойил кишилар. Улардан яхши физиқлар ёки математиклар етишиб чиқиши мумкин.

333 = Илм-фанга мойил кишилар. Пухталик, синчковлик қучли. Агар улар илм-фанга жорий қилинмаган бўлса, уни амалга оширишга қаттий кишилардир. Амалга оширолмай қолсалар, серзарда бўладилар.

4- квадрат (Соғломлик даражаси)

0 = Бундай кишилар соглиги яхши эмас. Агар жадвал квадратларида битта ҳам икки (2) бўлмаса, у ҳолда соғлиги ҳакида жиддийроқ ўйлашга тўгри келади.

4 = Унчалик касалманд эмас. Бундай соғлиқлик даражаси барчага хос бўлиб, кўпчиликда кузатилади.

44 = Жуда ҳам соғлом ёки юқори даражада жўшқин, оташин, серзавқ киши.

444 = Соғломлик даражаси бошқаларга нисбатан икки марта юқорилиги билан ажралиб туради. Жўшқин эҳтирос соҳиблариридир.

5- квадрат (Зийраклик, интуиция даражаси)

0 = Бундай кишилар у ёки бу нарсани исботлашга уринишади. Улар доимо фикрлашда, хисоб-китоб, тажрибада бўлади. Зийраклик кўрсаткичлари йўқлиги туфайли ҳаётда кўп хато килишлари мумкин. Шунинг учун бошқаларга эътиборли бўлиш лозимлигини уқтирамиз.

5 = Тугилишда зийраклик, яъни ҳис этиш канали очилган бўлади. Шунинг учун бу одамлар камроқ хатоларни амалга оширадилар.

55 = Зийраклик кучли ривожланган бўлгани учун улардан яхши юристлар, терговчилар етишиб чиқиши мумкин.

555 = Бўлиб ўтаётган нарсаларни олдиндан кўрадилар, тушунадилар, қиласётган ишларини биладилар.

5555 = Олдиндан ҳамма воқеа ва ҳодисаларни кўрадиганлардир. Уларда ҳатто вақт ва макондан ташқарида узоқни кўриш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, кўзи ожиз болгарилик аёл-башоратчи Ванга каби.

6- квадрат (Мутахассисликка мойиллик даражаси)

0 = Улар мутахассисликка эга бўлиш учун туғилган. Улар учун жисмоний меҳнат зарур.

6 = Улар учун жисмоний меҳнат зарур, аммо таълим олишни ҳам ўйладиган кишилар.

66 = Жисмоний меҳнат зарур эмас, барча нарсани қила олади.

666 = Оташин ва жўшқин кишилар. Уларнинг шериклари кўп икки сонига эга бўлиши керак.

6666 = Улар күп мөхнат қиласылар. Улар учун жисмоний мөхнат қилишнинг чегараси йўқ. Доимо мөхнат билан бандирлар. Улар албатта институтларга киришлари керак.

7-квадрат (Иқтидорлилар даражаси)

0 = Улар иқтидорли бўлишга интилувчан кишилар ва шунинг учун тугилган. Аммо иқтидорини раҳм-шафқат йўли билан қўлга киритишга харакат қиласылар. Уларнинг ҳаёти сермеҳнат.

7 = Иқтидорли, аммо яққол кўринишда эмас. Ўз манфаатларидан ҳам воз кечиб, кишиларга яхшилик, эзгулик кўрсатишга интиладилар.

77 = Жуда ҳам кучли, фариштамонанд аломатли кишилар, мусиқага қизиқувчи. Мусаввирлик қобилияти бор ва расм чиза оладилар. Улар пичоқ дами устида юрадилар, улар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам уддасидан чиқадилар. Улар учун ёпиқ эшиклар ўзи бўлмайди.

777 = Ўзига хос аломат. Улар учун ҳаёт ниҳоятда оғир кечади.

7777 = Бу хавотир, ташвиш аломати, жуда ҳам хушёр. бўлиши керак.

8-квадрат (Мажбурийлик даражаси)

0 = У ёки бу олган нарсасини қайтариб беришга шошилмайди.

8 = Юксак бурчли кишилар.

88 = Юксак бурчли киши, доим ёрдам бериш истагида юради.

888 = Халққа хизмат қилишни юксак бурч деб ҳисоблайдилар. Бу аломат И.Гандига хос аломатdir.

8888= Аниқ фанларни ўрганиш қобилиятига эга.

9-квадрат (Ақл)

9 = Ақлли бўлиш учун курашиши керак.

99 = Туғма ақлли одам, хохишсиз ўрганади.

999 = Жуда ҳам ақлли. Қийинчиликсиз ҳамма нарсага эришади.

9999 = Улар учун ҳақиқат ҳар доим очиқ, нодир ақлли, аммо шафқатли эмас.

«Одамларнинг бир-бирига қиласидиган таъсири, уларнинг тақдирiga сайдералар ва юлдузларнинг таъсир кучидан кам эмас».

Энди, ҳурматли ўқувчи, биз инсонларнинг гоҳида тақдирли ва ҳолатига қай даражададир таъсир этадиган юлдузлар башоратини келтирмоқчимиз. Албатта, буни билиш ва қаттиқ ишониш мумкин. Лекин нима бўлгандан ҳам Сизнинг ақл ва тафаккурингизга кўп нарса боғлиқ эканлигини унутмаслигингиз даркордир.

ЮЛДУЗЛАР БАШОРАТИ.

| | | |
|------------------------|---|----------------------|
| 21 март - 20 апрел | - | Ҳамал - Қўй |
| 21 апрел - 21 май | - | Савр - Бузоқ |
| 22 май - 21 июн | - | Жавзо - Эгизаклар |
| 22 июн - 22 юул | - | Саратон - Қисқичбақа |
| 23 юул - 23 август | - | Асад - Арслон |
| 24 август - 23 август | - | Сунбула - Паризод |
| 24 сентябр - 23 октябр | - | Мезон - Тарозу |
| 24 октябр - 22 ноябр | - | Акраб - Чаён |
| 23 ноябр - 21 декабр | - | Қавс - Ўқотар |
| 22 декабр - 20 январ | - | Жадий - Тоғ эчкиси |
| 21 январ - 18 феврал | - | Даљв - Қовға |
| 19 феврал - 20 март | - | Хут - Балиқ |

21 март - 20 апрелда туғилган эркаклар - Қўй.

Агар сиз ҳаётингиз доимо байрам ва шовқин-сурон билан ўтишини истайдиган аёл бўлсангиз, Қўй айнан сиз орзу қилган одам бўлади. Лекин оиласвий турмушда мустаҳкамлик ва осойишталик истасангиз, у сиз излаган қаҳрамон эмас. Унинг ғоялари, режалари ва ижодий куч-ғайрати доим ошибб-тошиб ётади, шунинг учун у билан доим бирга бўлиш сизни чарчатади, лекин ҳеч қаҷон зериктирумайди.

Қўй сабр-тоқатсиз, дадил ва ўз қучига ишонувчан бўлади, у хамиша, ҳар бир нарсада ўзгалардан ўзиб кетишга ҳаракат қиласди. Гоҳида у ҳаддан ташқари саҳий бўлади, ҳатто имкони бўлмаган пайтда ҳам бировга кўмак беришни истайди. Унинг хоҳишилари, истаги шу заҳоти битмаса жиги-бийрон бўлади.

Қўйларнинг ташқи кўринишидан ҳам ўзига ишонч ва дадиллик кучи сезилиб туради. Дунёда ҳеч бир нарса Қўйларни гангитиб кўймайди, улар ҳеч қаҷон тушкунликка тушмайди. Улар ҳаддан ташқари чўрт кесар, ёлғончилик, иккюзламачилик уларга бегона, адолатсизликка ҳеч тоқат қилолмайдилар.

Шу билан бирга масъулиятсизлик ҳам Қўйларга хос қирра. Гоҳида бирон нарсага каттиқ қизиқиб қолиб ўз бурчларини унутиб кўйишилари ҳам мумкин. Қўйлар табиатан дадил, тадбиркор ва жасур бўлишса ҳам, лекин улар кўрқадиган нарсалар ҳам бор. Аждархого дуч келса ҳам пинагини бузмайдиган Қўйлар жисмоний оғриққа мутлақо тоқат қилолмайдилар. Уларни ҳечам қўрқоқ деб айтиб бўлмайди, лекин сал оғриқдан нолишга ва шикоят қилишга тушишади. Тиш даволовчи шифокорларни эса уларнинг энг биринчи

дүшмани деса бўлади. Муғомбирлик Қўйга мутлақо бегона, шунинг учун сиздан норози эканлигини дарров сезасиз, арзимаган нарсага унинг тез жаҳли чиқади, лекин шунча тез босилади ҳам. Жанжалдан кейин у кўпинча биринчи бўлиб кечирим сўраб ўзи сизга ёрдамга келади.

Қўйнинг жуфти-ҳалоли ўта латофатли, лекин шу билан бирга ўзига ўхшаб мустақил бўлишни истайди. Эрингиз қўй буржи остида туғилган бўлса, унинг эркинлигига қаршилик қила қўрманг, яхиси хушмуомалалик билан унинг ҳаддан ташқари жўшқинлигини жиловлашга ёрдам беринг. У ҳаётда бош бўлиши керак, йўқса унинг учун ҳаёт ўз маъносини йукотади, шунинг учун унинг ташаббусига тўқсинглик қилманг. Қўйнинг ишдаги ёки уйдаги устунлиги тугаши билан бутун вужудини қаттиқ норозилик, кейин эса бепарволик эгаллаб олади. У бирорга буйсуниш қобилиятидан мутлақо маҳрум эканлигини унутмасангиз, сизнинг барча орзу умидларингизни рӯёбга чиқариши ҳеч гапмас.

21 март - 20 апрелда туғилган аёллар - Қўй.

Қўй буржи остида туғилган аёллар бошқа аёллардан дадиллиги ва мустақиллиги билан ажralиб туришади. Ҳар қандай қийин ишни ҳам улар эркаклардан кўра тез ва осон бажаришга кодирлар. Улар ҳамма соҳада пешқадам бўлишни, ташаббусни қўлдан бермасликни яхши кўришади. Аёллик латофати билан бир қаторда зарур вазиятларда уларнинг мардлик матонати эркаклардан қолишмайди ва энг катта қийинчиликларни ҳам енгиб ўтишади.

Қўй буржи остида туғилган аёл сизни севиши учун авваламбор сиздан фахрланиши керак бўлади. Бадфеъл эркакларни ёмон кўришлари билан бир қаторда лапашанг, бебурд кишилардан ҳам ҳазар қилишади. Улар ниҳоятда қўли очик, сахий бўлишади, сиздан вақтини ҳам, дўстлигини ҳам, моддий ва маънавий бойлигини ҳам аяшмайди. Севимли ёрига нисбатан улар факат бир жиҳатдан хасислик қилишади. Улар жуфти ҳалолини ўз мулки деб ҳисоблашади. Қўй ҳаддан ташқари рашикчи бўлади. Шунинг учун унинг олдида бошқа аёлларни мақтай қўрманг. Агар уни хафа қилисангиз, шу заҳоти хатти-ҳаракатларида кескин ўзгариш сезасиз - ёниб турган олов бир зумда музга айланади. Қўйнинг «олови» узоқ ёнади, лекин «музи» ҳеч қачон эrimайди. Уни ҳақиқатан ҳам севсангиз буни унутманг. Агар унга нисбатан сизда жиддий туйгу

эмас, шунчаки қизиқиши бўлса, унда у билан узоқ вақт бирга бўла олишингиз гумон, чунки *Қўй* билан фирромлик кетмайди.

Қўйнинг олдида унинг ёрини, эрини ёки болаларини танқид қила кўрманг - ҳаётингиз хавф остида қолиши мумкин.

Бу аёллар ҳаётда эришолмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бирон бир мақсадни кўзладими тамом, осмон узилиб ерга тушса ҳам ўз мақсадига албатта эришади. Одатда мўъжизалар мўъжизага ишонадиган одамларга шерик бўлишади. *Қўйлар* айнан шундай одамлар қаторидан. Уй бекаси сифатида *қўйларни* мақташ қийин. Овқатни боплаб пишира олса ҳам, лекин бу ишни жони дили билан бажаради деб бўлмайди.

Қўйлар бесабаб жаҳл қилишга ва жанжал топишга мойил бўлишади. Лекин жаҳли ҳам баҳорги қорга ўхшаб куёш нури остида тез эриб кетади.

21 апрел - 21 майда туғилган эркаклар - Бузок.

Бузок буржи остида туғилган эркакни камсуханлиги ва вазминлигидан таниса бўлади. Агар сиз унинг яқин дўстлари қаторидан бўлсангиз сиз билан суҳбатда у кўпинча «ҳа», «йўқ», «раҳмат», «хайр» каби сўзлар билан чекланиши аниқ. Суҳбатда ҳам, ҳатти-ҳаракатда ҳам ҳеч шошилмайди, ҳеч бир фавқулодда нарса билан уни гангитиб бўлмайди. Унинг бошидан бир пақир совуқ сув қуишингиз, мушт ўқталишингиз, ҳақлигимни исботлайман деб хоҳлаганингизча бақириб-чақиришингиз мумкин, агар у ўзини ҳақ деб билса буларнинг бари бефойда, у пинагини ҳам бузмайди. *Бузок* ниҳоятда тинчликсевар бўлади, бироннинг олдидан кесиб ўтмайди, лекин унга ҳам ҳалақит бермасликларини истайди. Уни тинч қўйсангиз - ўзини баҳтиёр сезади, хархаша қиласверадиган бўлсангиз, оёғини тираб олади. Лекин ҳаддан ташқари жигига тегаверсангиз ҳолингизгавой. Унинг жаҳли даҳшатли, йўлида тўғаноқ бўлган ҳамма нарсани ер билан яксон қиласди.

Бузок буржи остида туғилган одамга турмушга чиққан аёл ҳаётда ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмайди. *Бузок* майд-чуйда ҳаваслар ва беҳуда ҳаёлпарастлика бериilmайди, ўз бойлигини ҳам, жамиятдаги ўрнини ҳам ўз қўллари билан яратади. У бенуқсон эр эмас албатта, қўпол ва хархаша қиласидиган хотинга мутлақо тоқат қилолмайди. Эрингизнинг олдида биронларга ўз фикрингизни билдиришга ёки бирон-бир баҳсга аралашибни ҳаёлингизга келтира кўрманг, у билан яккама-якка bemalol гаплашишингиз мумкин албатта, лекин

бегоналар олдида оғзингизни очакүрманг, чунки у оилада ҳамма ишга бош бўлиши керак.

Бузоқ ўта сабр-тоқатли бўлади, лекин ўзини бурнидан ҳалқа ўтказишларига йўл қўймайди.

У жуда кўп ишлайди, шунинг учун яхши дам олишга ҳам муҳтоҷ бўлади. Ҳеч қачон уни имиллаб иш қилишини танқид қилманг. Бундай танқид унга бунақа қизил мато кўрсатиш билан teng. Уни қисташ нафақат бефойда балки хавфли ҳамdir.

У шовқин-суронни, баланд овозни, тартибсизликни ҳам ёқтирмайди. Уйида доим озодалик, тинчлик ва саранжомлик бўлишини хуш кўради. Агар сиз ҳақиқий аёл, яхши уй бекаси ва меҳрибон она бўла олсангиз, шунда сиз бундан яхши эр тополмайсиз. Ҳеч ким сизни у каби ардоқламайди. Қолаверса, оиланинг моддий муаммолари деярли йўқ бўлишини инобатга олсак, аёл киши яна нимани орзу қилиши мумкин.

21 апрел - 21 майда туғилган аёллар - Бузоқ.

Ҳар бир эркак аёл кишида бўлишини орзу қилган барча хислат ва фазилатлар бузоқ буржи остида туғилган аёлларда мужассамланган. Агар сиз унинг сабр-тоқатини ҳаддан ташқари кўп синайвермасангиз, у ҳамиша мулойим ва ёқимли бўлиб қолаверади.

Унинг табиий ҳалоллиги одатда аёлларга хос бўлган маккорлик ва шайтонликдан уни мутлақо бегона қилган. Унинг руҳий кучи, ҳар қандай бақувват эркакнинг руҳий кучидан устун келади, лекин буни намойиш қилмасликка ақли етади. У ҳақиқий аёлдир, шунинг учун ҳам ҳақиқий эркакни ахтаради. Бундай аёллар ўз душманларига деярли ҳеч эътибор беришмайди, лекин дўстлари учун ҳар қандай фидойиликка тайёр бўлишади. Улар деярли ҳеч қачон рашк қилишмайди, лекин эрини рашк қилишга ҳақиқатдан ҳам асоси пайдо бўлса, бу эрга ҳавас қилиб бўлмайди.

Улар ажойиб пазанда бўлишади, бу эса, биламизки эркакнинг кўнглини овлашга энг қисқа йўл. Улар ўз уйларини саранжом-саришталик ва озода сақлашади, болаларига нисбатан ғамхўр ва меҳрибон она бўлишади. Бузоқ буржи остида туғилган аёлга уйланган эркак албатта ўз турмушидан мамнун бўлади. Бу аёллар тўқликни яхши кўришади, шунинг учун эрини топган-тутганини ўз жойига қўйиб хўжаликни оқилона бошқаришади. Яхши кийим кийиш ва чиройли шароитда яшашни хуш кўришлари билан бир қаторда улар бу неъматларнинг барига бирданига эга бўлишни талаб қилишмайди,

балки чексиз сабр-тоқат билан шундай вактларни кутиб яшашади ва буларга эришишади ҳам. Бу аёллар чиндан ҳам оиласи турмуш учун яратилган ва ўз оиласининг фаровонлиги, тинчлиги, баҳти учун ҳар қандай мушкул ишни бажаришга, ҳар қандай қийинчиликка чидашга кодирлар.

22 май - 21 июнда туғилган эркаклар - Эгизаклар.

Ўтқир ақл сохиби ва сўз устаси бўладиган Эгизаклар ҳар қандай оғзаки тортишувда ғолиб чиқишади. Кундалик, арзимас бўлиб кўринган ишларни бажаришдан улар ўзларини қафасда қамалгандай сезишади, бесабрлилик эса уларнинг энг аниқ белгиси. Уларнинг сўзга усталиги шунчалик буюкки, ҳар қандай одамни ҳар қандай гапга ишонтира оладилар. Эгизакнинг оғзидан чиқсан энг беъмани фикрлар ҳам оқилона бўлиб кўринади, ёлғон эса рост бўлиб туюлади. Шунга қарамасдан Эгизаклар ҳаддан ташқари ҳалол одамлар бўлишади, лекин айримлари гапни бўрттириб гапиришдан ёки мақтанишдан ҳоли эмас. Тадбиркорлик соҳасида уларга тенг келиш жуда қийин. Ҳатто тиниб-тинчимайдиган «Кўйлар» ҳам бу соҳада улардан ўзолмайдилар. Агар ким ҳам ажойиб ақл ва кам учрайдиган ёқимтойликнинг уйғунлигига қаршилик қила оларди. Эгизаклар ҳамиша изланишда бўлишади, ҳеч бир мақсад на пул, на севги, на шон-шухрат уларни қониктирмайди. Бирон маррани эгаллагач, улар шу заҳоти бошқа нарса кетидан қувиб кетишади. Таниш-билиш, ўзларининг ошна-оғайнни ва дўстлари кўп бўлишига қарамасдан улар ҳеч кимга ўзларининг кўнгиллари дагини ошкор қилишмайди.

Молиявий масалаларда эгизаклар ўзгарувчан бўлишади. Гоҳида ҳаддан ташқари сахий, гоҳида аксинча. Лекин кўпинча сахийлик устун келади.

Ақлли аёллардан қўрқадиган бошқа эркакларга қараганда Эгизаклар аёл киши кийимлари ва зеби-зийнатлари билан эмас, балки ақл - идроки билан яраклаб туришларини афзал кўришади. Эгизакни мажбуrlаб ёки жанжал билан бирон ишни қилишга ундан бўлмайди. Бу йўл билан нафақат мақсадга, балки аксинча, мутлақо тескари натижага эришасиз. Ақли, фаҳм - фаросати жиҳатидан Эгизак - эрига мос келадиган аёл унинг сиймосида ўз баҳтини топади ва энг баҳтли оила кура олади.

22 май - 21 июня туғилған аёллар - Эгизаклар.

Бирданига уч-түрт хотинга уйланишни истаган одам Эгизаклар буржи остида туғилған аёлга уйланиши керак. Чунки камида түрт хил аёлнинг феъл-автори ва фазилатлари шу битта аёлнинг ўзида мужассамланган бўлади. Сиз унга уйланганингиздан кейин бир хил пайтларда сизнинг ҳар бир истагингизга лаббай деб жавоб берадиган, сиздан берухсат ҳеч бир тадбирни бошламайдиган, доимо атрофингизда гирди-капалак бўладиган аёлни кўрасиз.

Бошқа бир куни тажанглик қиласидиган, сизнинг хатти-ҳаракатингизни ва феъл-авторингизни танқид қиласидиган, уй-рўзғор ишларидан безор бўлиб қолган, дунёни сув олиб кетса ҳам тўпигига чиқмайдиган аёл намоён бўлади. Куни билан уй йигиштирилмаган, идиш-товоқ ювилмаган, унинг эса парвои палак.

Ва ниҳоят яна бир куни аёлингиз ажойиб уй бекаси, меҳрибон она ва мулоийим аёлга айланиб қолганлигини ҳайрат билан кузатишингиз мумкин бўлади.

Болаларининг тарбиясига унчалик кўп вақт ажратмайди, лекин уларга ҳақиқий дўст ва маслаҳатгўй бўлади, уларга кўп эркинлик бериб қўйганлиги учун ҳам болалари ҳаётда ўз ўрнини топадиган, мустақил инсонлар бўлиб етишадилар.

Агар аёлингизнинг ўзгарувчан феъл-авторига кўнича олсангиз, унинг ҳар бир ҳолатига мос муомала қиласангиз, у охир-окибат сиз хоҳлаган ишни қилишга тайёр бўлади. Сизнинг ишларингизда ишончли ёрдамчи, ақлли маслаҳатгўй ва ҳар ким ҳавас қиласидиган уй бекасига айланади. Энг муҳими уйингизни яхши қайфият, хушчакчақлик тарк этмайди. Қариган чоғингизда ҳам сизга суюнчик бўладиган ундан меҳрибон ва мулоийим аёл тополмайсиз.

22 июн - 22 июля туғилған эркаклар - Қисқичбақа.

Қисқичбақа буржи остида туғилған эркак кўнглида нима борлигини билиш жуда қийин. Хўмрайиб туриб бирданига очик табассум қилишининг, қўполликдан мулоиймликка ўтишининг ва бирданига хоҳолаб кулишининг сабаблари сиз учун жумбок бўлиб қолаверади. Қисқичбақанинг феъл-авторидаги бундай қарама-қаршилик унга кучли таъсир ўтказувчи осмондаги Ойнинг жойлашиши ва кўриниши билан боғлик. Қисқичбақа жуда хафақон бўлади, хафа бўлгач ҳеч кимга индамай юради. Лекин бироз вақтдан кейин у яна атрофга очик чехра ва кувонч билан бокадиган бўлади. Қисқичбақа сўнгги дақиқагача нима иш қилишини ҳеч билмайди,

ундан яхши гап кутганингизда қўполликни, рад жавобини кутганингизда розиликни эшитишингиз мумкин.

Қисқичбақалар ўшлигидан бошлаб пулга ўч бўлишади. Уни хасис деб бўлмайди, лекин ҳеч қачон пулни беҳуда сарфламаслиги аниқ. Тангалар жарангни унга энг нозик куйдан ҳам кўпроқ ёқади. Лекин унда бойлик қанчалик кўп бўлмасин, ҳеч қачон бу билан мақтандайди, давлатини кўз-кўз қилмайди, аксинча ўзини бечора қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди. У муҳтоҷ бўлиб қолганидаям ҳеч қачон йўқчиликдан нолимайди, чунки бошқаларга қараганда 10 баробар кўп меҳнат қиласди ва меҳнати билан албатта ўзига нон топа олишига ишонади.

Бу гапларни ўқиган аёл шундай одам билан умримни боғлайманми деб иккиланиб қолмасин. У сизга ҳеч қачон арzon куйлак, пальто олиб бермайди, лекин ниманини ҳарид қилмасин - бари энг олий сифат ва қимматбаҳо нарса бўлади. Қисқичбақалар «арzon нарса сотиб олиш учун мен унчалик бой эмасман», деган йўсинда иш тутадиган одамлар бўлишади.

Энди оилавий ҳаётнинг яна бир нозик томонини айтиб ўтишимизга тўғри келади. Агар қайнонангиз хуш табиат ва ёқимли бўлса не хўп, лекин агар бунинг акси бўлган ҳолда ҳам Қисқичбақага турмушга чиққач сиз унинг онасига, яъни қайнонангизга ҳар томонлама ҳурмат- эътибор кўрсатишингизга тўғри келади. Қисқичбақа ҳамиша сизни ўз онаси билан таққослаб юради, шунинг учун қайнонангизнинг айтгани - айтган, дегани - деган бўлсагина эрингиз сизни бошига кўтариб юради.

Қисқичбақа ўзига жуфти-ҳалол танлашда хато қилишдан жуда кўрқади, чунки бундай хато уни узоқ вақтга ҳаёт изидан чиқариб кўяди. Лекин танлаганидан кейин келинни кўкларга кўтариб совғасаломларга кўмиб ташлайди.

Қисқичбақанинг хотини бўлганингиздан кейин унинг эскириб қолган кийимларини ёки ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгани тўғрисидаги аттестатини чиқариб ташлашдан сизни Худо асрасин. Булас унинг ҳазинаси ва уларни худди уни ўзини асррагандай асраш керак. Бундай ғамхўрлик учун бир умр сизни бошига кўтариб юради. Аёл киши учун бундан ҳам катта баҳт борми.

22 июн - 22 июлда туғилган аёллар - Қисқичбақа.

Агар аёлингиз Қисқичбақа буржи остида туғилган бўлса, сиз ҳеч қачон муҳтоҷлик нималигини билмай яшашингиз аниқ. Ҳеч бир аёл

сизнинг топган-тутганингизни Қисқичбақа каби асрайд олмайди. Унда ҳамиша сақлаб қўйилган маблағ топилади, китоблар ва рақалари орасида беркитиб қўйган пуллари, пана жойда кутичаларда сақлаб қўйган тангалари бўлади. Пул тўғрисида гаплашиш унинг энг яхши кўрган мавзуси ва сизда қанча маблағ борлиги тўғрисида бошқа ҳеч бир аёл у каби қизиқмайди. Лекин у кўпчилик аёлларга ўхшаб пулларингизни сарфлашни эмас, аксинча кўпайтириш қайғусида бўлади ва бу ишга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшади.

Қисқичбақа буржи остида туғилган аёлга уйланиш ниятингиз бўлса, ҳаётингиз тинч ўтиши учун уларга хос бўлган асосан уч хусусият борлигини унутманг.

Биринчидан - уни танқид қилиш, устидан кулиш ёки сўзини инкор қилиш мутлақо мумкин эмас. Унинг ота-онасига нисбатан, улар қандай одам бўлишидан қатъий назар ўта хурмат - эътиборли бўлишингизга тўғри келади.

Иккинчидан - унинг кўнгли ҳамиша ҳар хил кўркув ва гумонлар билан тўла бўлади- унчалик чиройли эмаслиги, унчалик ёш эмаслиги, сиз учун унчалик лойиқ эмаслиги ва ҳакозо. Уни ҳар доим бу гаплар мутлақо нотўғри эканлигига ишонтириб юришингизга тўғри келади. У қанчалик гўзал, яхши (ҳаммадан яхши) эканлигини кунига йигирма марта эшитса ҳам камлик қиласди.

Учинчидан - у жуда кўнгли нозик ва хафақон, эҳтимол ҳаддан ташқари йиглоқи бўлади, лекин шу билан бирга ўта сабр-тоқатли, икки оғиз ширин сўз билан ўзини баҳтиёр сезадиган аёл бўлади.

Ўз севгани учун Қисқичбақа ҳар қандай қурбон беришга тайёр туради. Кийинчилик, оғир дамларда у ўзининг яқинлари учун бошқа вактда ҳаёлига ҳам келтирмаган қаҳрамонликларга қодир бўлади.

Қисқичбақа болалар учун энг ажойиб она бўлади. Лекин унинг ўз фарзандларига бўлган ҳаддан ташқари меҳр-муҳаббати, фидоийлиги ва ҳомийлиги кўпинча улар худбин одам бўлиб ўсишига замин ясад беради. Бу эса улар улғайгач ҳаёт қийинчиликларига дош беришларига ҳалакит тугдиради. Лекин Қисқичбақани бунинг учун айблаб бўлмайди, чунки бу унинг табиати. Ахир Қисқичбақа бутун вужудини, ҳаётини болалари ва эрига баҳшида этади ва табиийки ўзига нисбатан ҳам шундай муомала қилишларини кутади.

23 июл - 23 августда туғилган эркаклар - Арслон.

Маълумки, Арслон ҳайвонлар қироли оиласига мансуб. Шунинг учун унинг адаши ҳам бошқа буржлар орасида тегишли ўрин

эгаллашга даъво қилади. *Арслон* хатти-ҳаракатларида ҳаддан ташқари чаққонлик ва шохона ялқовлик бир-бирига туташиб кетган. *Арслонларнинг* ташқи кўринишида, гап-сўзида, юриш-туришида вазминлик ва ғуур қўзга ташланиб туради. *Арслонлардан* ажойиб ташкилотчи ва раҳбарлар чиқади. Улар ҳеч бир ҳолатда бировга тобе бўлишни ёқтирумайди ва ҳатто қийинчиликка тушган вақтлари ҳам ёрдам бериш истагини билдирангиз буни сал бўлмаса ҳақорат деб қабул қилишади.

Ва аксинча ундан ёрдам сўрасангиз ҳеч қачон рад жавобини эшитмайсиз. *Арслонлар* кўли гул усталар бўлишади. Шунинг учун унинг уйига деярли ҳеч қачон дурадгор, монтёр каби усталар қақирилмайди, улар қиласиган ишларни *Арслон* ўзи боплаб бажаради.

Арслонлар ҳеч бир ишни ўрта меъёри қилиб бажаришмайди. Бирон ишга киришса, уларнинг кетидан ҳеч ким етолмайди, тўйтомоша қиласиган бўлишса, бутун шаҳарга маълум бўлади. Ялқовликка берилишса, агар зилзила бўлса ҳам ётган жойидан кимирилашмайди.

Арслонлар ҳаддан ташқари рашкчи бўлишади. Сиз унинг жуфтиҳалоли бўлганингиздан кейин тану жонингиз билан уники бўлишингиз керак. Қандай кийиниши, қаерга бориш, ким билан бордикелди қилиш - буларнинг барини сиз учун у ҳал қиласи. Агар эрингизга нисбатан мулойим ва итоаткор бўлсангиз, у беозор мушукчага айланади ва бу ишни эплаган аёлнинг оиласи ҳаётида ҳеч нолийдиган жойи қолмайди, унинг егани олдида, емагани кетида бўлади. Ахир кўпчилик аёллар айнан шуни исташмайдими.

23 июл - 23 августда туғилган аёллар - Арслон.

Арслон буржи остида туғилган аёлларга кўнгил қўйишидан олдин яхшилаб ўйлаб кўришингизга тўғри келади, агар сиз ўзингизни оддий аёл эмас, қиролича билан муомала қилишга, у билан турмуш куришга қодир деб билсангиз, унда гап йўқ, омадингиз келсин. Унга уйланганингиздан кейин ҳам оддий одамнинг хотини бўлишни истамаслигини унутманг, сиз келажакда катта амалдор, ёки машхур олим, ишқилиб нуфузли шахс бўлишингизга тўғри келади. *Арслон* аёлни гоҳида кўзга ташланиб турадиган манманлиги ва шуҳратпарастлиги учун айблаб бўлмайди, ахир қирол қизи бўлиб туғилганида ва ўзини бошқалардан устунроқ сезишига у айбдор эмаску. Шу билан бирга у шунчалик мулойим, меҳрибон ва олижаноб бўладики, одамлар унинг бундай камчиликларини кечиришга тайёр

бўлишади. Арслонлар ажойиб уй бекаси бўлишади, уйини саранжом саришта тутишда, меҳмон кутишда унга бас келадиган аёл йўқ. Она сифатида улар ўз фарзандларини ақлга сигмайдиган даражада яхши кўришади, лекин шу билан бирга уларнинг тарбияси ва илм олишига қаттиққўллик билан ёндашишади. Ўз оиласи аъзолари билан мулоим ва меҳрибон бўлиш билан бирга бегоналар бетакаллумлик қилишларига йўл қўймайди. У сизни рашқ қилиши турган гап, лекин сиз уни рашқ қилишингизга тоқат килмайди. Токи сиз унга содик бўлиб қолар экансиз, у ҳам сизга худди шундай содиқлик қайтаради. Агар сиз хотинингиз қирол қизи эканлигини унумасангиз ва ҳақиқатдан ҳам у муносиб бўлган муомалани жойига кўйсангиз, ҳар бир истагингиз унинг учун қонун бўлади. Сизнинг баҳтингиз - ўз қўлингизда.

24 август - 23 сентябрда туғилган эркаклар - Паризод.

Паризод буржи остида туғилган эркакларни ўзини ҳеч бир намойиш қилмаслигидан, оҳисталигидан, камсуханлигидан ва бошқалардан чеккароқда туришга интилишидан таниса бўлади. Уларни деярли ҳеч қачон катта зиёфатларда ёки бекорчилар орасида учратолмайсиз. *Паризодлар* жамоа орасида ўзини ноқулай сезишишади, оломон эса уларнинг энсасини қотиради. Улар пуч хаёлларга, бехуда орзу-умидларга бериладиганлардан эмас. Куни билан банд бўлиб бир талай ишларни бажарганларидан кейин кечқурунлари беъмани гап сотишлиарга, ҳар хил зиёфатларда қатнашишига на иштиёқи на кучи қолмайди. *Паризод* эркак меҳнатга ва тартиб-интизомга муҳаббат, оқизларга содиқлик туйғулари билан бирга туғилади. Севги-муҳаббат эса унинг тушунчасида Лайли-Мажнунлик эмас, оиласи ва дўйстларига садоқатлик рамзини ифодалайди. *Паризод* эркак ўзи билмаган ҳолда жуда кўп аёлларни ўзига ром қиласи, лекин ўзи жиддий туйғуларга берилиб кетиши жудаям қийин. Унинг кўнглида бирорвга нисбатан нозик туйғулар борлигини юзи-кўзи ёки хатти-харакатидан англаш жудаям қийин. Лекин бирон аёлни ўзига мос деб билганидан кейин уни маҳкам ушлайди. Унинг севгисининг олови жуда текис, юмшоқ шуъла таратиб ёнади, лекин бу олов унинг жуфти-ҳалолини бир умр ҳаёт бўрон ва довулларидан саклаб келади.

Уйлаганидан кейин у бошқа аёлларга деярли бефарқ бўлиб қолади ва бор кучини ўз оиласига моддий ва маънавий қийинчиликлар хавф солмаслигига сарфлайди.

Тұғри, у ўз аёли бошидан зар сочмайди, лекин уни ҳеч нарсага мұхтож құлмайди ва ўз эътиборидан бенасиб құлмайди. *Паризод* әркакка ошиқ бўлган аёл ҳар бир сўзини ўйлаб гапириши керак бўлади. Бефаросатлик ва нодонликни *паризод-эркак* ифлослик ва ахлоқсизликдан ҳам кўпроқ ёмон кўради. Унинг одатларини хурмат қилишни ўрганинг, қилган иши сизга ёқадими йўқми уни танқид қилманг ва ҳадеб нолийверманг. Унинг танқидини табассум билан қабул қилинг, шунда турмушингизда ҳеч бир муаммо бўлмайди. *Паризод-эркак* фаришта эмас, лекин кўпчилик аёллар сизга ҳавас қиласиган бўлади.

Қолаверса, эртаю-кеч ишлайдиган, саранжом-саришта кийинадиган, кўзга ёқимли, сиз билан биринчи бор учрашган санани унутмайдиган, ҳамиша ҳамёнида пули бўладиган, ҳар хил гап ва зиёфатларни ёқтиромайдиган ва бошка аёлларга қиё боқмайдиган эрни қайси аёл ҳавас құлмайди. Сиз ўзингизни ҳеч шубҳасиз энг баҳтли аёл деб ҳисоблашингиз мумкин.

24 август - 23 сентябрда туғилган әркаклар - Паризод.

Агар сиз *Паризод* буржи остида туғилган аёл жамиятда ўрнатилган қонунлар ва тартибни бузганлиги ҳақда эшлиб қолсангиз уни койишга шошилманг. *Паризодлар* деярли ҳеч қачон номуносиб, ёмон иш қилишмайди, агар қилишса ҳам факат бир сабабдан, у ҳам бўлса, ўз мұхаббатини ҳимоялаш йўлида қилиши мумкин. Ўз севгилиси учун у ҳар бир ишга қўл уришга тайёр бўлади.

Агар у ўз оилавий турмушидан норози бўлса, ҳеч иккиланмасдан ундан воз кечади. Воз кечганидаям ўта совуққонлик билан иш тутади. Оила бузилиши унинг учун энг катта фожия бўлади, лекин оиласда ва мұхаббатдаги иккиси зламачилик унинг учун бундан ҳам каттароқ фожеа. *Паризоднинг* мұхаббатдаги фидойилиги бошка ҳеч бир аёлларда учрамайди.

Бирон нарсадан норози ёки хафа бўлган *Паризод* сиз билан жанжаллашиб, хархаша қилиб ўтиромайди, балки сиз тўгрингиздаги фикрини ўзингизга айтади қўяди.

Уни алдаганингизга ҳеч тоқат құлмайди. Унинг ўткир зеҳни ва сезигирлиги энг кўзга кўринмас ёлғонни ҳам дарров сезади. *Паризод* пок ва хақгўй, лекин содда эмас.

Яна бир гап. Ҳеч қачон *Паризодни* танқид қилманг, у баривир тан олмайди. Қолаверса *Паризодлар* камдан-кам ҳолларда хато қилишади.

Уларга қилингандык хушомад мутлақо тескари таъсир қиласы, чунки сохталиктар дарров сезишади. Номаңкул қиликлар эса унинг табиатига мутлақо зиддир. У билан муомала қиласынан киши ҳар бир нарсада меъёрни билиши керак бўлади, у ўзига нисбатан қанчалик талабчан бўлса, ўзгаларга ҳам шундай ёндошади.

Паризод - вафодорлик ва садоқатлик рамзиdir, дунёдаги энг келишган эркаклар ҳам у танлаган киши олдида унинг учун ҳеч нарса эмас.

*Паризод*нинг болалари доимо озода, саришта ва ўзларига қараб юришади. У жуда қаттиққўл она, лекин болалари жисмонан соглом, ақлли ва хушхулқ бўлишлари учун қўлидан келган барча ишларни киласы.

Паризод сиз қийин ҳолатга тушиб қолганингизда энг биринчи сүянчик бўлади, ҳеч иложсиз аҳволдан ҳам чиқиб кетиш йўлларини кўрсата олади. У ҳамиша бежирим кийинганды, у билан ҳар қандай масалада сұхбатлашса бўлади. Сизни ҳеч қачон рашқ қилмайди, пулингизни ҳам беҳуда сарфламайди, сизга ҳамиша садоқатли, барча ишларингизда ишончли ёрдамчи бўлади. Ҳаёт йўлингизда *Паризод*ни учратиш сизга насиб қилган бўлса, уни маҳкам ушланг. Чунки бу сиз учун катта омад соҳибидир.

24 сентябр - 23 октябрда туғилган эркаклар - Тарози.

Тарози эркаклар қўполлиқдан нафратланишади, шу билан бирга улар атрофда сокинлик, осойишталик ҳукм суриши тарафдоридирлар. *Тарозилар* одамларни яхши кўришади, лекин оломонни ёқтиришмайди, улар жанжаллашиб турган икки одамни бир зумда яраштириб қўйишади, лекин ўзлари ҳам йўқ ердан жанжал чиқаришлари мумкин, улар мулойим ва одамшинаванда бўлишади, лекин узок вақт давомида авзои бузилиб юришлари ҳам мумкин. Улар ақлли ва шу билан бирга содда, тиниб-тинчимас бўлганлари билан деярли ҳеч қачон шошқалоклик қилмайдилар.

Улар ҳар нарсага ҳам қизиқишавермайди ва ҳеч қачон бирорларнинг ишига аралашмайдилар. *Тарозилар* гоҳида ҳаддан ташқари гайратли бўлишади, ўқдай учиб бошқалар бир ойда қилолмаган ишни бир кунда бажариб, хатто кам ухласалар ҳам, чарчоқ сезмайдилар. Лекин айрим вақтларда ҳаётга ва атрофдагиларга нисбатан бефарқ ва бехафсала бўлиб қоладилар. Ҳаттоқи гоҳида ҳаётдан нолиш ҳамда жанжал кўтариш ҳоллари кузатилади. Лекин бу ҳолат ҳам узок давом этмайди, қарабсизки у яна

хушчақчақ, мулойим, чаққон ва хушмуомала бўлиб қолади. Бир қарашда жумбок бўлиб кўринади, лекин ҳақиқатдан ҳам *Тарозининг* феъл-авторида мулойимлик беорлик билан, куч ожизлик билан, хушчақчақлик маъюслик билан, меҳнатсеварлик ўта кетган дангасалик билан ёнма-ён яшашади. Бундай ўзгарувчан феъл-авторга қарамасдан улар ҳеч қачон бировга ёмонликни раво кўришмайди, ўз аёлига меҳрибон ва мулойим эр, болаларига ҳақиқий дўст ва ёрдамчи, таниш билишлари учун ҳурмат-эътиборга лойиқ одамлар бўлишади.

24 сентябр - 23 октябрда туғилган аёллар - Тарози.

Тарозу буржи остида туғилган аёл ҳар қандай баҳс, сұхбатда жонжон деб иштирок қиласди. Баҳс мавзусининг ҳеч аҳамияти йўқ. Унинг учун асосийси нима ҳақида бўлса ҳам ўз фикри ва мулоҳазаларини билдира олиш имконияти яратилса бас. Сиз сұхбатда уни қўллаш учун гоҳида « нима учун », « қандай қилиб » каби сўзларни ишлатсангиз кифоя. Ҳатто эътиroz билдирмасангиз ҳам *Тарози* ўз фикрини тўғрилигини исботлаб беради ва сиз буни қувониб танолишингизга ҳам тўғри келади.

Тарози - аёллар жуда ўткир зехнга эга бўлишади ва оилавий муаммоларни ечишда эрига жуда катта ёрдам беришлари мумкин. Улар очиқ кўнгил ва мулойим бўлишади. *Тарозининг* уйи энг намунавий десак хато бўлмайди, ҳар бир нарса нозик дид билан қўйилган ва ўз ўрнида бўлади. Фарзандларни ҳам *Тарози* ўта хафсала билан парваришлайди, лекин оиласда эркак кишининг обрўси ва ҳурматини барчадан устун қўяди. *Тарози* жуда меҳрибон она, лекин каттиққўл ҳам.

У болаларига энг биринчи бўлиб отани севишни ва ҳурмат қилишни ўргатади. Бошқа ҳеч бир аёл *Тарози* каби аёллик нафосати билан ажralиб турмайди ва шу билан бирга эри билан теппа-тeng ишлай олмайди.

24 октябрдан - 22 ноябргача туғилган эркаклар - Чаён.

Чаённииг ташки кўринишида, гап-сўзида ўзига бениҳоят ишонч кучи сезилиб туради. *Чаён* ўзгалар фикрига мутлақо бефарқ бўлади - танқид ҳам, мактov ҳам унга заррача ҳам таъсир қилмайди. У ўз қадрини билади ва ўзгалар баҳосига муҳтоҷ эмас. *Чаёнлар* ўз ҳистайгуларини шунчалик жиловлаб олишганки, на ҳаяжон, на саросимани уларнинг юз-кўзида кўра олмайсиз. Улар кам табассум килишади, лекин табассумлари самимий бўлади.

Чаённлар жудаям ростгүй бўлишади, улар ёлғон ва сохталиқдан ўзларини йироқ тутишади ва хеч қачон бирорвга хушомад қилишмайди. Агар бундай одамга бир сўз билан баҳо бериш керак бўлса, уни енгилмас деб аташ мумкин.

Чаённи енгиб бўлмайди, ҳар қандай баҳс ва мунозарада у ғолиб чиқади. Унинг ҳис-туйғулари ҳар қандай вазиятда ҳам ақли билан жиловланган бўлади.

Ҳар бир ҳаётий қарорларни Чәён мустақил ўзи қабул қиласди, унинг учун бошқаларнинг фикри унчалик аҳамиятли эмас. Чәённинг хотини бўлган аёл хафа бўлиши мумкин - «Ахир жуда бўлмаганида менинг фикримни инобатга олса бўларди», - деб. Бу масалага бошқа бир томондан қараб кўрайлик. Дунёда мушкул, ҳаётий муаммоларни бирорвнинг турткисисиз ва маслаҳатисиз мустақил ўзи еча оладиган эркаклар кўпми. Афсуски йўқ.

Чаённи янада кўпроқ севиш ва ҳурмат қилиш учун унинг бошига ташвишлар келган пайтларида хатти-ҳаракатини кўриш керак. Бошқа эркаклар саросимага тушиб, жаҳли чиқиб ёки гангид қолганида, у енг шимариб муаммоларни ҳал қилишга киришиб кетади.

Чаён дўст ва таниш-билишларни ҳам жуда пухталик билан танлайди. У ҳақиқатдан ўзи яхши кўрмаган, ҳурмат қилмаган, қадрламаган одамларни ўзига яқинлаштирумайди.

Чаёнга турмушга чиққан аёл нозиктабиат бўлса, унда жуда қийин бўлади. Лекин кўникишининг энг кийин даврларига чидаб берса, аёлнинг ўзи ҳам мустақил ва кучли шахсга айланади. Бошқа эркаклар ўз хотинларини шунчаки хушомад учун мақташса, чаён фақат мақтовга лойиқ бўлсангизгина мақтайди ва унинг мақтовори бошқа ўнта мақтовга тенг бўлади. Рашикка келсак, чаённинг хотини мутлақо бенуксон бўлиши керак, агар хотини рашикчи бўлса, унга сабр-тоқатни худонинг ўзи берсин, чунки чаён атрофида аёллар гирдикапалак бўлишади. Чәённинг болалари ўз отасини ҳаддан ташқари қаттиқўл ва бағритош деб хисоблашади, лекин катта бўлгач ундан қанча кўп нарса ўрганганларини тушуниб олишади ва ундан миннатдор бўлишади. Чәён буржи остида тугилган одамга турмушга чиққан аёл унга ишонса ва уни барча ишларида кўллаб - қувватласа у ниҳоятда меҳрибон ва гамхўр бўлади, унга кўпчилик аёллар факат орзу қилиши мумкин бўлган баҳт ато этади.

24 октябрдан - 22 ноябргача туғилган аёллар - Чаён.

Чаён буржи остида туғилган аёл ўзини юмшоқ табиатли қилиб күрсатишга ҳаракат қылса ҳам, у асли бундай эмаслигини унутманг. У бошқа барча аёллардан маълум даражада фарқ қиласди. Аёлларнинг ўз севгилисини ром қилишга, эрини маҳкам ушлашга уринишлари унинг учун бегонадир. Унинг ўзи ҳеч қачон севгилиси кетидан дод солиб югурмайди. Уни ширин сўзлар билан қўлга олишни ҳаёлингизга ҳам келтириб юрманг. Кўзингизга бир тикилиб қарааш билан миянгиздагини тушуниб олади. Жиддий ниятларингиз бўлмаса яхиси бошқа бирор билан ҳазиллашинг. Буни ҳеч ким тушунтириб бера олмайди, лекин чаён аёл ўз жуфти-ҳалолини бир кўришдаёк таниб олади ва уни қўйиб юбориши амри маҳол. У ожиз ва қўрқоқ эркаклардан нафратланади. Унга мағрур, кучли, ақлли ва чиройли эркаклар ёқади. Агар у сизни танлаган бўлса, демак бундай сифатлар сизда борлиги бегумон. Бундай аёлнинг ёнида сизни кўришса сизга бошқаларнинг хаваси ортади, чунки бу аёлларнинг жозибаси қўпчиликни ром қиласди. Кўпчилик бу аёлларга ўз сирларини ишониб топширишади ва улар ҳеч қачон бу сирларни бирорвга айтиб қўймайди, ўз сирларини ҳам ҳеч кимга ошкор қилмайдилар. Бу сирларни ҳеч ким, ҳатто эри ҳам билмайди. Чәёнинг қалбида ўзига хос пинхоний хислатлар борки, бу хислатларга унинг ўзидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди. Унинг қалби асоссиз шубҳалар ва рашкка тўла, лекин ҳақиқатдан ҳам ҳиёнат қиласангиз, унинг ғазаби яққол намоён бўлади. Турмуш ўртоғи омадли бўлиши учун чаён ҳар қандай қурбонларга тайёр, ҳар қандай қийинчилик ва нокулайликка чидашга қодир, агар ниҳояси яхши бўлишига умиди бўлса. Чәёnlар одамнинг кўнгли ва хаёлидан ўтган ҳар бир нарсани очик-ойдин кўришади. Шунинг учун у бирорвга берган баҳосида хатоликка йўл қўймайди. Бундай аёллар эс-хушли эркак учун ҳар қандай хазинадан ҳам устун туради.

23 ноябрдан - 21 декабргача туғилган эркаклар - Ўқотар.

Агар сиз ўткир зеҳнли, топқир, хушчақчақ ва тўғрисўз бўлиб, лекин хушмуомалалик нималигини билмаган одамни учратсангиз у ўқотар буржи остида туғилган эркак эканлигига ишонаверинг. Лекин аслида у ўзини муомала борасида жуда юқори баҳолайди. Шу туфайли турли даражада тушунмовчиликлар ва қарама-қаршиликларга дуч келади. Агар у сизни хафа қылса ишонаверинг, сизни хафа қилиш унинг хаёлида мутлақо бўлмаган. У дилидагини

тилига чиқарған халос. *Үқотар* доимо бирон-бир иш билан банд бўлади. У ёки бирорни қийин ахволдан кутқараётган ёки бирон жойга шошилаётган бўлади. Унинг ҳамиша омади юришади, шунинг учун бўлса керак ҳаётда ўзини хушчақчақ ва эркин тутади. *Үқотар* билан оила қуришни истаган аёл бир неча қоидаларга риоя қилиши керак бўлади: рашқ қилмаслик ва гумонсирамаслик, унинг эркини қўлга олишга уринмаслик, қаерларда юрганлигини сўрамаслик, нолимаслик ва турли баҳоналар билан уни кўркитмаслик. Унга турмушга чиққандан кейин ҳам шу қоидаларга амал қилсангиз, у умрининг охиригача сиз билан бўлиши аниқ. У сизни танқид қилишига ҳам тайёр бўлинг, чунки у кўп нарсага танқидий ёндашади. *Үқотар* ўз фарзандлари билан деярли қизикмайди, лекин улар катта бўлган сари эътибори ва қизиқиши ошиб боради. *Үқотарнинг* ҳаётда энг ёмон кўрган нарсаси ёлгончилик, алдамчилик, шунинг учун фарзандларидан ростгўйликни талаб қилади, лекин унинг ўзида ҳам ростгўйлик даражаси у қадар юқори эмас.

23 ноябрдан - 21 декабргача түгилган аёллар - *Үқотар*.

Үқотар - аёл ниҳоятда ростгўй, ҳатто гоҳ-гоҳида ҳам ёлғон гапиришни билмайди. Тўғрисўзлиги, хушомадни ёқтирмаслиги туфайли қўпинча бошқаларнинг назарида муросасиз ва кескиндеқ туюлади. *Үқотар*-аёл бирорга қарам бўлишни ёмон кўради, эркинлик унинг қон-конига сингиб кетган. Агар у сиз билан бирон нарса қилишини истасангиз буйруқ берманг, яхшиси илтимос қилинг. У ҳеч қачон ўзининг эркини қўлдан бермайди, ўз одатларидан воз кечмайди, гўёки ёш боладек ўз айтганидан қолмайди. Унинг дунёқарashi ва тушунчалари шунчалик соддаки, у ҳар қандай гапга ҳам ишониши мумкин. Лекин аслида бу аёл жуда ақли ва мантиқа амал қиласиган аёлдир. *Үқотарнинг* ақли ҳар қандай мушкул жумбоқни ҳам ечишга қодирдир. *Үқотарнинг* очиқкўнгил ва ростгўйлиги кўпчилик ҳолларда ўзига панд беради ҳамда тушунмовчиликларга олиб келади. Гоҳида у бироз бағритош бўлиб кўринади, лекин аслида у ҳаддан ташқари кўнгли бўш аёл. Унинг уй бекалик вазифаларига келсак, у ўз уйини саранжом-саришта қилиб қўйса ҳам, бошқа уй юмушларини унчалик ёқтирмайди. *Үқотарнинг* камдан-кам ҳолларда кайфияти ёмон бўлади. Хафа бўлса жуда заҳарханда бўлади. Лекин *Үқотарлар* узоқ гина саклаб юришолмайди. Фарзандлари *Үқотарни* сидқидилдан яхши кўришади. Хушчақчақлик, кулги ва яхши кайфият болалар тарбиясига жуда

яхши таъсир қилади ва бунда ундаги ҳакгүйлик, мардлик ва ақлни инобатга олиш болалар тарбияси учун яхши самара беради. Фақат бир нарса етишмаслиги мумкин, у ҳам бўлса тартиб-интизом.

Ўқотар аёл меҳмон кутишни яхши кўради ва бу ишни маҳорат билан улдалайди. У жуда мулоим, очиккўнгил ва самимийдир.

22 декабрдан - 20 январгача туғилган эркаклар - Төг эчкиси.

Бу бурж остида туғилган эркак тортичок, шу билан бирга кучли ва мустаҳкамдир. У ўз тенгқурларидан кўра кечроқ вояга етади, лекин узоқ вақт давомида тан ва кўнгил ёшлигини сақлаб қолади. *Төг эчкилари* илк танишув дамларида сизга ҳаддан ташқари мағрур ва ахлокли бўлиб кўринади, лекин кейинчалик унинг дилкаш ва меҳрибон эканлиги намоён бўлади. *Төг эчкиси* энг ажойиб ота, у ўз фарзандларидан хурмат, итоаткорлик ва интизом талаб қилади, ўзи томонидан эса улар учун намуна бўлишга тайёр. *Төг эчкиларида* ёш катталашгани сари характер хислатларида қаттиққўллик ўрнини мулоимлик эгаллай бошлайди. Дунёда хеч бир иштиёқ ёки ҳавас *Төг эчкиси* учун оиласи ўрнини босолмайди. Унинг учун оила муқаддас. Бу гап нафақат унинг оиласига, балки ўниб-ўсган оиласига (отонаси, ога-иниларига) ҳам тааллуқли. Шунинг учун унинг яқинлари қандай одам бўлишларидан қатъий назар уларга тил теккиза кўрманг.

Төг эчкиси ўз жуфти-халолини узоқ ва пухта танлайди. У танлаган аёл *биринчидан* - фидокор, вафодор ва сабр-тоқатли бўлиши керак. *Иккинчидан* - мазали овқат пиширишни ва уйни ўта покиза тутишни билиши шарт. Шунингдек у танлаган аёл етарли даражада фаҳм-фаросатга эга бўлиши, одамлар орасида ўзини тута билиши, маълумотли ҳамда бошқа одамлар даврасида яхши таассусрот қолдира олиши *төг эчкиси* учун жуда муҳим. *Төг эчкилари* пул сарфлашдан бошлаб севгигача аниқ режа билан иш кўришади. У билан ҳар қандай аёл бутун ҳаёти давомида ҳар бир моддий ва маънавий кўнгилсизликлардан ишончли ҳимояланган бўлади. Оқил ва тежаб-тергайдиган аёл учун бундай эр ҳақиқий хазина. *Төг эчкиси* ҳаёти давомида ўз жуфти-халолини хеч ким билан қиёс этмайди ва бир умрга уни севиб кадрига етадиган бўлади.

22 декабрдан - 20 январгача туғилган аёллар - Төг эчкиси.

Төг эчкиси буржи остида туғилган кўпчилик аёллар оила билан боғлиқ ишларни унутмаган холда қасб-хунар соҳасида бирон ютуқка эришишни афзал кўришади. Бу эса *Төг эчкиси* учун ҳаётда тан

олиниш, ютукқа эришиш энг мухим эканлигини кўрсатади, қайси йўл билан эришиш эса - бу иккинчи масаладир.

Жадий ойида туғилган аёлнинг энг ёқимли томони унинг гўзал хулқ-автори ва ўзини қўлда тута билиш қобилияти. У ўзини тутишига, бенуксон хатти-ҳаракатларига қараб ҳеч қачон унинг ижтимоий келиб чиқишини аниқлай олмайсиз. Уни ҳамиша яхши кайфиятда бўлади деб ўйлайсиз, лекин у бунга катта матонат ва иродаси туфайли эришади. Аслида эса Жадий ойининг сайёralари унинг кайфиятида ғамгинлик ва маъюсликка мойиллик туғдиради. Шунинг учун унга қўпол ҳазил қила кўрманг, уни алдаманг.

Мұхабbat борасида, айникса дастлабки дамларда (сизнинг ниятингиз, имконият ва режаларингиз қандай эканлигига ишонч ҳосил қилмагунча) у ўзини жуда нокулай сезади. Лекин сизга ишонганидан кейин сизга бутун меҳрини беради.

Жадий ойида туғилган аёлларни тенги йўқ гўзал деб бўлмайди, лекин уларда ўзига хос жозиба ва чексиз мафтункорлик мавжуд. Бошқа аёллар ўз кўркамлик пайтларини аллақачон бошидан ўтказиб бўлганларида ҳам, бу аёллар ҳали ҳам ўз ёшлигини сақлай оладилар.

Уни жуфти-ҳалолликка танлаган эркак унинг оиласинининг хурматини жойига қўйиши керак бўлади. Ўз ота-онасига нисбатан у шундай қурбонликларга тайёр бўладики, ҳатто бу иш унинг ўз оиласий фаровонлигига ҳам таъсир қилиши мумкин. Худди шунга ўҳшаб у эрининг қариндошларига нисбатан хурмат-эҳтиром кўрсатади.

Жадий ойида туғилган аёлнинг уйи жуда покиза, шинам бўлади ва уйнинг ҳар бир анжоми юксак дид билан танланган бўлади. Унинг фикрича, ҳаётда юксак мақсадга эга бўлиш керак ва ҳар қандай тўсикларни енгиб ҳамиша шу мақсадга интилиб яшаш лозим.

Жадий ойида туғилган аёлларнинг алоҳида хислати шундаки, улар доимо ўз табиий хусн-латофатларини сақлай оладилар, улар учун турли хил косметик воситаларнинг зарурати йўқ. Бу аёлга эътиборли бўлган ва ғамхўрлик қилган эркак ўзининг баҳтига замин ясайди ва умрининг охиригача унга садоқатли ва меҳрибон аёлнинг жуфти ҳалоли бўлиш насиб қиласди.

21 январдан- 18 февралгача туғилган эркаклар - Қовға

Даљ ойида туғилган эркаклар кўпчилиги ҳаётда катта ютуқларга эришадилар, улар Нобель мукофоти совриндорлари бўлишлари ҳам ҳеч гап эмас. Уларни саҳий деб бўлмайди, лекин

зиқналиқ ҳам қилишмайди. Улардан камдан-кам ҳолларда бойлар чиқади, агар катта пулга эга бўлишса ҳам молини тилло тақинчоқ ва бриллиантларга сарфлашмайди, балки бирон бир ажойиб режани амалга ошириш учун сақлаб қўйишади. Улар ўз режаларини амалга ошириш йўлларини бирор билан маслаҳатлашиб ўтиришмайди, қолаверса, белгиланган режалар бир зумда ўзгариши ҳам ҳеч гапмас.

Далв ойида туғилган эркак билан бирон иш тугрисида келишиб олиш жуда қийин, бирор унинг зиммасига маълум масъулият юқлашини ёмон кўради. Лекин унинг розилигини ололсангиз у бу ишни аниқ ва ўз муддатида бажаради. У ўз фикрини тўғри ва очиқдан очиқ ифодалайди, лекин фикрини бирорвга зўрлаб ўтказмайди, у инсон шахсини хурмат қиласди ва ҳар ким ўз ҳохишича ҳаракат қилишга ҳақли деб ҳисоблайди. Қовга ҳеч қачон ҳеч нарса учун курашмайди. У тажовузкор эмас, лекин кўркоқ ҳам эмас. Шунчаки, кураш унинг фалсафасига тўғри келмайди.

Қовгалар ҳеч қачон ёлгон гапиришмайди ва алдашмайди, қарз олиш ва қарз беришни ҳам ёмон кўришади. Улар ваъдага вафо қиласидиган одам бўлишади, шунинг учун ҳам унга берган ваъдангиз устидан чиқадиган бўлинг, акс ҳолда дўстлигингизга путур етади.

Қовгага турмушга чиққан аёл унинг эркига тажовуз қилмаса, вақтида овқатланиши, дам олишига эътибор берса, унга ўз вақтида ғамхўрлик қилиб турса, уларнинг турмуши деярли тинчлик ва осойишталикда ўтиб баҳтли бўлишларига ҳамма имконият яратилади.

21 январдан- 18 февралгача туғилган аёллар - Қовга

Қовга буржи остида туғилган аёллар жуда гўзал бўлишади, юзларидаги сирли нур эса ҳамиша одамларни эътиборини ўзига тортади. Улар садоқатли ёр бўлишади, лекин ўз оиласидан ташқари ҳам қизиқадиган нарсалари жуда кўп бўлади. Уни уй юмушлари ва бола тарбияси билан доимо банд деб бўлмайди. У ҳамиша ҳаммага керак, лекин ҳеч кимники бўлмайди. Шунинг учун унга етарли эрк бериб қўйсангиз, сизга нисбатан садоқати чексиз ортади.

Пул ва бойлик Қовгаларни деярли қизиқтирумайди. Турмуш ўртоғининг катта бойликтан кўра маълум бир соҳада муваффақиятга эришиши уни қўпроқ қизиқтиради. Унинг тили ўткир, муомаласи ёқимли бўлади ва ҳар қандай одам билан бемалол мuloқот ўрната олади. Гумон қилиш одати унга мутлақо бегона. Турмуш ўртоғининг ҳар бир гапига ишонади. Унинг бу фазилатини кучли иродасидан деб

бilsangiz, bu xato fikrdir. Xamma gap shundaki, u oila kurişdan oldin barcha jihatlarни kuzatib, kerakli xulosaga ega büladi.

Көвегалар meхрибон оналар ҳамдир. У болаларида инсониятга мұхабbat түйғуларини тарбиялайди, уларга тоқатли, ростгүй бўлишни ўргатади. *Көвега* аёлингиз сизнинг кўрсатма ва илтимосларингизни сўзсиз бажаришини кутманг, унинг дунёкараши мутлақо бошқача бўлади, уни қайта тарбиялашга ёки gap уқтиришга уриниб юрманг. У билан баҳтли ҳаёт куришни истасангиз раشك қилманг, танқидчи, ҳасис, майда gap ва баджаҳл бўлманг. Унинг дўстлари сизга қанчалик ғалати бўлиб кўринмасин, уларни хурмат қилишга ҳаракат қилинг.

Көвега - келажак аёли ва эртага нима бўлишини олдиндан билади, шунинг учун гоҳи-гоҳида унинг башоратларига қулоқ солиб туринг.

19 февралдан - 20 марта түғилган эркаклар - Балиқ.

Балиқ буржи остида түғилганлар орасида шон-шуҳрат, мансаб ёки бойлик кетидан қувадиганларни камдан-кам холларда учратиш мумкин. *Балиқларнинг* шиори - «Мен миллионер бўлишни истамайман, шунчаки миллионердай яшашни истайман». Ҳақиқий балиқнинг юрагида шуҳратпастлик ва очкўзликдан асар ҳам бўлмайди, чунки буларнинг бари ўтқинчи эканлигини жуда яхши билади. Туғма сезгирилкка эга бўлган ҳолда балиқларда заррача ҳам тиришқоқлик йўқ, улар оқим бўйича сузиб боришади ва ҳаёт уларга инъом этган нарсалар билан қаноатланишади. Камдан- кам *балиқлар* тўсиқлар билан курашиб оқимга қарши сузишади, лекин айнан шундайлар ҳақиқий уйғунлик ва баҳтга эришади.

Балиқлар 12 буржнинг охиргиси. Ҳаётни ифодаловчи Кўй буржи биринчи бўлса, *Балиқлар* мангуликни ифодалайди. Охирги бурж бўлгани учун *Балиқлар* олдинги ўн бир буржнинг барча кирраларининг бир қисмини ўзига сингдириб олган. Шунинг учун ҳам *Балиқ* феъл- авторида Ўқотарнинг олийжаноблиги ва тўғрисўзлигини, Тог эчкисининг ишга садоқатлилигини, Арслоннинг ғурури ва хушчакчаклигини, Эгизакларнинг чаққонлигини, Бузоқларнинг чидамлилиги ва Кўйнинг хаёлпастлиги каби кирраларини кўриш мумкин.

Ҳазил *балиқларнинг* энг кучли қуроли. *Балиқларнинг* қалби одамларга хайриҳоҳлик түйғулари билан тўла ва ҳаммага ёрдам беришга тайёр бўлишади. Афсуски бу хайриҳоҳликда яхшиликка

лойиқ ва мутлақо нолойиқ одамларни ажратиб ўтиришмайди. *Балиқларни* ожиз мавжудот деб бўлмайди. Шунчаки уларнинг айримлари ҳаддан ташқари узоқ вақт давомида хом хаёлларга берилиб ўз имкониятларини бой беришади.


19 февралдан - 20 марта тугилган аёллар - Балиқ.

Балиқ буржи остида тугилган аёл шунчалик ёқимтойки, эркаклар учун у хамиша ёқимтой бўлади. Чунки у билан гаплашган эркак учун гўёёки муаммолари унутилгандек бўлади. Бу аёл бошқаларга ўзини тажрибасиз, заиф этиб намойиш этишни яхши кўради. Унинг кайфияти доимий ўзгарувчан бўлади. У ҳаддан ташқари кўнгли бўш бўлғанлиги учун тезда йиғлаб юбориши мумкин. Болаларига *Балиқ* - аёл бутун борлигини инъом этади. Бу аёл ўз болалари учун ҳамма нарсадан кечишига тайёр бўлади, лекин юмшоқлиги ва кўнгилчанлиги туфайли, уларни бақувват ва тартибли қилиб ўстира олмайди.

Балиқ - аёл оиланинг молиявий масалаларига мутлақо аралашмайди ва оилани таъминлаш хуқуқини жон деб турмуш ўртоғига бериб қўяди, чунки турмушга чиқишидан олдин ўзини ўзи таъминлаш учун етарли меҳнат қиласа бўлади. Шундай бўлса ҳам агар шароит қийинлашиб қолса, у турмуш ўртоғига ёрдам бериши аник.

Сизнинг турмуш ўртоғингиз бу бурж остида тугилган аёл бўлса, унинг тугилган кунини, танишганларингиз, тўйларингиз бўлган саналарни эсда тутишингиз керак бўлади. Акс ҳолда у сиздан ранжиши ва хафа бўлиши мумкин. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, йиллаб бирга яшаб, кўп болани вояга етказганингиздан кейин ҳам турмуш ўртоғингиз сиз учун уни илк бор кўрганингиздай содда, ёқимтой ва мулоим бўлиб қолаверади.

4-БҮЛІМ



ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ОИД ХИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

- Эркак ва аёл- тафовут нимада?
- Севги нима ва унинг тақдирі
- Севги формуласи
- Кон группаси ва психология
- Үйқу ва психология
- Гапнинг тағида гап
- Донолар дейдіки
- Ҳикматлар ҳазинаси

Ўзингизни билиб олинг, бу жуда қизик...

Эркак ва аёл - тафовут нимада?

1. Эркаклар ва аёллар орасидаги тафовутлар бешикдаёқ билинар экан, ўғил болалар узлуксиз қимирлашаркан, қизлар эса кўпинча кўзларини очиб ётар экан.
2. Эркакларнинг мияси аёлларнинг миясидан 200 грамм оғирроқ, ўртача 1350 грамм экан.
3. Аёллар ҳидни яхши сезади, бироқ парфюмериячиларнинг 80 фоизи эркаклардир.
4. Аёлларда мусиқачилик қобилияти кучли, 6 мусиқачи аёлга 1 мусиқачи эркак туКри келади.
5. Эркакларнинг 48 фоизи аёлларнинг 22 фоизи ухлаганда хуррак отаркан.
6. Аёллар шахсий ишлари билан эркакларга қараганда 3 ҳисса кўп телефон қиласар экан. Аёллар кунига ўртача 20 минут вақтини телефонда гаплашиб ўтказса, бу кўрсаткич эркакларда бор-йўки 6 минутдир.
7. Оила бюджетининг 69 фоизи аёлларнинг назорати остида бўлар экан. Бу далил Францияда ўтказилган савол-жавоблар асосида аниқланган.
8. Спиртли ичимлик аёлларга тез таъсир этади, сабаби уларнинг организмидаги ферментлар эркакларнинг организмидаги ферментларга қараганда фаол.
9. Ўғил болалар қизларга қараганда математикани яхши билар экан, ҳар 12 ёш қобилиятли олим йигитларга 1 қиз тўғри келиши ҳам шундан.
10. Аёллар хорижий тилларни тез ўзлаштирад экан.
11. Аёллар ширин таомларни, эркаклар эса аксинча тузли таомларни кўпроқ истеъмол қиласар экан.
12. Швейцариялик лингвист олима Эдит Слембеннинг текшириб аниқлашига қараганда, аёллар шартли равишда 2 ҳисса кўп «мумкин», «эҳтимол» деган сўзларни 5 ҳисса кўп ишлатади ҳамда сўроқни эркакларга нисбатан 3 ҳисса кўп берар экан.
13. Эс огиш холати билан боғлиқ касалларнинг кўпчилиги эркаклар экан.
14. Ўғил болалар қизларга қараганда узоқ ухларкан, 6 ёшдан бошлаб эса одатдагидан кўра бир соат кўп ухлар экан.

15. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ойнага қарашини яхши күришади, аёллар юз-чехраларини пардоз-андоз қылса, эркаклар бўй-бастига қарап экан.

16. Эркакларнинг 40 фоизини, аёлларнинг эса 60 фоизини уйқусизлик дарди безовта қиласа, эркаклар бўй-бастига аниқланган.

17. Ажралиш ҳақидаги 10 аризанинг 4 тасини аёллар ёзишаркан.

18. Аёллар ўзаро сухбат пайтида сухбатлашиб турган одамга дам-бадам кулиб маъқуллаб турса, эркаклар эса кўз ости билан ерга қараб тураркан.

Севги нима ва унинг тақдири

Севги-муҳаббат инсониятга Оллоҳ томонидан инъом этилган олий неъматларнинг биридир.

Севги аввало инсон, ҳаёт, яшаш замири билан бир негизда эканлигини ва буларсиз мавжуд бўлмаслигини биламиз албатта. Севги ҳам илоҳий неъмат, уни авайлаб, қадрламоқ бизни ҳар қандай оғир синовдан ғалаба билан чикишимизга асосдир. Севги номи бир сўз билан ифодалансада уни кечиши, кўриниши ҳар хилдир.

Кўринишларини бўлиб чиқамиз:

1. Ҳақиқий севги - Илоҳий куч-құдрат. Яъни, бу тоифага мансуб инсонларнинг қалби пок, рухи тоза, эзгулик ва висолга етиши мақсади, буюк орзу, муқаддас оила, келажакка муносиб фарсанд яратиш - Аллоҳни ва ёруқликни йғлига тушганлардир. Бундай инсонлар доимо омадли, ютуклари кўп, ўз мақсадларига, севгандарига етадилар, беармон яшайдилар. Илоҳий куч-құдрат уларнинг насибасидир.

2. Ошкора севги - Девоналик. Яъни, бундайларда севги умуман йўқ. Кимнидир ошкора севадилар, ошкора ташлаб кетадилар, бошқага кўнгил очадилар. «Мен фалончани севаман», деб одамлар орасида ошкора айтиб юрадилар. Ўз севганининг айбини ҳам одамлар орасида айтиб, халққа ошкор айтишдан тоймайдилар. Буларни борадиган жойи боши берк кўчадир.

3. Пинҳоний севги - Худбинлик. У кимнидир севади, яқин дўстига ҳам, ҳатто севганига изҳор айламайди. Йиғлайди, куяди, ўрганади, лекин ҳеч кимга айтмайди, айтишдан қўрқади- шу билан бирга ёридан айрилиб қолишдан ваҳимада яшайди. У ўзини бутун умр азобга маҳкум этган инсондир. Балки унга Оллоҳ мададкор бўлар.

4. Оддий севги - Одамийлик. Бу севги покиза, беғубор, инсонийлик бурчини ҳис этган, одамийлик фазилатлари билан югрилган севгидир. Айнан ўз севгилисига нисбатан, фақат яхшилик, эзгулик ва диёнатни ўзида мужассам этган буюк қалбидир. Умрини охиригача фақат пок севги билан яшайдилар. ўша севгини ўз яқинларига нисбатан ва ўзи севган кимсага улуғ туйгуларини багишловчи покиза инсондир. Бундай кишиларни босган қадами ҳам нурлидир.

5. Фараз севги - ҳасддорлик, ҳайвонлик, яъни кўп кишини севади. Омади юришмагач, қасд, ўч олишга ўтади. Бундайларни икки дунё орасида аросатда колган одамлар дейилади. Улар бирорвларни

бахтини, севгисини, ютугини күролмайдиганлардир. Уларнинг наётмиши ва на келажаги бор.

6. Бир лаҳзалиқ севги - Кайф ва шаҳвоният. Бундайларда севги, одамгарчилик, инсоф, хаққоният бутунлай йўқ. Улар барча дунёни бир лаҳзалиқ кайфга алмашадилар. Үндайларнинг қўлига тушганлар барвақт бахтидан айриладилар, хазон бўладилар. Ваъда беришга уста, айёр ва ичи қора одамлардир. Ўз қилмишларини жуда кеч англаб пушаймон бўладилар.

Ушбу севги турларидан бошқаси ҳам бордир. Чунки айни навқирон ёшда кишилар тез ўзгарувчан бўладилар. Йигитларимиз гўламасидан севиб қолсалар бир кун алданиб қоладилар. Қизларимиз ўз бахтидан айрилиб, очилмай сўладилар. Бир умр армонда ўтадилар. Шунинг учун илк севги ёшида ўйлаб қадам босганлари зарур. Севгида энг аввало Синов деган улкан **Имтиҳон** борлигини унутмасалар, ҳеч қачон йикилмайдилар. Ўз севгиларини ягона одамга багишлаб имтиҳондан яхши ўтсалар бас, бахт эшиги улар учун доимо очик.

Бир ўйлаб кўринг, бедаво дардга йўлиққан инсон юрак бўшлиғида унинг номини асрайди, унга суянади, тушкунлик ўрнини яшашга интилиш, ҳаётий лаззат эгаллайди. Севги туфайли иродаси мустаҳкам бўлади. Таъянч нуктаси, ишонган тоги фақат Севган кишисидир.

Тавсияларимизни исботини одамлар тақдир-ҳаётига бефарқ бўлмасангиз албатта топасиз. Ҳар бир одамнинг ҳаёт йўлини билишга ҳаракат қилинг, унинг яхши томонларини эсда сақланг. Ва ўзингизни синааб кўринг.

Севги формуласи

Бу албатта ҳаммага қизиқ туюладиган масала. Севгининг қонуни бор, лекин қоидаси ва формуласини ҳали ҳеч ким тузмаган. Шундай экан ҳаракат қилиб, севги формуласини ишлаб чиқамиз. Бунинг учун учта жадвалдан фойдаланамиз. Тўрт амалнинг иккитасидан фойдаланиб, ўша айтган тақдирни азални келтириб чиқарамиз.

1- ЖАДВАЛ

А-1, Б-2, В-3, Г-4, Д-5, Е-6, Ё-7, Ж-8, З-9, И-10, Й-11, К-12, Л-13, М-14, Н-15, О-16, П-17, Р-18, С-19, Т-20, У-21, Ф-22, Х-23, Ч-24, Ш-25, Э-26, Ю-27, Я-28, Ў-29, Қ-30, Ў-31, Ў-32.

Биринчи амални бошлаймиз. Айтайлик, қуйида Маҳмуджон ва Жамила исмларини кўрамиз. Шарт - исмлар тўла ёзилиши керак.

2- ЖАДВАЛ

А-Й-ў-к-ў-Я-7,

В-Ё-Ж-Ю-Л-8

Б-К—П-Ф-З-9,

Д-Р-У-6

Г-Е-С-Н-Х-10

О-Ў-Э-Т-Ч-5

3-ЖАДВАЛ

А- армон, Б-бегоналик, В-висол (вақтинча), Г-гул, Д-девоналик, Е-етишмоқ, Ё-ётсираш, Ж-жудолик, З-зўрлик, И-инжу (интилмок), Й-йироқ, К-капалак, Л-лоқайдлик, М-монеълик, Н-нур, О-ойдин йўл, П-парвоналик, Р-ракобат, С-садоқат, Т-туташ, тақдир, У-умид, Ф-фойда учун, Х-халоскор, Ч-чанқоқлик, Ш-шижоат, Э-эришмоқ, Ю-югурмок, Я-янгидан, Ў-ўғирлик, Қ-қочиб қолиш, қуён, F-гафлат, Ҳ-ҳақиқий.

Исмни тўла ёзиш керак; Масалан, Маҳмуджон + Жамила + Севги + Тақдири.

Биринчи жадвалдан фойдаланиб, ҳарфлар ўрнига сон қўйиб чиқамиз:

М-14, А-1, Ў-32, М-14, У-21, Д-5, Ж-8, О-16, Н-15.

Демак; $14+1+32+14+21+5+8+16+15=126$

Жамила; Ж-8, А-1, М-14, И-10, Л-13, А-1.

Демак; $8+1+14+10+13+1=47$.

Севги; С-19, Е-6, В-3, Г-4, И-10.

Севги сўзининг умумий йигиндиси $19+6+3+4+10=42$.

Барча йигиндиларни қўшамиз; $126+47+42=215$.

Тугилган йилни йигиндига бўламиз; $1958:215=9$. 23 қолдик ҳисобланмайди. Бўлинма сони-9. 9 сонини 2 жадвалдан топамиз. Иккинчи жадвалдан 9 сони қайси ҳарфга teng эканлигини крганимизда $9=3$ ҳарфига. З жадвалдан 3 ҳарфи қандай сўзни ифодалайди. З-зўрлик, яъни биз бир-биримизни мажбуран севамиз, севиш учун ўзимизни зўрлаймиз. Мажбуран севгида баҳт бўлмайди. Бу эса ҳақиқатдир.

Хурматли дўстим, сиз севгини ўрнига Ишонч, Баҳт, Дўст, деган сўзларни қўйиб чиқсангиз ишончинингизни дўстингиз ёки севганингиз оқлай оладими, баҳтли бўласизми, дўстингиз ҳақиқий дўстми, билиб олишингиз мумкин. Лекин ишониш-ишонмаслик ўзингизга ҳавола.

Қон группаси ва психология

Қон группаси кишининг характеристи ва ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Бу фикрни япон олими Пошитаке Номининг миллионлаб кишилар ҳаётини ўрганиш хулосалари тасдиқлайди.

Номи ўрганиб, хулоса қилинган қон группалари бўйича кишиларнинг характеристлари кўйидагича :

1 группа. Сиз лидерликка ўчсиз. Олдингизга қўйган мақсадга эришмагунча тинчмайсиз. Олға ҳаракат қилишда тўғри йўналиш белгилай оласиз. Ўз кучингизга ишонасиз, лекин эҳтирослардан ҳам ҳоли эмассиз. Камчиликларингиз ҳам бор. Сиз ўта раشكчи ва шошқалоқсиз. Бундан ташқари, сиз жуда иззатталабсиз.

Ижобий томони. Ростгўй, жозибадорлик, келишган қадди-комат, кек сақламаслик, кенг ва ҳур фикрлилик.

Салбий томони. Қизғанчиқ, бетгачопар, хиссиз.

11 группа. Сиз мувозанат, осойишталик ва тартиб - интизомни яхши кўрасиз. Одамлар билан яхши ишлай оласиз. Бундан ташқари сиз таъсирчан, маданиятли ва очиқкўнгилсиз. Сизнинг камчиликларингиз ўжарлигингиш ва асабларни бошқариб билмаганингизда.

Ижобий томони. Ишончли шерик, дўст, ҳар доим ҳамкор бўла олади.

Салбий томони. Манманлик, қизиқконлик.

111 группа. Сиз шаклланган шахсиятпарамаст (индивидуалист) ўз хоҳиши бўйича иш қилувчисиз. Ҳамма нарсага тез мослаша оласиз, хаёлпарамастликдан узоқсиз. Лекин сизни ўзбошимча иш қилишингиз баъзи вақтда халақит қилиши мумкин.

Ижобий томони. Қизиқувчан, ижодий имкониятлари кенг, ҳайвонларни яхши кўради.

Салбий томони. Хотираси суст, дангаса, масъулиятсиз.

1V группа. Сиз тинч ва хотиржамсиз, кишилар сизни севадилар ва сиз билан ўзларини эркин хис қиласидилар. Уларнинг вақтини чоғ қилишни биласиз ва бир вақтда атрофдагиларга одобли ва адолатлисиз. Лекин айрим вақтларда қизиқконсиз, баъзан эса узоқ вақт иккиланиб, бир қарорга келишга кийналасиз.

Ижобий томони. Вазмин, босик, соғлом фикрли, меҳрли.

Салбий томони. Бепарволик, қатъиятсизлик, кек сақловчи баъзида сотқинлик, севгисига ҳиёнат.

Үйкү ва психология

Сиз ўзингизнинг психик ҳолатингизни билмоқчимисиз! Марҳамат! «Бундан осон иш йўқ, - дейди француз психологи Пьер Даво, одамнинг психологияси унинг қандай ухлашига алоқадор.

Агар киши қорни билан ётса, демак уни кўнгилсизликлар, ишдаги нохушликлар қийнаяпти.

Фужанак бўлиб ётадиган одам ёлгизликдан қийналиб, таянч излаган бўлади.

Осимонга қараб ётадиганлар мағрур ва иродали, ўз мақсадлари йўлида курашувчан.

Бошини буркаб ётадиганлар тушкунликка тушган кишилардир.

Ёстиқ кучоклаб ётадиган киши чинакам севигига мухтож.

Ўнг ёнбоши билан ётса, у ишда қатъий ишончи бор, лекин ҳеч қачон юқори погонага кўтарила олмайди.

Гапнинг тагида гап...

➤ Оила оркестрида эр сўзсиз биринчи срипка, фақат шарти - дирижёр хотин бўлса.

➤ Хотин бамисоли ушлагичсиз жомадонга ўхшайди, кўтариш оғир, бироқ ташлаб юбориш мумкин эмас.

➤ Бошида эркак аёлни қандай қилиб гапиртиришни билмайди, сўнг уни қандай қилиб ўчиришга ақли етмай қолади.

➤ Аёл учун ҳаммаси муҳаббатдан бошланади, эркакучун эса ҳаммаси муҳаббат билан тугайди.

Гапнинг тагида гапларнинг мағзини чақиши хурматли китобхонларга ҳавола.

Асрлар оша орттирилган тажрибага амал қилсан...

Қадимги илмий манбаларда ёзилишича, ёшлар оила баҳтили бўлиши учун маълум даражада оддий маслаҳатларга амал қилиши керак, масалан:

❖ “Ёш келинга шундай маслаҳат берадилар: илк висолдан сўнг куёвнинг қиёфаси ва овоз таасуротлари ширин ҳамда ёқимли бўлиши учун у билан танҳо қолишдан аввал беҳи меваси истеъмол қилиши зарур”.

❖ Ёш келин-куёвлар, айниқса, дастлабки пайтда зиддият, жанжал чиқишидан эҳтиёт бўлишлари даркор. Чунки, эътибор берсангиз, ҳатто энди елимланган туваклар ҳам кичик силкинишдан сўнг осонгина ажралиб кетишади. Бироқ, вақт ўтиши билан

елимланган жойи мустақкам қотгач, олов ҳам, темир ҳам ажратолмайди.

❖ Оқила ва гўзал хотини билан ажралишгани учун дўстлари койиган римлик бир киши уларга оёғини рўкач қилиб деди: “Бу бошмоқ кўринишидан жуда гўзал, ҳали кийилмагандай, бироқ у оёғимнинг қайси жойини қисаётганини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди!”.

Демак, ҳар бир одам ўзаро муносабатларда ўзича ёндашиш ва эътиборга муҳтожлик сезади.

Ҳаёт сабоқлари

- Агар болани доимо танқид қилинса, у нафратланишга ўрганади.
- Агар бола таҳлика асосида яшаса, у урушқоқликка ўрганади.
- Агар болани масхаралаб турилса, у писмиқ, одамови бўлиб қолади.
- Агар болага доимо миннат қилинса, у доимо ўзини айбдордек ҳис этиб яшашга ўрганади.
- Агар бола тўғриликда ўсса, у адолатли бўлишни ўрганади.
- Агар бола хотиржам яшаса, у кишиларга ишонишга ўрганади.
- Агар бола ғийбатлашув вақтида бўлиб қолса, у чақимчиликка ўрганади.
- Агар болага тан жазоси берилаверса у сурбет, қайсар, ўжар бўлиб қолади.
- Агар бола ўзаро чидам-қаноат муҳитида ўсса, у бошқаларни тушунишга ўрганади.
- Агар болани яхши харакатларини кувватлаб турилса, у ўзига ишонч ҳосил қилиб яшаши ўрганади.

Донолар дейдикি:

- * Чинакам баҳтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишидан топилган ҳақиқат, акл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулқдан зиёда саломатлик.
- * Содда ва табиий ҳолда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради.
- * Мұхаббат мұхаббатни жалб қиласи. Бошқаларнинг ўзингизга мұхаббатли бўлишини истасангиз, аввало ўзингиз уларга мұхаббат боғланг.

- * Ўтган ишлар учун пушаймон қилиб ўтиришдан, келажак учун йўл-йўриқлар излаш маъкул.
- * Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз; зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг - бахтнинг ўзи келади.
- * Эй, фарзанд.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалам айтибдилар: саккиз нарса саккиз нарсага тўймайди.

1. Кўз қарашга.
2. Ер сувга.
3. Аёл эркакка.
4. Олим илмга.
5. Гадо сўрашга.
6. Очкўз дунё жамлашга.
7. Денгиз сувга.
8. Ўт ўтинга тўймайди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиларки, саккиз нарса саккиз нарсага зийнатидир.

1. Иффатли, покиза бўлмоқлик, яъни харомдан сақланмоқлик фақирик зийнатидир.
2. Шукр қилмоқлик, яъни Аллоҳнинг амрига бўйсунмоқлик неъматнинг зийнатидир.
3. Сабр қилмоқлик, яъни бало-офатга дуч бўлгандага Худонинг газаби келадиган гаплар айтиб дод-фарёд чекмаслик балонинг зийнатидир.
4. Ҳалимлик, мулойимлик илмнинг зийнати, яъни илмли киши кўпол ва бадфеъл бўлмаслиги лозим.
5. Ўзини хору ҳас тутмоқлик таълим олувчининг зийнатидир, яъни толиби-ilm устози, ўртоқлари орасида манмансирамаслиги лозимдир.
6. Кўп йигламоқ - қўрқувнинг зийнати, яъни Худонинг газабидан ва охират ахволидан қўрқувчи инсон кундузлари хам кулиб, кечалари йиғламоғи лозимдир.
7. Миннатни тарқ қилмоқ эҳсоннинг зийнатидир, яъни эҳсон қилувчи киши эҳсон олувчи кишидан хурмат талаб бўлмаслиги лозимдир.
8. Тавозелик - намознинг зийнатидир.

Энг яхши кун - бугун

Энг катта хато - умидсизликка берилиш

Энг катта ожизлик - нафрат
Энг катта тинчликни бузувчи - кўп гапирадиган одам
Энг хавфли одам - ёлғончи
Энг катта ҳаёт - ҳамжиҳатлик ҳисси
Сен беришинг ёки олишинг мумкин бўлган энг катта совға - севги!

- Одам Ато билан Момо Ҳаво жуда баҳтли ҳаёт кечиришган, чунки уларда қайноналар ва қайнона-келин муносабатлари бўлмаган. Аммо улар бир масалада зерикишган, яъни ғийбат қиласидиган одам бўлмаган.
- Аёл киши эркакни жаннатдан олиб чиқиб кетган. Аммо эркакни жаннатга олиб кирадиган ҳам аёлдир.
- Эркак кишини жаннат боғидан олиб чиқиб кетган ҳам ва уни ҳаётини жаннат ёки дўзахга айлантиришга қодир бўлган ҳам аёлдир. Шуни билган ҳолда турмуш ўртоғингни танлашда адашма!

ХИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидур.

СУҚРОТ.

Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан факат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва аклий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи кудрат ахтаринг.

Ж.МАДЗИНИ.

Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

М.БАРРЕС.

Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-хурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир.

Ж.Ж.РУССО.

Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса - ғамгин бўлиб колар эди.

П.БУАСТ.

Хотин-қизларнинг аҳлоқ масаласидаги қатъийликлари-бамисоли упа-элик, бу билан улар ўз ҳуснларини оро берадилар.

Ф.ЛАРОШФУКО.

Мұхаббат бобида аёллар әрқакларға нисбатан анча сермулоҳазакордирлар, чунки мұхаббат аёл учун чин маңнодаги улуғ түйғу ва бутун ҳәётининг мазмунидір.

У.ИРВИНГ.

Табиат аёлга шундай дейди: уddасидан чиқсанг гүзал бўл, хохласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмогинг шарт.

П.БОМАРШЕ.

Ўз мұхаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир.

СТЕНДАЛЬ.

Ҳар бир киши ўзида севилишдек бир эҳтиёж сезадики, бу түйғу уни кўзи ўнгиде юксакликка кўтаради, аммо одамни турлича: биринчи беадад меҳр-шафқат билан, яна бирини эса доимий жиддият билан севмоқ керак.

Ж.САНД.

Эркак билан аёл мұхаббати- бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат ҳиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Г.МОПАССАН.

Эркак киши танлаган қайлиққа қараб, у одамнинг кимлиги, ўз қадр-қімматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади.

И.ГЁТЕ.

Агар қалбимиз соф бўлса, «аёл» сўзи биз учун улуғворликка лиммо-лимдир.

Э.СЕНАНКУР.

Ўз севганингни соғиниб аҳволинг танг бўлиши, кўяррага кўзинг йўқ одам билан яшашдан юз чандон енгилроқдир.

Ж.ЛАБРЮЙЕР.

Аёл ишончини сустеъмол этиб, мұхаббатини оёқ ости қилган, ожизгина вужудини қийнаб, кўзидан алам ёшларини оқизган одам, менинг наздимда, абрах ва разилдир.

Ш.НОДЬЕ.

Тан гўзаллиги ошиқларни шайдо қилиши мумкин, уларни бир умр мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги талаб қилинади.

К.КОЛТОН.

Аёлларда гўзал бўлмоқликтининг биргина, лекин жозибадор бўлмоқликтининг эса юз минг имконияти бор.

Ш.МОНТЕСКЬЕ.

Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

A. ФРАНС.

Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у хеч ерда сенинг хузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

ПИФАГОР.

Кимда йўқдир қалбда оташ, кимда йўқдир эхтирос,

Мен уни сувсиз, қуруқ дарёга қилгайман киёс.

Барча дарёлар шошар, уммонни кўзлаб, ҳар қачон,

У қочар уммон қолиб, гўёки сахролар томон.

МИРЗА ШАФИЙ.

Чинакам севиш - ўзи ҳақида ўйлашни унудишидир.

ЖАН ЖАК РУССО.

Иzzат-хурматсиз севги узокқа бормайди, юксакликка ҳам кўтарила олмайди, у бир қанотли фариштадек гап.

АЛЕКСАНДР ДЮМА.

Ҳар кўнгилниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

АЛИШЕР НАВОИЙ.

Бегона аёлни севмоқ - саримсоқ емоқнинг ўзи. Буни ҳар қанча беркитганингга қарамай, охир-оқибатда ҳиди билинади.

Олтин ва аёллар, нақ оловнинг алангасига ўхшайдилар, уларга боқсанг - тананг қизийди, тегсанг - куясан.

Кўп билиш ва севмагандан, оз билиш ва кўп севиш яхши.

КАБИР.

Ёмон кўрган кишинг билан яшагандан, яхши кўрган кишингни соғиниб яшаш анча енгил.

Қайнота куёвни хуш кўрмайди, келинни ёқтиради; қайнота куёвни хуш кўради, келинни ёқтирмайди; дунёда ҳамма нарса мувозанатлашади.

Эркак киши бегона сирни ўзиникига қараганда ишончлироқ саклайди, аёл киши эса ўз сирини бегона сирга қараганда яхшироқ саклайди.

ЖАНЛАБРЮЙЕР.

Одам сабрли ва яхши ахлоқли бўлмаса, ҳалол мол топиб, ҳалол касб қилмаса, бундай одамнинг уйланмагани яхшироқдир. Ундей одам уйланса дунё ва охиратига зарар етказади.

АҲМАД ДОНИШ.

Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмасдур. Баъзилари айш-ишрат қилиш, шахват нафсини қондириш учун уйланадилар: баъзилар хотин олган бой бўларкан деб, унинг молига қизиқарканлар. Яна бир хил одамлар фарзандталаб бўладилар. Баъзи бир одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар. Яна бир қанчалари уй-рўзгор, саранжом-саришталиклари учун уйланадилар. Хотиннинг молига кўз тикиб уйланган кишидан кўра ахмокроқ киши йўқдир.

АҲМАД ДОНИШ.

Гўзал аёлни севмаслик жиноят ҳисобланса, уни севиш жазодир.

ВАЛ. ДЕВЯТИЙ

Ҳеч бир аёл ақлсиз эркакни ақлли қила олмайди, аммо энг ақлли эркакни ҳам ақлу-хушини олиб қўйишга қодир.

ВАНДА БЛОНЬСКАЯ

Аёллар эркакларни бахтли қилишнинг битта йўлини, бахтсиз қилишнинг эса мингта йўлини биладилар.

ГЕНРИХ ГЕЙНЕ

Соф ёлғизлик - бу сени тушунмайдиган одам билан яшаш.

ЭЛБЕРТ ХАББАРД

Ақлли аёл учун эркак муаммо эмас, аксинча муаммонинг ечимиидир.

САРИ ГАБОР

Севиш дегани - бу ўзимиздаги ва атрофимиздаги минглаб тўсиқларни енгиб ўтиш деганидир.

Ж.АНУЙ

Эркак киши аёлни чанқоқдан азоб чекиб сувга интилаётган йўловчикдек севади. Ундан ўз ҳирсини (эҳтиёжини) қондириб бўлганидан сўнг у ўзи талпинаётган предметга қизиқишини йўқотади.

Аёл киши эркакни иссиқдан толикіб салқинга интилаётган йўловчикдек севади. У ҳатто ўзи хоҳлаган нарсага эришса ҳам у севигига тўймайди.

СЮЙ СЮЭМО.

Нокас киши ҳеч маҳрами жон бўлмас,
Шўра ер узра боғу-гулистон бўлмас,
Ким дарди дилоромни севмаса жондек,
Ҳаргиз ўзганинг дардина дармон бўлмас.

ХОФИЗ ХОРАЗМИЙ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент.: «Шарқ», 1999. — 182 б.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Ўзбекистон”, 2008. 156 б.
3. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари, 1-жилд. Тошкент., 1994. 304 б.
4. Авлоний А. Гулистон ёхуд ахлоқ. Ислом одобидан мумтоз намуналар.
5. Т., 1993. 120 б.
6. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари.Т.: «Шамс АСА», 2002. 25 б.
7. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Оилавий ҳаётни ўрганишга оид психологик тестлар.Т.: «Шамс АСА», 2002. 58 б.
8. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Оилавий ҳаётга оид психологик тавсиялар.Т.: «Шамс АСА», 2002. 63 б.
9. Акрамова Ф.А. Инсоний муносабатлар психологияси.Т.: «Шамс АСА», 2005. 68 б.
10. Акрамова Ф.А. Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. Т. : «Шамс АСА», 2006, 90 б.
11. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари, Т., 1994, 134 б.
12. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Т.: 2006. – 142 б.
13. Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами. Проф.В.М.Каримова таҳрири остида. Т.: 2007, 118 б.
14. Навоий А. Махбуб-ул-кулуб. Т., 1983. 110 б.
15. Оила ахлоқи ва одоби: Мажмуа. Т., 1995, 200 б.
16. Оила психологияси.(Шоумаров F.Б. таҳрири остида). Т., 2000.
17. Соғинов Н.А. Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. Тошкент - 1996. - 35 бет
18. Соғинов Н.А. Аёлларни асранг эркаклар. // Оила ва жамият. - 1996., 47-сон.
19. Тесты для супругов. —Минск, 1998 —32с
20. Товаслий Юсуф. Ҳикматлар хазинаси, Т., 1994, 284 б.
21. Узоқов X. ва бошқалар. Оила этикаси ва психологияси, Т., 1992. 128
22. Фахр ул Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. —Тошкент. 1992. -966.

23. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари, — Т,: «Маънавият», 1998, - 112 б.
24. Ҳикматнома. Ўзбек мақоллари изоқли лугати. Т.,1990, 528 б.
25. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фатувватномаий Султоний: ёхуд жавонмардлик тариқати. —Тошкент. — 1994. — 111 б.
26. Шоумаров F.Б., Шоумаров Ш.Б. Мұҳаббат ва оила.— Тошкент, Ибн Сино», 1994. -120с.

МУНДАРИЖА

| |
|---|
| Сўзбоши..... |
| 1-БЎЛИМ. Шарқ мутафаккирларининг оила ва шахс хусусидаги қарашлари..... |
| 2-БЎЛИМ. Оилавий ҳаёт ва уни мустаҳкамлашга оид психологик тавсиялар..... |
| 3-БЎЛИМ. Оилавий ҳаётни ўрганишга оид психологик тестлар..... |
| 4-БЎЛИМ Оилавий ҳаётга оид ҳикматлар ҳазинаси..... |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... |

Қайдлар учун

3

6

21

44

139

154

Р.М. АБДУЛЛАЕВА, А. ИСЛОМОВ

**ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ:
ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР
ВА ТЕСТЛАР**

Мухаррирлар: Мирбабаева С.А.
Техник мұхаррир: Тұраева Ф.Б.
Мусаххих: Комилова Н.Ж.

Босишига рухсат этилди 20.06.2012 йил. Қоғоз бичими 60x80 1/16.
Шартли босма табоги 10,0. Адади 50 нұсха.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди.
100003. Тошкент, Ўзбекистон шоҳ күчаси, 49-үй.

